

**О.Кудратов**

# **САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги бакалаврлар учун ўқув  
қўлланмаси сифатида тавсия этган**

**2-нашри  
(тузатишлар ва тўлдиришлар билан)**

## – МУАЛЛИФ ҲАҚИДА –

Құдратов Очил Құдратович 1936 йилда туғилған. Миллати ўзбек. 1965 йилда Тошкент түқимачилик ва енгил саноати институтини мухандис механик мутахасислигини тамомлаб, шу институтта мухандис механик, ректор мувовини лавозимларида ишлаган. Ҳозирда «Мехнат муҳофазаси» кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

О.Құдратов т.ф.д., профессор билимгоҳимизда, Республика мизда шунингдек Мустақил давлатлар Ҳамкорлигига кирған республикаларда, чет давлатларда ўтказилған илмий – назарий конференцияларда ўз маърузалари билан фаол қатнашиб келмоқда.

А.Құдратов ўнта ўқув қўлланмаси ва дарсликлар муаллифи:

1. Задачник по вентиляции (француз тилида) 10 б.т. 1980 й. Ал – Жазоир ш.
2. Вентиляция, кондиционирование воздуха и отопление на швейных предприятиях. Т., «Ўқитувчи», 1982й. 10 б.т.
3. Охрана труда на предприятиях шёлковой промышленности в соавторстве. Т., «Ўқитувчи», 1968 й. 14 б.т.
4. Охрана труда на кокономотальных производствх. Т., «Ўқитувчи», 1991 й.
5. Охрана окружающей среды на хлопкоочистительной и шёлковой промышленности. Т., «Ўқитувчи», 1995 й. 10,5 б.т.
6. Ипакчилик саноатида меҳнат муҳофазаси. Т., «Ўзбекистон», 1995 й. 12,5 б.т.
7. Саноат экологияси. ТТЕСИ 1999 й. 12 б.т.
8. Меҳнатни муҳофазала қилиш «Меҳнат» наш. 2001 й. 11,5 б.т.
9. Меҳнат муҳофазаси. «Ўзбекистон» наш. 2002 й. 15 б.т.
10. Ташқи муҳитни муҳофазалаш. ТТЕСИ. 2003 й. 14,4 б.т.

Мазкур ўқув қўлланмада экология фани ривожланишининг қисқача тарихи Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги экологик муаммолари, табиатда ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўрни, экосистемалар тавсифи, биосфера, атмосфера, гидросфера каби масалалар ёритилган. Унда табиатни муҳофаза қилишнинг илмий-назарий, илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий асослари ёритилган. Тўқимачилик, енгил саноат ва пахта тозалаш корхоналарининг технологик жараёнларидан чиқадиган зарарли ва заҳарли чиқиндилар уларни аниқлаш ва тозалаш усуслари батафсил баён қилинган. Илмий техник изланишлар ва ўтказилган тажрибалар натижалари асосида табиатни муҳофаза қилиш – атмосфера ҳавосини ва сувларни ифлосланишдан, тупроқ коррозияси, ўсимлик, ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш масалалари ёритилган. Саноатдаги шовқин ва титрашларни камайтириш йўллари кўрсатилган. Табиат ифлосланиши манбаларини инвентаризация қилиш тартиби; саноат корхоналарини экологик экспертизадан ўтказиш тартиби ва ташки муҳитни ифлослантирувчи моддалар ва чиқиндилар учун тўловлар ҳозирги талаб даражасида эмаслиги, мустақил Ўзбекистон қонунларига ва талабларига асосан ёзилган.

Ўқув қўлланма техника ва технологиявий олий ўқув юртлари талабаларига ҳамда шу соҳа мухандис-техник ходимларига мўлжалланган.

Тақризчилар: т.ф.д. профессор **Н.У. Ризаев**  
 ф.ф.д. профессор **Ю.Ш. Шодиметов**  
 т.ф.н. доцент **С.Й. Бобоҷонова**.  
 т.ф.н. доцент **М.Н. Мусаев**

Муҳаррир: доцент К.Т. Умаров

«Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва мингақавий доирадон чициб, бутун инсонияттинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларнинг бузилиши ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади»

*Ислом Каримов*

«Афсуски бу жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади». Бу ерда, мутахассисларнинг баҳолашича, жуда мураккаб, айтиш мумкин, хавфли вазият вужудга кельмоқда. Бундай вазият нимадан иборат:

Биринчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф ортиб бормоқда... Шу сабабли Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишдаги ғоят муҳим вазифа ерларнинг ҳолатини яхшилашдан, турпроқнинг ифлосланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмумини амалга оширишдан иборат. Бу ўринда гап энг аввало табиий заҳиралардан фойдаланиши тубдан яхшилаш ҳақида бормоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув заҳираларининг, шу жумладан ер усти ва ср ости сувларнинг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда... Сув зақираларининг сифати энг муҳим муаммолардан биридир.

Учинчидан, Орол дengизининг куриб бориш хавфи ғоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди.

Тўртинчидан, ҳаво бўшлигининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳтиддир [1].

Ҳозирги пайтда республикада истиқболга, яъни атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш бўйича 2000-2005 йиллар ва 2010 йилларгача мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги бутун фаолият ана шу дастур асосида ташкил этилган. Дастурда республикада экологик вазиятни соғломлаштириш, йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари кабиларда экологик кескинликка барҳам бериш йўллари белгиланган»

## КИРИШ

«Чаңг ва губор бўлмагандан  
инсон минг йил яшар эди».

### АБУ АЛИ ИБН СИНО

Ватанимизнинг мустақилликка эришиши экология муаммоларини ҳал қилиш, инсоннинг табиатга бўлган муносабатини янги босқичга кўтариш имконини беради. Ҳозирги кунда табиатни муҳофаза қилиш масаласи тинчликни сақлашдан кейинги ўринда турадиган энг долзарб муаммоллардан биридир. Атрофимиздаги табиат миллионлаб йиллар давомида юзага келган ҳамда ўзининг мураккаб қонунларига риоя қилган ҳолда яшайди. Ана шу табиат билан инсон ўртасида мураккаб мувозанат мавжуд.

Ўзбекистон Республикашимиз азалдан ўз табиатининг гўзаллиги билан оламга машҳур бўлган ва бу ҳудудда қадимдан чорвачилик, деҳқончилик, сугориш иншоотлари қуриш, балиқчилик, ипакчилик, пахтачилик ва асаларичилик ривожланган.

Аждодларимиз ўзлари яшаган масканни босқинчилардан ҳимоя қилганлар, унинг табиатини асраб-авайлаганлар, доим авлодларга озод ва обод Ватанини қолдириш учун ҳиракат қилганлар. Улар ўзларини табиатнинг фарзандлари деб билганилар. Бу алломаларимиз **Махмуд Қошғарий, Беруний, Хоразмий, Фаробий, Жайхунний, Абу Али иби Сино, Бобур** асарларидаги яққол кўзга ташланади.

«Экология» тушунчаси илк бор 1866 йилда истеъмолга киртилган бўлсада, боболаримиз бу тушунчани анча илгари англаб. уни ўз турмуш ва фаолиятларининг моҳиятига айлантирган эдилар: сувга ахлат ташламаслик, фарзанд туғийгандага ниҳол ўтказиш.

хазон ёқмаслик ўша даврдаги кенг тарқалған удумларимиз ҳисобланади.

Алломаларимиз табиатдаги мавжуд мувозанатни бузмаслика катта эътибор берганларки, бугунга келиб бундай қараши экология тушунчасининг асосига айланди. Табиатни асраб-авайлаш, мамлакатни гўзал боғга айлантириш буюк бобомиз Амир Темур замонида айниқса катта эътибор касб этади. Соҳибқироннинг табиатни беҳал қадрлаши, экологик вазиятни эътиборга олиши, хусусан, ўз салтанати пойтахти Самарқанд шаҳрини яна ҳам қўкаламзорлаштириш учун жуда кўп боғлар барпо этганлиги эътиборни тортади. Соҳибқирон бобомиз табиат инсон ҳаётида катта ўрин тутишини яхши билган, табиий мувозанатни сақлаш лозимлиги таъкидлаб келган.

Замонавий экология нуқтаи назаридан қараганда табиатни асраш ишида ботаника боғи, қўриқхоналар жуда муҳим ўрин тутади.

Табиат - бу тирик организмдир; у ҳар бир бузилган ери учун инсондан шафқатсиз равишда ўч олиши мумкин.

Ҳозирда атроф-муҳитни сақлаш, соғломлаштириш энг дол зарб муаммолардан биридир. Дунёині барча миңтақаларида йирик саноат марказлари, транспорт воситалари атроф-муҳитни ифлослантираётгани, катта-катта ўрмонларнинг кесилиб тутатилаётгани, денгиз ва океанлар заҳарланаётгани, ҳайвонот ва ўсимликлар оламидаги турларнинг тобора камайиб бораётгани сир эмас.

Сайёрамизда ҳар йили ташиқи муҳитга  $70$  млн.  $m^3$  захарли газ,  $50$  млн. тонна метан,  $13$  млн. тоннага яқин азот қуюндиси чиқарилмоқда; океанларга  $10$  млн. тонна нефть ва нефть маҳсулотлари сув ҳавзаларига  $32$   $km^3$  ифлос саноат сувлари қуйилмоқда.  $11$  м.н. гектар ўрмон кесилмоқда ва ёниб кетмоқда.

Орол ва Оролбўйидаги экологик танглик келтираётган моддий ва маънавий зарар бутун инсониятни ташвишлантиришмоқда. Тожикистоннинг Сурхондарё билан қўшни шаҳри Турсунзодадаги алюминий заводи Сурхондарёнинг шу жойга яқин халқлари ҳаёти ва саломатлигига ҳамда табиатга хавф солмоқда.

Экологик аҳволни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа омилларга боғлиқ. Улар орасида экологик таълим ва тарбиянинг аҳамияти каттадир. Ёшларда экологик онгни шаклантиришда қадимий миллий тарбиявий воситалардан фойдаланиш зарур.

Республикамиз Конституциясининг 55-моддасига биноан, «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлиkdir, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб таъкидланган. Конституциянинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дейилган.

Экологик вазиятни соғломлаштириш учун давлат маъмурӣ йўл билан жуда кўп вазифаларни белгилаган, энди ҳамма гап жамият аъзоларининг табиатта бўлган муносабатини ўзгартиришидадир. *Кишиларда экологик онг, маданиятни шаклантиришлозим.*

- Оила тарбиясида ҳам экологик тарбияга катта эътибор берилиши керак (болани она заминга, табиатга, оқар сувга, нонга, жониворларга, ўсимлик дунёсига эъзоз, иззат ҳурмат руҳида тарбиялаш);

- Ижтимоий тарбия масканларида: болалар боғчаларида, мактабларда, олий билимгоҳларда инсон она табиатнинг бир бўлаги эканлигини уларнинг онгига сингдиришдан бошлиш керак. Ватанпарварлик туйғуси она Ватангга муҳаббатдан, унинг бой-

лигини сақлаш ва кўпайтиришдан, табиатта инсонпарвар муносабатда бўлишдан бошланишини уқдириш лозим;

- Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида, барча манбаларда Ўзбекистон Конституциясидан келиб чиқсан ҳолда табиатни муҳофаза қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини кишиларнинг онгига сингдериш зарур.

Табиатни муҳофаза қилиш Қонунининг 4-моддасига (1993 йил 9 декабрда Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш» тўғрисидаги қонун) қандай мутахассис тайёрланишидан қатъий назар барча ўрта ва олий ўкув юртларда фуқароларнинг ҳаёти учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш учун экологик ўқувнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Бу борада ҳар бир мутахассислик бўйича ўқитиладиган маҳсус курслар, республикамизнинг табиий ресурсларидан унумли фойдаланиш жараённида уни муҳофаза қилиш учун оқилона тадбирлар кўришга ўргатиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг технологик жараёнини эътиборга олишлари зарур.

Тўқимачилик, пахтани дастлабки ишлаш ва енгил саноат корхоналарида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини ҳал қилишнинг энг истиқболли йўлларидан бири - маҳаллий вентиляцион сўриш трубаларини ўрнатиш, атмосферага ва оқар сувларга тушадиган заарли чиқиндиларини истеъсно этишга ва пасайтиришга имкон берадиган юқори самарали чант тутиш курилмаларни ва технологик жараёнларни жорий этиш, шунингдек ишлаб чиқариш чиқиндиларидан максимал фойдаланишидир.

Келажакда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини энг аввало туташ технологик циклли чиқитсиз (яъни чиқиндиларни экологизациялаш) ишлаб чиқаришларни яратиш йўли билан ҳал қилинади. Бунинг учун айрим ҳолларда бутун технологик жара-

ённи ёки унинг босқичларини тубдан ўзгартириш, газлардан зарарли моддаларни ажратиб олиш ва утиллатириш усусларини ишлаб чиқиш, сув қайтариш системаларини қўллаш лозим. Чиқитсиз ишлаб чиқаришнинг келажаги - бу ҳудудий-саноат комплекслари бўлиб, уларда бир корхонанинг чиқиндиси иккинчиси учун хом ашё бўлиб хизмат қиласди. Баъзи соҳалар учун экологизацияциялашнинг муайян моделлари ишлаб чиқилган. Ҳозирча пахта саноати ва пиллачиликни экологизациялаш бўйича ишланмалар йўқ, лекин уларда чиқитсиз ишлаб чиқаришнинг айрим элементлари қўлланилмоқда.

Фан-техника воситалари атроф-муҳитни заарали чиқиндилар билан ифлосланишини истеъсоно этишга тўла имкои бермаётган ҳозирги вақтда атроф-муҳитнинг кишилар, ҳайвонлар ва ўсимлик дунёси учун хавфсизлигини кафолатловчи стандартларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Уларни ишлаб чиқиша Стандартлар халқаро ташкилоти, унинг қўмиталари ва баъзи мамлакатларнинг стандартлаш идоралари муҳим роль йўнайди. Соғлиқни сақлаш халқаро ташкилоти (ВОЗ) инсонни соғлиқни сақлаш даражасини назорат қилиш учун халқаро хизмат яратиши. Назорат станцияларининг тармоғи республика миқёсида, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, иқтисодиёт ва урбанизация даражаси билан белгиланади.

Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг, сув ҳавзалари ва тупроқнинг ҳолати атроф-муҳит ифлосланиш даражасини кузатиш ва назорат қилиш умумдавлат хизмати барпо этилган. Давлат санитария назорати хизмати, газ тозалаш ва чанг тутиш қурилмалари ишини назорат қилиш бўйича Давлат инспекцияси, регионал инспекциялар, идоралар, корхоналар, корхоналардаги санитария лабораториялари ва бошқа хизматлар томонидан назорат қилинали. Гашқи муҳитни назорат қилиш ва кузатиш Давлат хизматига

Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш Давлат қўмитаси бошчилик қилади. Мазкур қўмита қошида Атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича Давлат инспекцияси яратилди. Табиий муҳитни ўрганиши ва ифлосланишини назорат қилиш бўйича марказлар бор. Республиканинг кўпгина шаҳарларида сув ҳавзаларининг ифлосланишини автоматлаштирилган системалар ёрдамида назорат қилинади.

## 1-БОБ

### САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИННИГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

#### **1.1. Экология ҳақида асосий тушунчалар ва уларнинг мазмуни**

**ТАБИАТ** – онгдан ташқарида ва боғланмаган мустақил бўлган борлиқдир ва одамларни табиий яшаш муҳитидир.

**ИНСОН** – табиатни бир қисми, унинг эвалюцион ривожининг маҳсулидир.

**ТАБИИЙ ШАРОИТ** – инсон ҳаёт фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир қилиши.

**АНТРОПОГЕН ТАЪСИР** – инсоннинг табиатга таъсири ва ундаги бўладиган ўзгаришлар.

**ЭКОЛОГИЯ** – жонли организмларнинг ўзаро муносабатларини, уларнинг атроф-муҳит билан ўзаро ўрганадиган, яшайдиган жойи, шароити ҳақидаги фандир.

**ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ** – ҳозирги ва келажак авлодларни фаровонлиги учун атроф-муҳитни сақлаш.

**ПОПУЛЯЦИЯ** – узоқ мурдат давомида муайян бир жойда яшайдиган (ўсадиган) ва бир турга мансуб бўлган индивидлар йиғиндиси.

**БИОГЕЦЕНОЗ** - ҳаёт, ер, умумий – жамоа. Унинг асосий компонентлари – атмосфера, тоғ жинслари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидир. Органик дунёси - ўсимликлар, ҳайвонлар, замбуруғлар, микроорганизмлар – биоценоздир, муҳит экотопдир.

**ЭКОТОП** – атмосфера (климатоп) ва тупроқ (эдафотоп) таркибидан иборат.

**БИОСФЕРА** - ҳаёт қобиги – тирик организмларнинг яшаш муҳитидир.

**ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИ** – ижтимоий ишлаб чиқарышда фойдаланиладиган табиий объект, шароит ва жараёнлардир.

**ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ** – инсонни табиат билан мулоқати жараёнида, одамларни меҳнат фаолиятини назоратлаш.

Инсониятни хавф остида қолдирадиган ҳодисалардан бири экологик фалокатдир. Инсонни табиий бойликлардан ҳаддан ташқари ортиқча фойдаланиш оқибатида сайёрамизни қиёфаси ўзгармоқда. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, энергия ва чучук сув муаммолари борган сайин мураккаблашмоқда.

Ўрмонлар, ўтлоқлар ва сув ҳавзалари, дашт, чўл ва бошқа табиий экосистемаларда ўсимлик ва ҳайвон турлари озуқа занжирлари орасидаги муносабатлар об-ҳаво шароитини, йиртқичлар, паразит ҳашоратлар ва касаллик түғдирувчи микроорганизмлар экологик мувозанатини сақлаб туради. Ҳар қандай жамоада мутлақо зарарли ва ортиқча турлар йўқ. Ҳамма турлар ўзига хос вазифани адо этади.

Экосистемада бирга яшайдиган турлар сони ўз-ўзидан табиат томонидан бошқарилади. Турлар бир-бирига қанча мослашган бўлса, система ўшанча барқарор бўлади. Демак, табиатдаги экосистемаларни ўйғунлик, ўз-ўзини бошқариш жараёнларига иложи борича одамзод аралашувини чеклаш лозим. Ҳамма табиатдаги нарса ва ҳодисалар бир-бири билан боғлиқ, доимо бири иккинчисига таъсир этиб узвий боғланишдадир.

Зааркунандаларга қарши биологик қураш усууларини ишлаб чиқиш ҳам муҳим муаммолардан биридир. Заарли ҳашоратларни заҳарли кимёвий моддалар билан эмас, балки шу ҳашорат кушандаси ёрдамида қириш мумкин. Ҳеч қандай ўсимлик тури йўқки, уни ўсимлик бити зааралай олмасин. Бу ҳашорат тез кўпайиши, айниқса маданий ўсимликларга катта зарар қилиши билан бошқа ҳашоратлардан ажralиб туради.

Республикада экологик муаммолар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни режалаштириш жараёнлари пайтида келиб чиқадиган нохушликларни олдиндан кўрмаслик оқибатида келиб чиқади.

Чунончи 60-70 йилларда сув ресурсларидан ҳаддан ташқари кўп миқдорда самарасиз ишлатилиши қандай оқибатларга олиб келиши ўйлаб ҳам кўрилмади. Суғориладиган ерларда энг юқори миқдорда турли заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш, алмашлаб экишни бўғиб қўйиш, паҳта яккаҳокимлигига кенг йўл очиш, ерларни мелиоратив ҳолатига эътибор бермаслик, чорва маҳсулдорлигини ошириш тўғрисида тегишли чора-тадбирларни амалга оширмаслик натижасида, жойларнинг табиий экологик мувозанатни барқарорлаштириш асримизнинг энг муҳим муаммолардан бирига айланди.

Ҳозирги кунда экология сўзидан табиат муҳофазаси, табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш, табиатдаги ҳар қандай салбий ўзгаришлар ва ҳатто кишилар фаолияти натижасида жамиятда содир бўлувчи турли ифлосланишлар каби тушунчаларни ифодалаш учун ҳам қўлланилмоқда.

XXI асрда одамлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан табиий муҳит орасидаги муносабат тобора кескинлаша бошлади.

Бунинг асосий сабаби одамлар фаолиятини табиатга нисбатан жиддий кучайишидир. Маътумки ҳайвонлар табиатдан фақат фойдаландилар (унда яшайдилар) ва фақат шу сабабли у ёки бу ўзгаришлар содир бўлади. Одамлар эса турли-туман усуллар билан табиатни ўз манфаатлари учун хизмат қилишга мажбур этиб, уни устидан ҳукмдорлик қилишга уринадилар. Нагижала табиий шароитда туб ўзгаришлар содир бўлиб, гурли зиддиятларга олиб келади. Бу экология мазмунини

тұлдириш зарурлыгини тақоза қилади. Чунки күп ҳолларда ҳайвонот ва ўсимлик дүнёсіні яшаш шароити кишилар фаолиятiga тұла боғлиқ бўлиб қолади. Шундай қилиб экология кишиларнинг фаолиятини умумий ҳаётини белгиловчи табиий мұхитга таъсирини ўрганиб уни башорат қилувчи ва салбий оқибатларини бартараф қилиш чора-тадбирларини илмий асосини яратувчи фандир.

Экология фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ҳаёт жараёни қонуниятларни ўрганиш, шунингдек инсоннинг табиий тизимга ва биосферага бўлган таъсирини бир бутун ҳолда ўрганиш.

- Биологик ресурслардан оқилона фойдаланишининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, инсон фаолияти натижасида ўзгарган табиатдаги ўзгаришларни башоратлаш ва биосферада қузатилаётган жараёнларни бошқариш ва ниҳоят инсонни яшаш мұхитини сақлаш. Популяция сонини бошқариш, овчилукни хўжалик соҳасига ўтказиш, биосферани айрим участкаларини этalon сифатида сақлаш, Ўзбекистонда экологик вазиятни яхшилаш йўллариdir.

Асосий стратегик мақсадлар: аҳолининг сиҳат-саломатлиги учун қулай шароит яратиш, табиий мувозанатни сақлаш, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш самарадорлигини ва барқарорлигини кўзланган ҳолда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; қайта тикланадиган ресурсларни ишлатиш ва истемол жараёнларининг мувозанатини сақлаш, тикланмайдиган ресурсларни ишлаб чиқариш чиқиндиларидан оқилона фойдаланиш; регионал ва локал даражаларда табиатни қайта тикланиш хусусиятини, табиатнинг дастлабки турлари ва уларнинг генофондини, ландшафтларнинг хилма-хиллигини

сақлаш. Экологик хавфсизликни таъминлаш давлат даражасидаги энг муҳим вазифадир.

## 1.2. Экология фанининг тарихи

**ЭКОЛОГИЯ** – жонли организмларнинг ўзаро муносабатларини, уларнинг атроф мухит билан ўзаро таъсирини ўрганадиган фанлар.

Экология фан сифатида ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб, тирик мавжудотнинг тузилиши ва ривожланишигина эмас, балки уларнинг ташқи мухит билан ўзаро муносабатларининг маълум бир қонуни асосида ривожланишини чуқур ўрганила бошланди. Экология грекча «OIKOS» сўзидан олинган бўлиб, «яшаш жойи», «озиқланиш макони» маъносини билдиради.

Немис биологи Э. Геккель 1866 йилда «Экология» организмларнинг ташқи мухит билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги фанлар, деб таъкидлаган.

Экология фанининг тарихи табиий фанларнинг тараққиёт босқичлари билан узвий боғлиқдир. Қадимги юонон олим Афлотун (Аристотель эрамизгача бўлган 384-322 йиллар) дунёнинг пайдо бўлиши ҳақида фикр юритиб, табиатдаги барча мавжудот бир-бири билан боғлиқдир, деган. Афлотуннинг шогирди Теофраст Эрезийский (эрамиздан олдинги 378-280 йилларда яшаган) ўсимликлар дунёсини ўрганиб, уларнинг турли шароитда ҳар хил шаклда (дараҳтсимон, бутасимон ва ўтсимон) бўлишларини қайд қилган. Уларнинг инсон ҳаётидаги ролини аюҳида таъкидлаган.

**Гиппократ** (эрамизгача 460-370 йиллар) инсон саломатлигига сув, ҳаво ва у яшаб турган муҳит ниҳоятда катта таъсир кўрса-тишини қайд қилган эди.

**Ўрта Осиё алломалари Ал-Хоразмий** (780-850 йиллар), **Абу Райҳон Беруний** (973-1040 йиллар) ва **Абу Али ибн Сино** (980-1037 йиллар) ҳам табиий фанларнинг ривожига ўзларининг муно-сиб ҳиссаларини қўшганлар. Абу Али ибн Синонинг фалсафий ва илмий қарашлари «Китоб-аш-шифо» асарида баён этилган. Бу асарда унинг ботаника, зоология, геология ва атроф-муҳит тўғри-сидаги фикрлари баён этилган.

**Захриддин Муҳаммад Бобур** (1483-1530 йиллар) ўзининг «Бобурнома» асарида табиат гўзалликларини тасвирлаш билан бирга ўсимликлар дунёсининг саломатлик баҳси этишдаги ролига алоҳида аҳамият берган. Мозийда ўтган олимларимизнинг асарларида табиатдаги экологик мувозанатни сақлаш масалалари ҳам маълум даражада ёритилгандир.

**Карл Линнейнинг** (1707-1778 йиллар) илмий асарларида «Табиат системаси» (1735 йил), «Ботаника фалсафаси», (1751 йил) ва «Ўсимлик турлари» (1753 йил) асарларида ўсимликлар ва ҳайвонларнинг сунъий системаси ёритилган. У табиатда уч нарса: минераллар, ўсимликлар ва ҳайвонот ўзаро боғлиқлигини айтган.

Француз табиатшунос олими Ж. Бюффон бир турнинг иккинчи турга айланишига ташқи-муҳит, иқлим ҳарорати, овқатла-ниш сифати ва бошқа омиллар сабабчи бўлади, деган.

Буюк француз табиатшуноси Жан Батист Ламарк (1744-1829 йиллар) «Зоология фалсафаси» (1908 йил) асарида ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари муҳит ўзгаришларига мослашиши туфайли ўзгаради ва янги турларнинг вужудга келишига сабабчи бўла-

ди. Шу тариқа ўсимлик ва ҳайвонлар эволюцияси вужудга келади, деб кўрсатган.

Экологик фикрларнинг кейинги ривожи XIX асрнинг бошлирида биогеография фанининг вужудга келиши билан боғлиқдир. Бу йўналишнинг асосчилари Александр Гумбольдт (1769-1859 йиллар) ўзининг «Физиономия» (1807 йил) - ўсимликларнинг ташқи қиёфаси (ландшафт) атамаларии тақлиф қилди.

Скаун ва А.де Кандолнииг «Ботаник географияси» (1855 йил) асари экология соҳасидаги тушунмовчиликларга барҳам берди ва шу фанинг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Чарльз Дарвин (1809-1882 йиллар) 1859 йили «Турларнииг келиб чиқиши» асарida турли организмлар ўргасида ҳаётий пойга, яъни яшаш учун кураш, улар ҳаётининг муҳитга боғлиқлиги билан табиий танланиш ўргасида узвий боғланишни тӯла исботлаб берди.

Даниялик ботаник Е. Варминг ўзининг «Ўсимликлар географиясининг онкологияси» (1895 йил) асарida ўсимликларнинг ҳаёт тарзи тўғрисидаги тушунчани тўғри исботлаб берди.

А.Н. Бекетов - (1825-1902 йиллар) ўсимликларнинг морфологик ва анатомик тузилиши уларнинг географик тарқалишига боғлиқ эканлигини аниқлади ва экологияда физиологик текширишлар ўтказишнинг аҳамиятини кўрсатди.

Ўсимликлар жамоаси тўғрисидаги тушунчадан ўсимликлар экологияси мустакил бўлиб ажralиб чиқди. И.К.Пачосский, С.М.Коржинский ва Н.А. Краснов бу фанинг «Фотосоциология» деб юритганлар ва кейинчалик унга «Фитоценология» деб ном берилади; вақт ўтиши билан у геоботаника деб аталадиган бўлди. Ўзбекистонда геоботаника фанининг ривожига К.З.Зокиров,

**А.М.Музаффаров, Е.Коровин, И.И.Гранитов** муносиб ҳисса кўшдилар.

В. В. Докучаев (1846-1903 йиллар) тупроқшунослик маҳсус фан сифатида ривожланишига асос бўлган назарий масалаларни ишлаб чиқди. Олим табиатдаги тупроқлар ниҳоятда хилма-хил эканлигини ва тупроқдан фойдаланиш ҳамда унумдорликни оширишни зоналарга қараб олиб бориш кераклигини алоҳида қайд қилди. Тупроқнинг пайдо бўлишида ҳамда унинг унумдорлигини оширишда ўсимликлар ва микроорганизмларнинг ролини алоҳида кўрсатди.

Ўзбекистонлик олимлар **А.М.Музаффаров, А.А.Мухамадиев ва А.Э.Эргашев** – сувда яшайдиган организмларнинг ҳаёт турларини ўрганиш ва уларнинг турларини аниқлаш бўйича самарали иш олиб бордилар. Улар сув муҳитидаги экосистема ва уларнинг компонентлари тўғрисида маълумотлар бердилар.

К.А. Тимирязев (1843-1920 йиллар) ва Н.А. Максимов ўсимликлар экологиясида физиологик хусусиятларнинг аҳамияти ҳақида ўз илмий ишларида сўз юритганлар.

**Академик Т. Зоҳидов** ўзининг «Ўрта Осиёning табиати ва ҳайвонот дунёси» (1969 йил) ва «Қизил қум чўлининг биоценози» (1971 йил) асарларида экология атамаларига катта эътибор берди.

1930-йилларда экология фанининг янги тармоғи, яъни популацион экология вужудга келди. Бунинг асосчиси инглиз олими Ч. Элтон ўзининг «Ҳайвонлар экологияси» асарида (1927 йил) айрим индивидларни ўрганишдан популацияларни бирлик сифатида ўрганишга қаратди. Популацион экологиянинг ривожланишига С.А. Северцов, С.С. Шварц, Н.П. Наумов ва Т.А. Викторов ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшдилар.

1935 йилда инглиз олими А. Тенсли «Экосистема» деган тушунчани таклиф қылган бўлса, 1942 йилда В.Н. Сукачев «биогеоценоз» тушунчасини асослаган. Биологик маҳсулдорликнинг илмий асосини ишлаш 50-йиллардан бошланди. Г.Одум, Ю.Одум, Р.Уитеккер, Р.Моргалеф каби олимларнинг бу масалада тутган ўринлари бениҳоя катта. Бугунги кунда бу соҳа айниқса гидробиолог ва геоботаниклар ишида муваффақиятли ривожлантирилмоқда.

Экосистема анализининг ривожланишиш биосфера тўғрисидаги таълимотни вужудга келтирди. Бунинг асосчиси XX асрнииг йирик табиатшунос олими В. И. Вернадскийдир (1863-1945 йиллар). Биосфера глобал экосистема сифатида шаклланди, биосферанинг мунтазамлиги ва ишлаши асосан экологик қонунларга бўйсунади, модда ва энергия балансларини таъминлайди.

1964 йилда халқаро биологик Программа (ХБП) ташкил қилинди. ХБПнинг мақсади органик моддаларниш миқдор ва сифат жиҳатидан тақсимланиши ва уларнинг қайтадан тикланиш қонуниятларини улардан инсоннинг унумли фойдаланишини таъминлашдир.

Ҳозир сайёрамиздаги биологик мувозанат бузилишининг олинни олиш энг катта муаммодир. Саноатнинг ривожланиши, табиий бойликлардан ўйламасдан фойдаланиш табиатга, атроф-муҳитга катта зарар етказади. Шу туфайли табиатни муҳофаза қилиш масаласи, ундан унумли ва тўғри фойдаланиш, биринчи навбатда экологик қонуниятларга асосланиб иш юритиш кишилик жамиятининг асосий вазифаларидан биридир; экология фани эса бу вазифани бажаришда асосий роль ўйнайди.

Экология фани ҳозирги вақтда бир неча тармоқларга бўлиниб кетган:

1. Умумий экология - барча организмларнинг муҳит шароитлари билан ўзаро муносабатларини, яъни маълум индивидлар экологиясини ўргатади;
2. Физиология экологияси - организмларнинг муҳит шароитларга мослашиш натижасида уларда содир бўладиган физиологик ўзгаришлар қонуниятларини ўргатади;
3. Биокимёвий экология - ўзгариб турувчи муҳитга мослашиш жараёнида организмларда содир бўлаётган ўзгаришларни молекула нуқтаи назаридан ўргатади;
4. Палеоэкология - йўқ бўлиб кетган организмларнинг экологик боғланишларини ўргатади;
5. Эволюцион экология - популациядаги ўзгаришлар механизмини ўргатади;
6. Морфологик экология - озиқланиш шароитига қараб организмларнинг тузилиш таркиби қонуниятларини ўргатади;
7. Геоботаника - фитоценозларнинг тузилиши ва тақсимланиш қонуниятларини ўргатади;
8. Саноат экологияси - технологик жараёнда ажралиб чиқаёттан заарли ва заҳарли моддаларни табиатга, инсонларга таъсирини, сув ва ҳавони тозалаш усусларини ва уларни ЙҚБК - йўл қўйса бўладиган концентрациясини ўргатади.

Экология фани академик ўқув предмети сифатида ўқитилиб қолмасдан, балки ёшларни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиатни асрashга ўргатади.

### 1.3. Табиат ва экология фанларининг ривожла- нишида Ўрта Осиёлик алломаларнинг ҳиссаси

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган олимлардан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ва

бошқалар табиат фанларининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Ҳали экология фани дунёга келмаган даврда улар табиат ва ундаги мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар

Буюк аллома **Муҳаммад ал-Хоразмий** (782-847) рисолаларидан бирида: «Билингки, дарёнинг кўзлари ёшланса унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариф тутманглар», деб ёзган эди. Дарёнинг ёшли кўзлари деганда **Муҳаммад ал-Хоразмий** нималарни кўзда туттан? Эҳтимол, у дарё сувининг ортиқча исроф бўлишини назарда тутгандир. Ваҳолонки, буюк бобомиз энг аввало дарё билан одамларнинг бир-бирини тушунишлари ва тил топишишлари, ўзаро меҳр-муҳаббат қўйишларини назарда туттан.

847-йил **Муҳаммад ал-Хоразмийнинг** «Китоб сурат ал-арз» асари хаттотлар қўлидан чиқди. Унда дунё океанлари, қуруқликдаги қитъалар, қутблар, экваторлар, тоғлар, дарё ва денгизлар, кўллар, ўрмонлар ва улардаги ўсимлик, ҳайвонот дунёси, шунингдек, бошқа табиий ресурслар – Ернинг асосий бойликлари ҳақида кўпгина қимматли маълумотлар келтирилган.

Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий фикрларини энг йирик ва машҳур вакилларидан бири **Абу Наср Форобийнинг** (870-950) илмий-фалсафий мероси ниҳоятда бой. У ёзган асарлари ҳозиргacha тўлиқ аниқланмаган. Немис олими **М.К. Брок-кельманинг** рўйхатида **Форобийнинг** турли соҳаларга оид 180 та

асарларининг рўйхати келтириладио бу асарлар бир неча гурӯҳларга бўлинади. Шулардан иккинчи гурӯҳга **Форобийнинг табиатшунослик илми**, амалий фаолият ва ҳунармандчилик масалаларига оид асарлари киритилган.

**Форобий** туршуносликнинг турли тармоқлари билан шуғулланган бўлиб, «Китоб ал-ҳажм ва алмиқдор», «Китоб ал-мабоди , ал-инсон», «Қаламфиаъзо ал-ҳайвон» асарлари бунга далил бўлаолади. **Форобий** ўзининг «Иҳсоа ал-улум ва ал-таъриф» асарида замонасидағи илmlарни ҳар томонлама ўрганиб, уларни маълум тизимга солиб, туркумларга ажратди, ҳар бири илм тармоғига таъриф беришга ҳаракат қўлди, табиатшунослик илмига катта эътибор берди.

Табиатшуносликка оид «Одам аъзоларининг тузилиши», «Ҳайвонлар аъзолари ва уларнинг вазифалари ҳақида» каби асарларида одам ва ҳайвонлар айрим аъзоларнинг тузилиши, хусусиятлари ва вазифалари ҳақида, уларнинг ўҳшашлиги ва фарқлари келтирилиши билан бирга асосий анатомик, физиологик тушунчалар берилган. Уларнинг руҳий ҳолатларидаги хусусиятлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Одам аъзосининг тузилиши ва вазифалари ҳақида сўз юритилганда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги, уларда келиб чиқадиган ўзгаришлар яъни касалликлар биринчи навбатда овқатланиш тартибининг бузилиши оқибатида келиб чиқади, деб тушунтиради.

**Форобий** табиий ва инсон қўли билан яратилган сунъий нарсаларни ажратган. Инсон омилиниң таъсири катта эканлиги, табиий ва сунъий танлаш ҳамда табиатга кўрсатиладиган бошқа таъсирларни баҳолаган.

**Абу Райхон Беруний** (973-1048) Ердаги баъзи ҳодисаларни Күёшнинг таъсири билан изоҳлайди. Унингча, инсон табиат қоини

даларига риоя қилған ҳолда борлиқни илмий равишда түгри ўргана олади.

**Беруний** баъзи табиий-илмий масалаларда табиат ҳаётидаги диалектикани топишга ҳаракат қиласи ва шу зайлда умумий шаклда бўлса ҳам кейинги даврлардаги табиатшунос олимларга баъзи муҳим илмий муаммоларни ечишлари учун йўл кўрсатиб беради. Масалан, **Беруний** айтадики, ердаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг яшаши учун зарур имкониятлар чеклангандир. Лекин ўсимлик ва ҳайвонлар чексиз кўпайишга интилади ва шу мақсадда курашади.

**Беруний** асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти ҳақида маълумотлар топиш мумкин. **Берунийнинг** бу соҳадаги қарашлари асосан «Сайдана», «Минералогия», «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» асарларида таҳлил этилган; ўсимлик ва ҳайвонларнинг ташқи муҳит билан алоқаси, уларнинг хулқавтори табиат фасилларининг ўзгариши билан боғлиқ равиша ўз-гариши мисоллар билан тушунтирилган. Жумладан асарда қишиғаттиқ келса, қушларнинг тоғдан текисликларга тушиши, чумолиларнинг уясига бекиниб олиши ва ҳоказолар кўрсатилган. **Беруний** Ер қиёфасининг ўзгариши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзгаришига, тирик организмларнинг ҳаёти Ер тарихи билан боғлиқ бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Кумни ковлаб, унинг орасидан чиганоқни топиш мумкин, дейди аллома. Бунинг сабаби шуки, бу қумликлар қачондир океан туби бўлган, деб хулоса чиқаради.

**Беруний** «Сайдана» асарида 1116 тур дори-дармонлари тавсифлаган. Уларнинг 750 таси турли ўсимликлар, 100 таси ҳайвонлардан, 107 таси эса минераллардан олинади. Ҳар бир ўсимлик,

ҳайвон ва минералларнинг хоссалари, тарқалиши ва бошқа хусусиятлари баён этилган.

**Беруний** ёшлигидан табиат шайдоси бўлган. Бунинг исботи учун «Сайдана» китобидаги маълумотни келтириш мумкин. Жумладан, **Беруний** Румодан келган кишига ўсимлик навда ва уруғларини кўрсатиб, унинг номини сўраган ва ёзиб олганлигини ҳикоя қиласди.

**Берунийнинг** «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон» асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилиши ҳамда уларнинг ташқи муҳит билан алоқаси ҳақида қизиқарли маълумотлар келтириллади. **Беруний** ўзининг табиий-илмий кузатишлари, тажрибалари асосида инсон дунёни, табиатни илм орқали бошқаради, деган хуносага келади.

**Абу Али ибн Сино** (980-1037) жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. Йирик энциклопедист олим сифатида у ўз даври илмининг деярли барча соҳалари билан шугулланган. Турли ёзма манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги эслатилади. Бизгача эса, **Ибн Синонинг** 240 асари етиб келган.

«Тиб қонунлари» **Ибн Синонинг** шоҳ асари бўлиб, тиббиёт илмининг қомуси, ўрта аср тиббиёт илми тарқалишининг энг юқори чўққиси ҳисобланади.

**Ибн Синонинг** инсон соғлигини сақлаш ҳақидаги парҳёз, гигиена тўғрисидаги хулоса ва маслаҳатлари ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. У барча ёшидаги кишилар учун жисмоний машғулотларни тавсия этган.

**Ибн Сино** тиббиёт тарихида физиотерапия асосчиларидан бири ҳисобланади. Киши организмига ташқи-муҳит таъсири муҳимлигини билан аллома айрим касалликлар сув ва ҳаво орқали тарқалиши ҳақида фикр баён этган.

**Ибн Сино**нинг фалсафий ва тиббий илмий қарашлари унинг жаҳонга машхур асари «Китоб ашишифо» яъни «Даволаш китоби» да баён этилган. Бу асарда материя, фазо, вақт, шакл, ҳаракат, борлиқ қаби фалсафий тушунчалар, шунингдек математика, кимё, ботаника, зоология, география, астрономия, психология каби фанлар ҳақида фикрлар баён этилган. **Ибн Сино** тоғларнинг вужудга келиши, Ер юзининг даврлар ўтиши билан ўзгариб бориши, зилзилаларнинг юз бериси каби турли табиий жараёнлар ҳақидаги фикрлари геология илмининг ривожланишига катта таъсир қилди. Шу ҳол дикқатта сазоворки, **Ибн Сино** бир қатор асарларини шеърий вазнда ёзган.

Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг табиат ва уни асраш тўғрисидаги пурҳикмат ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

#### 1.4. Табиатни ҳуқуқий муҳофазалаш

XXI асрда инсоният олдида ўта муҳим ва улкан муаммолар пайдо бўлди, ерда ҳаётнинг бўлиши уларни ҳал қилишга боғлиқ. Бу муаммолар табиий муҳитнинг ўзгариши, биосферанинг ифлосланиши, хом ашё, энергетика ва озиқ-овқат кризислари билан боғлиқ.


Инсоннинг яшаши учун табиий муҳитга мослашадиган ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, инсон ўзининг яшаши учун табиатга фаол аралашиб, муҳитни ўзгартиради ва у билан муносабатда бўлиш учун янги шаклларни яратади. Иқтисодий ва экологик манфаатларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Кишилик жамиятининг иқтисодий манфаатлари - бу табиий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига ўзининг моддий эҳтиёжлари-

ни қондириш, экологик манбаатлар - кишилик жамияти фаолиятининг табиат учун заарли, масалан, атмосфера ва сувнинг ифлосланиши, атмосферада карбонат ангидриднинг кўпайиши натижасида ерда «парник эфекти»нинг кучайиши каби оқибатларни бартараф этиш учун инсоннинг онгли заруриятидир. Иқтисодий манбаатлар жамият ривожланишининг ижтимоий қонунларини акс эттиrsa, экологик манбаатлар табиат ривожланишининг биологик қонунларига асосланган. Уларнинг мақсади - кишилик жамияти билан уни ўраб турган табиат ўртасида моддалар ва энергия алмашинувининг узлуксиз жараёни рўй бериши мумкин бўлган яшаш муҳитини яратади. Иқтисодий ва экологик манбаатлар қарама-қаршиликлар курашида объектив мавжуд бўлади. Уларнинг бирлиги шундан иборатки, улар жамиятнинг ҳаётий фаровонлигини таъминлашга қаратилган, лекин мазмунни, мақсади ва уларга эришиши жиҳатдан қарама-қаршидир. Масалан, кишилик жамиятининг яшashi учун ўрмонларни барбод қилиб ва атмосферага карбонат ангидрид чиқариб, ёнилинин ёқиш керак, лекин бутун ердаги табиатни нобуд қилмаслик керак.

Агар ерда одамларнинг сони бир неча миллион миқдорида қолса эди, уларнинг яшashi учун табиатга кўрсатган зарари кам таъсир қилган бўларди. Бироқ бизнинг планетамизда эрамизнинг учинчи минг йиллигига аҳолининг ўсиши демографик портлаш даражасига келди /1-расм/: эрамиздан аввалги йилда  $15 \cdot 10^3$  киши, 700 йилда  $3 \cdot 10^6$  киши бўлган бўлса, 1700 йилда  $600 \cdot 10^6$  киши, 1976 йилда  $4 \cdot 10^9$  киши, 2000 йилда  $6.5 \cdot 10^9$  киши. Бундай ҳолат кишилик жамиятининг яшаш шароитини ва табиатни ўзгартиришга кескин туртки бўлди.

**Кишилик жамияти ишлаб чиқариш фаолиятини улкан миқ-**




1- Рasm. Планетамиз аҳолисининг демографик ўсиши.

ёслари кучли саноат ва қишлоқ хўжалик потенциалини яратишга, барча турдаги транспортни кенг ривожлантиришга, катта ер майдонларини ирригациялашга, сунъий иқлим яратишга олиб келди, шу билан бир вақтнинг ўзида атроф-муҳитнинг ҳолати кескин ёмонлашди. Атмосфера, сув ҳавзалари ва тупроқнинг қаттиқ, суюқ ва газсимон чиқиндилар билан ифлосланиши ҳозирданоқ ҳавфли ўлчамларга етиб қолди, табиий ресурслар - фойдали қазилмалар, чучук сув ва бошқалар камаймоқда. Кишилик жамиятининг ривожланиши ва унинг фан-техника тараққиёти атроф-муҳиттга мисли кўрилмаган даражада заҳарли моддалар чиқарадиган янги машиналар ва янги технологик жараёнлар яратишга ол-иб келди.

Аҳолиси 2,5 млн.киши бўлган замонавий шаҳарнинг масса ва энергия алмашинувини кўриб чиқамиз /2-расм/.

Шаҳарнинг суткалик умумий чиқиндиси  $5000$  тоннани, йилига -  $1460 \cdot 10^6$  тоннани ташкил этади. Аҳолиси  $3$  ва  $11 \cdot 10^6$  киши бўлган шаҳарлар ҳам бор. Шаҳарларнинг кўпайиши ва доимий ўсиб борувчи шаҳар аҳолиси инсоният ва табиат ўргасидаги қарама-қаршиликнинг чуқурлашишига олиб келади. Бу ҳавфсирашлар хом ашё (охирги  $25$  йилда одамлар бутун инсоният тарихи давомида ишлатилган миқдордаги хом ашёдан фойдаланилган), энергетик ресурслар (чунки нефть ва газ туташ арафасида, дунёning йирик дарёларида қурилган электр станциялар электр энергияга бўлган эҳтиёжни қондира олмайди), озиқ-овқат маҳсулотлари (масалан, охирги  $100$  йил ичida ер аҳолиси  $2,6$  марта, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши - атиги  $2,2$  марта ошди; ер шарида  $500 \cdot 10^6$  киши, шу жумладан  $200 \cdot 10^6$  бола очликда кун кечиради) танқислиги билан асосланган.

Ерда одам ҳукмронлик қилган даврдан бери кишиларнинг нафас олиши учун зарур бўлган кислород ажратиб чиқарадиган



2- Рasm. Тошкент шаҳрининг масса ва энергия алмашинуви.

чиқарадиган ернинг «Ўпкаси» ҳисобланган ўрмоннинг 2/3 қисми нобуд қилинди. 200 турдаги ҳайвонлар ва паррандалар қириб ташланди, қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган 20 % ер майдони эрозияга дучор бўлди. Саноати ривожланган мамлакатларда минерал ва энергетик ресурслар, чучук сув ва ҳавода кислород танқислиги сезилмоқда. Саноат ва транспортнинг, энергетика-нинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигини саноат асосига ўтказиш ва кимёлаштириш атроф-муҳитни янги, илгари номаълум моддалар билан ифлосланишга олиб келади. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг, унинг яшаш муҳити билан вужудга келган экологик алоқасини бузилиш ҳавфини туғдиради.

### **1.5. Табиатни сақлаш қонунчилиги**

Хукуқни сақлаш чегаралари ички ва ташқига бўлинади. Хукуқий ҳимоялашнинг ички чегаралари табиий дунёдан социал дунёга ўтган табиат элементларига: фойдали қазилмалар, сув ҳавзаларидан олинган сув, қазилган тупроқ, отилган ҳайвонлар, кушлар ва бошқалар. Шу обьектлар учун инсоннинг табиат билан алоқаси узилади, уларни товар-моддий бойликларга айланади.

Хукуқий ҳимоянинг ташки чегаралари одамлар яшайдиган ер табиати, шу жумладан ўзида ернинг таъсирини сезадиган ва одамнинг яшаш муҳити ҳолатига таъсир кўрсатадиган (масалан, ернинг сунъий йўлдошларини учириш пайтидаги ҳодисалар) ер атрофидаги бўшлиқни ташкил этади.

Хукуқий ҳимоялашнинг табиий обьектлари миллий, ҳалқа-ро, регионал ва глобалга бўлинади.

Табиатни сақлаш қонунчилигига асосан сақлашнин табиий обьектларига ер, унинг бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот дунёси.

атмосфера ҳавоси киради. Буларнинг ҳаммаси инсон яшаши учун табиий муҳит бўлган биосферани ташкил этади.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари табиатни сақлаш ҳуқуқий нормаларидан, яъни қонунлардан ва қонун моҳиятига эга бўлган актлардан иборат.

Атроф-муҳитни сақлаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш қонунчилиги кейинги 20 йилда жадал ривожланди. Кенг кўламли муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинди: ер қонунчилиги асослари, соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунчилик асослари, сув қонунчилиги асослари, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчилик асослари, ўрмон қонунчилиги асослари, ҳайвонот дунёсини сақлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун, атмосфера ҳавосини сақлаш тўғрисидаги қонун ва бошқалар.

Қонунлар орқали корхоналарга табиатни сақлаш қонунчилигига риоя қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариш, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш, энергия тежовчи, кам чиқит чиқарарадиган ва чиқитсиз технологияларни жорий этиш, шунингдек, табиий хом ашёни комплекс қайта ишлаш, атроф-муҳит ҳолатини назорат қиласиган автоматлаштирилган системалар ва приборлар ишлаб чиқиш юклатилган.

Атроф-муҳит ҳолати янги технологиялар ва машиналар яратувчилардан экология масалаларига эътиборни талаб қиласиди. Улар қандай техник ечим техник ва иқтисодий шартларнигина эмас, балки экологик аспектларни ҳам ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Лойиҳавий ечимлар албатта экологик экспертизадан ўтказилиши керак, янги яратилаётган технологик жараёнлар, машина-усқуналар ва материаллар уларни жорий этишда халқ хўжасан.

лик самараси билан бир қаторда юқори экологик хавфсизлик дарражасини таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикасида «Экология», табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида бир қатор қабул қилинган қонунлар, «Ер тўғрисида» қонун (28 июнь 1990й.), «Табиатни муҳофаза қилиш» қонун (9 декабрь 1990й.), «Сув ва сувдан фойдаланиш» қонуни (6 май 1993й.), «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида» қонун (7 май 1993й.), «Қазилма бойликлар тўғрисида» (22 сентябрь 1994й.) «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш» қонуни (23 сентябрь 1996й.), «Ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш» қонуни (26 декабрь 1997й.), «Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш» қонуни (26 декабрь 1997й.), «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш», 377. 1.01.2000й. буйруқ. «Экологик экспертиза» тўғрисидаги қонун (7 июнь 2000й.) Ўз.Р. Олий мажлиси сессияда ва шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қабул қўлган кўплаб қарорлари асосида амалга оширилади.

Уч йил мобайнида (1997-1999) мамлакатимизнинг 2000-2005 йиллар ва 2010 йилларгача мўлжалланган янги «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳаракат дастури» ишлаб чиқилди. Янги дастурда асосий экологик муаммолар, устивор ҳаракатлар, табиатни муҳофаза қилишдаги сиёсатни ишлаб чиқиши ва ҳаракат дастури Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш борасида улкан ишларни амалга оширишда ижобий роль ўйнайди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳоли пунктларида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар чегаравий йўл қўйиладиган концентрациясининг санитария нормалари тасдиқланган, аҳоли пунктларидағи атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш усуллари (СанПиН-0006-93) ишлаб чиқилган, турар жой уйлари қурилишларида йўл қўйиладиган

шовқин даражаси қийматлари (СанПиН-0065-96), турар жой қурилишлари ҳудудида инфратовуш ва паст частотали шовқиннинг йўл қўйиладиган даражаси белгиланган. Гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш бўйича давлат комитети қўйиладигиларни ишлаб чиқкан: ҳавони муҳофазалаш чора-тадбирларини келишиш, экспертиздан ўтказиш ва лойиҳавий ечимлар бўйича атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқаришга рухсатномалар бериш тўғрисидаги йўриқнома; корхоналарнинг атмосфера чиқиндиларидаги заарли моддалар концентрациясини ҳисоблаш методикаси, «Ноқулай метеорологик шароитларда чиқиндиларни тартибга солиш», атмосферанинг ифлосланишини ҳисоблашнинг унификациялашган дастури (эколог-1992й.-ЦНИИ-проект).

Республикада табиатни муҳофазалаш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариш бўйича бутун масъулият давлат табиатни муҳофазалаш қўмитасига юқлатилади.

Ўзбекистон табиатни муҳофазалаш қўмитаси қошида атрофни муҳофаза қилиш муаммоларини чукур таҳлил қилиш ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун олимлар, жамоат ва давлат арбобларидан иборат жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Давлат қўмитасининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

1. Атроф-муҳитнинг ҳолати ва фойдаланиш устидан давлат назорати, шу жумладан, табиатни муҳофазалаш нормаларини бузувчи саноат обьектларини қуриш ва ишлатишни ман этиш хукуқи берилган.
2. Вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, табиатдан фойдаланиш соҳасида ягона илмий-техник сиёсат ишлаб чиқиш ва ўтказиш.
3. Экологик нормативлар, қойдалар ва стандартларни тасдиқлаш.

4. Янги техника ва технология, шунингдек корхоналар қурилиш лойиҳалари ва реконструкцияси бўйича давлат экологик экспертизасини ўтказиши.

5. Моддаларни атмосферага чиқаришга, чиқиндиларни йўқотишга, сувдан фойдаланишга, атмосфера ҳавосини ишлатишига, ерларни ажратишига, аҳолини экология бўйича тарбиялашга рухсатномалар бериш.

6. Табиатни муҳофазалаш бўйича халқаро ҳамкорликни режалаштириш ва амалга ошириш.

Табиатни муҳофазалаш қонунини бузганлик учун жавобгарлик табиатни муҳофаза қилиш қонуни бузиш оқибатлари ва табиий муҳитта зарар етказишидан иборат бўлиб, айборларга нисбатан мажбурий чоралар кўрилади.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунини бузганлик учун қуидаги чораларни қўллаш кўзда тутилган:

- моддий-айборларга нисбатан жарима солиш. Табиатни муҳофаза қилиш қонуни бузган шахсларга нисбатан қўлланилади.

- маъмурий-огоҳлантириш, жарима, етказилган зиённи бартараф этиш, маълум бир турдаги фаолият билан шугулланишидан маҳрум этиш.

- жиноий жавобгарлик-Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан тартибга солинади (1,4,8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш). Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун жавобгарлик, бу қонуни бузиш оқибатлари ва табиий муҳитта зарар етказишидан иборат бўлиб, айборларга нисбатан мажбурий чоралар кўрилади.

## 1.6. Ташқи муҳит омиллари ва уларнинг организмларга таъсири

Ташқи муҳит билан ўзаро боғланмаган ва унинг таъсирида бўлмаган тирик организмларнинг ҳаётини тасаввур этиш мумкин эмас. Ташқи муҳит омиллари жонли организмларга уч хил: минимал, оптимал ва максимал даражада таъсир этади. Сайёрамизда жонли организмлар ўзларининг ривожланиш тарихида 4 та яшаш муҳитини ўзлаштирадилар; Сув муҳити (жонли организмлар шу муҳитда пайдо бўлади); қуруқлик, ҳаво, тупроқ муҳити ва маҳсус яшаш муҳити - бу жонли организмларнинг ўзлари бўлиб, улар бошқа организмларда (паразит) ҳаёт кечирадилар.

### Экологик омил хиллари

#### *Абиотик*

- Иқлим омиллари - ёруглиқ, ҳарорат, намлик, шамол, атом. газлар босими  $\text{CO}_2$
- Эдафик - тупроқ омили.
- Рельф – орографик омил денгиз сатҳидан баландлиги.
- Гиологик ёки тарихий.
- Гидрология
- Ёнғин омили.

#### *Биотик*

- Фитоген (ўсимликлар оламининг таъсири).
- Зооген (ҳайвонот оламининг таъсири).
- Микогаен (замбуруғлар оламининг таъсири).
- Микробиоген (микроорганизмлар, вируслар, бактериялар) Оламининг таъсири

#### *Антропоген*

- Инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай таъсир:
- Рўзгор-хўжалик.
- Транспорт.
- Саноат тармоқ.
- Чорвачилик.
- Деҳқончилик.
- Қазиб олиш.
- Турли синовлар.
- Ҳарбий.

Организмларнинг ташқи муҳит шароитларида мослашиши – адаптация дейилади; бинобарин бу уларнинг тириклигини, кўпайишини ва яшовчанлигини таъминлайди. Организмларга таъсир кўрсатадиган ташқи муҳит омиллари «экологик омиллар» деб атади. Организмларнинг ер юзида тарқалишига ва ривожланишига

таъсир кўрсатувчи ҳар бир ташқи муҳит элементига экологик омил, дейилади. Экологик омиллар уч гуруҳга бўлинади:

**1. Абиотик омиллар** - жонли организмларнинг ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади;

**2. Биотик омиллар** - барча жонли организмларнинг ўзаро таъсири;

**3. Антропоген омиллар** - кишилик жамияти томонидан табиатта бўлган таъсир. Кишилик жамияти тарихидаги овчилик, кейинчалик қишлоқ хўжалиги, саноат ва транспортнинг ривожланиши сайёрамиз табиатини кучли даражада ўзгартириб юборди. Ҳозирги пайтда Ер қатламидаги ҳаёт тақдири, барча жонли организмлар ҳаёти ва инсон тақдири антропоген омилнинг табиатга бўлган таъсирига боғлиқдир.

Муҳитдаги битта омил бирга яшаётган ҳар хил турдаги организмларга ҳар хил таъсир кўрсатади. Масалан: қишида бўладиган кучли шамол йирик ҳайвонларга салбий таъсир кўрсатса, кичик ҳайвонларга унчалик таъсир (ўз уйларида ёки қор остида яшириниб ётади) қўлмайди.

Экологик омилларнинг кўпчилиги - ҳарорат, намлик, шамол ва бошқалар макон ва замонда жуда ҳам ўзгарувчандир.

Организмларнинг ташқи муҳит омиллари таъсирида чидамлилик чегараси шу омилларнинг қандай тартибда бўлишига ва қандай куч билан таъсир этишига боғлиқдир. Масалан: иссиқликнинг таъсири қуруқ ҳавода намли ҳавога нисбатан енгил ўтади, шунинг учун жанубда юқори ҳароратнинг таъсири шимолий зонага нисбатан енгилроқ ўтади.

Экологик омилларни яхшилаш йўли билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш ҳажмини кўпайтиришимиз ва унинг сифатини яхшилашга эришишимиз мумкин.

Сув танқислигига бардош бериш қобилияти ҳайвонларда юқори бўлади. Инсон ўз танасидаги 10 фоиздан ортиқ сувни йўқотса ҳалок бўлиши мумкин. Туялар танасидаги 27 фоиз сувни йўқотса ҳам яшай олади, қўйлар 23 фоиз, итлар 17 фоиз сувни йўқотсалар ҳам ҳаёт кечира оладилар.

## 1.7. Биосфера

**Биосфера** - Ер қобиги бўлиб, унда қуруқликдаги, тупроқдаги турли-туман организмлар яшайди, атмосферанинг пастки қатламлари, гидросферадан иборат. Бу қобиқ атмосферанинг бир қисмини, гидросферадан ва литосферанинг юқори қисмидан иборат бўлиб, улар моддалар ва энергия миграциясининг мураккаб биогеохимик цикллари билан ўзаро боғлиқ. Биосферанинг замонавий структураси - турли мураккабликдаги кўпгина системаларнинг узоқ давом этган эволюциясининг маҳсулни бўлиб, ўзаро динамик мувозанат биосфера тўғрисидаги таълимотнинг асосчиси - буюк табиатшунос олим - В. И. Вернадскийдир (1863-1945). Унинг таълимотига мувофиқ замонавий биосфера бутун органик дунёнинг ва жонсиз табиатнинг узоқ давом этган эволюциясининг натижасидир. Унинг эволюциясида инсон ҳам қатнашади. Агар ўз ривожланишининг дастлабки босқичида унинг табиатта таъсири кам бўлса, жамият ишлаб чиқариш кучлари ривожланган сари унинг таъсири кучайиб, ҳозирги кунда ўзининг кўлами бўйича геологик жараёнлар таъсирига яқинлашмоқда. В.И.Вернадскийнинг таъкидлашича, Ер биосфераси ноосфера - идрок сфераси бўлмоқда. «**Ноосфера**» деганда В.И.Вернадский одамнинг табиатта таъсири натижасида ўзгарган Ернинг моддий қобигини тушунган. Унинг қайд этишича, умуман инсоният бақувват геологик куч бўлмоқда. У, унинг фикри ва меҳнати

олдида эркин фикрловчи инсоният манфаатларида биосферани қайта қуриш масаласи тобора қийинлашмоқда. Ноосфера бизнинг планетамизда янги геологик ҳодиса бўлиб, унда инсон табиий - буюк, геологик, балки космик жараёnlарнинг асосий ҳаракатлантирувчиси ролида бўлмоқда.

Бир хил топографик, микроиқлим, гидрогеологик ва биотик шароитли биосферанинг участкаси **биогеоценоз** деб аталади. **Биогеоценоз** тирик компонентларининг биргаликда ҳаёт кечириши жараёнида биологик бирлик **биоценоз** ҳосил бўлади.

**Биоценоз** - қўшни ҳудуддан тупроғи, сувининг кимёвий таркиби, шунингдек бир қатор физик кўрсаткичлари (денгиз сатҳидан баландлиги, қуёш радиациясининг даражаси ва ҳ.к.) билан фарқланадиган маълум бир ҳудудда яшовчи барча турдаги тирик организмлар жамоасига - **биоценоз** деб аталади.

**Биоценоз** тўғрисидаги фанга В.Н.Сукачев катта ҳисса қўшиди. **Биоценоз** таркибига у қуйидаги компонентларни қўшиди:

- 1) ўсимлик компоненти (фитоценоз);
- 2) ҳайвонот компоненти (зооценоз)
- 3) микроорганизмлар;
- 4) тупроқ ва тупроқ-сизот сувлар

5) биогеоценознинг бошқа компонентлари билан ўзаро таъсир қилиб, атмосферани қути қисмини ҳосил қилади.

Инсониятнинг муҳим вазифаси - биогеоценоз рационал ривожланишининг шароитини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, фойдаланиш ва сақлаш.

**Экология**- тирик организмларнинг яшаш шароитларини, уларнинг ўзаро алоқаларини ва яшаш муҳитини ўрганадиган фан.

Атроф-муҳит инсонга таъсир қилувчи табиий ва маҳсус омилларнинг интеграл ҳосиласидир, ёки бошқача қилиб айтганда

«соф» табиат ва инсон яратган муҳит - ҳайдалган далалар, сунъий боғлар ва истироҳат боғлари, сув чиқарилган чўллар, қуритилган ботқоқликлар, алоҳида иссиқлик режимли, микроиқлимли, сув таъминотли, турли органик ва ноорганик моддалар алмашинуви катта бўлган йирик шаҳарлар. Планетамиз умумий жонли моддаларининг 99 % ўсимликлар ташкил қиласди.

Гарчи қуруқликнинг 40 % дан камини ўсимликлар ташкил қиласа ҳам ўсимлик массасининг энг катта қисми планетамиз ўрмонларида тўпланган. Йил мобайнида ишлайдиган тирик моддларининг энг улкан фабрикаси - доимо ям-яшил ўрмонлар, айниқса нам тропикларга (масалан, Бразилияда, 1 гектардаги ўсимлик массаси 17 минг тоннага етади) киради. Ҳалқаро комиссиянинг маълумотларига кўра, жаҳоннинг йиллик қишлоқ хўжалик маҳсулоти 6 млрд. ни ташкил этади.

**Ўрмон кимматбаҳо маҳсулот** - ёғоч манбаи, шунингдек бошқа жуда муҳим материаллар ва маҳсулотлар, ҳайвонлар ҳаёт кечириши учун муҳит бўлиб хизмат қиласди. У дарёларнинг гидрологик режимини сақлаб туради, тупроқнинг сув ва шамол эрозиясига дучор бўлишини олдини олади, атмосферадаги кислород балансини тартибга солишда фаол агент (асосан азот ва кислороддан ташкил топган бўлиб, Ер атрофини ўраб турувчи қобиқдан иборат) бўлиб хизмат қиласди.

Ўрмон улкан санитария-гигиеник ва шифобахш аҳамиятга эга. У ҳавонинг салбий ионлашишига ва зарарли микроорганизмларни ўлдиришга қодир бўлган учувчи моддалар – фитонцидларнинг ажralишига қулай шароит яратади. Ўрмоннинг эстетик аҳамияти ҳам катта.

Ўрмон ерларнинг рекультивациясида ҳам катта роль ўйнайди. Тепаликларга айланган кўплаб ер участкалари (масалан. очиқ

усулда кўмир қазиб олингандан кейин) янгидан тикланиши, рекультивацияланиши мумкин. Шу мақсадда тепаликлар текисланниб, уларга дараҳтлар ўтқазилади.

Ташки муҳитга ва инсоннинг яшаши шароитини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатиб, ўрмоннинг ўзи ҳимоя қилинишга муҳтож. Масалан, ўрмонларни кесиш оқибатида планетамизнинг яшил қатлами узлуксиз қисқармоқда. Ўрмонлар ўстирилганга нисбатан кўпроқ кесилмоқда. Бу селлар ва довуллар, сув тошқинлари, ҳаво ифлосланишлари йўлида ғовларнинг камайишига ол-иб келмоқда. Ўсимликлар ҳавонинг ифлосланишларига жуда сезгир, айниқса, олтингутурт икки оксиди (диоксид), водород фоторид ва водород хлорид кабиларга, улар табиий экосистемада турғун ўзгаришлар пайдо қиласиди (экосистема турли масофадаги исталган бўшлиқ сув томчисидан Коиноттача).

Дам олувчиilar ва сайёҳлар оқими кўпайган сари ўрмон ҳудудларига кўпроқ шикаст етказилади (пайҳонлаш, гулханлар ёқиши. шовқин ва х.к.).

Ўрмон хўжаликларида ўсимликларни ҳимоялаш учун ўрмоннинг санитария ҳолатини назорат қилиш хизмати мавжуд: агротехник ишлар, шунингдек ўрмон ресурсларини тикилаш, ённингларнинг олдини олиш ва бошқалар, рекреацион нагруззкалар тартибга солинади (яъни табиий комплексларда дам олувчиilar ва сайёҳларнинг сони нормаланади).

Ҳар бир ўрмонда ўсимликлар билан бирга турли ҳайвонлар ҳам яшашади, улар бир-бирлари ва одам билан узвий боғлиқ.

Биологик системаларни ифлосланишдан ҳимоялаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун ифлосланишларни «паспортлаштириши», яъни у ёки бу атроф-муҳит обьектидаги (ҳавода, сувда, тупроқда) ва чиқиндида (хусусан автомобилда) заҳарлан-

ғанлик концентрациясини аниқлаш зарур. Сўнгра ифлосланишларни инвентаризациялаш, яъни заараланган объектнинг умумий ҳажмида заҳарли моддалар миқдорини ва бутун ифлослантирувчиларнинг (масалан, автомобилларнинг) суммар чиқиндисини аниқлаш зарур.

Ифлослантирувчиларнинг атроф-муҳитта, шу жумладан организмга таъсирини сунъий яратилган митти экологик системалар мисолида ўрганиш мумкин.

Замонавий тадқиқот усулларида аниқланадиган атроф-муҳитдаги заарли моддалар миқдори оптималлигининг асосий мезони уларнинг йўл қўйиладиган чегаравий концентрациясига риоя қилишдир. Бу чегаравий концентрация инсон соғлиғига ва ишлаш қобилиятига салбий таъсир қилмайди ҳамда унинг гигиеник ҳаётини ёмонлаштирамайди.

Одамнинг хўжалик фаолияти (антропоген ифлосланиш) натижасида атроф-муҳит ифлосланади, бунинг оқибатида у ёки бу ўсимликлар учун, ҳайвонлар ва одамлар учун қулай бўлган табиий шароитларга кўпроқ ўзгаришлар киритилади, бу билан ўнглаб бўлмайдиган зарар етказилади. Бунинг сабабларидан бири – аэрозоллар (муаллақ қаттиқ заррачалар билан ҳаво аралашмаси) ва газли чиқиндилар (ҳаво билан бирга заҳарли газсимон моддалар аралашмаси). Асосий ифлослантирувчилар – саноат корхоналари ва иссиқлик электроцентралларнинг топкалари, қозонлари ва печлари, шунингдек автомобиль двигателлари. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг кўпгина моддалари, моддаларнинг биологик айланишида утиллаштирилмайди. Биосферанинг барча компонентлари, энг аввало, атмосфера ҳавоси ифлосланади.

Атмосферага тушадиган заарли моддаларнинг учдан бирини углерод оксиди ташкил этади, у асосан автомобилларнинг ишланган газларидан, энергетик қурилмалардан ва саноат корхона-

ларидан чиқади. Ҳар йили атмосферага 250 млн. тоннага яқин углерод оксиди чиқарилади.

Автомобиль двигателлари атмосферага қоракуя ва канцероген моддалар, углерод оксиди, азот оксиди, алъдегиллар, углеводородлар ва кислоталар чиқаради. АҚШда битта автомобиль бир йилда атмосферага қуйидаги миқдорда ифлослантирувчи моддалар чиқаради: 800 кг углерод оксиди, 115 кг углеводород, 38 кг азот оксиди. Айниқса йирик шаҳарларда углерод оксидининг тўпланиши ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, гарчи умуман олганда унинг биосферада тўпланиши кузатилмаяпти, чунки ўсимликлар ва тупроқ микроорганизмлари унинг кўпроқ қисмини ютади.

Шаҳарлар ҳавосининг олtingугуртли бирикмалар, қоракуя ва чангдан ифлосланиши натижасида биноларнинг сувоги ва бўёғи бузилади, ўсимликларнинг ҳаёти табиий шароитдаги 300-400 йил ўрнига боғ ва истироҳат боғларида - 100-150 йилгача, шаҳарнинг кўча ва ҳиёбонларида 60-80 йилгача қисқаради.

Шаҳар атмосферасига тушадиган углеводородлар, углерод оксиди ва бошқа моддалар күёш нурлари таъсирида нурланиб, фотохимик реакцияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, бу атмосферанинг ерга яқин қатламида (ҳавонинг ҳаракатланиши учун шароитлар йўқлигида) хавфли ифлослантирувчи моддаларнинг қўланса ҳидли заҳарли ҳаво - (смог) тўпланишига олиб келади. Бунда Лондонда пайдо бўладиган қора смогдан (кўмир ва нефть ёнганда ҳосил бўладигандан) фарқли ўлароқ оқ рангли смог (Лос-Анжелесда кўпроқ тарқалган) ҳосил бўлади, у асосан автомобилларнинг ишланган газларидан ташкил топган.

Автомобилларнинг ишланган газлари атроф-муҳитни ифлослантирувчилари сифатида қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради: автомобиллар сони кўпайиши муносабати билан

юқори ўсиш суръати, ишланган газларнинг одам нафас олиши дарајасида бўлиши, ҳаракатчанлиги ва улар таркибининг кескин ўзгариши. Автомобиллар сонининг тез ва доимий ўсиши улар чиқарадиган заҳарли газларнинг тўхтовсиз ўсишига олиб келади. Масалан, Англияда автомобилларнинг ишланган газлари келтирадиган зарар йилига 35 млн. фунт-стерлингни ташкил этади.

Атроф-муҳитни қисқа вақт ичидা, масалан, ўн йил ичидаги ҳозирги ҳолатта нисбатан анча яхшилаш учун кетадиган харажатларни режалаштириш қийин. Атроф-муҳитнинг асосий ифлослантирувчилари юқори ривожланган саноат мамлакатлариdir (90%).

Барча мамлакатлар ялпи миллий маҳсулотининг атиги 1-2 фоизини ташкил этувчи харажатлар, мамлакатда иқтисодий қийинчиликларни тұғдираishi мүмкін. Бироқ бундай құйынчиліктер вақтингчалик характерга эга бўлиб, атроф-муҳитта зарарли таъсирни камайтириш билан боғлиқ харажатлар кейинчалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради.

### **1.8. Биосферанинг экологик муаммолари**

Кейинги даврларда углеродни ёқиш ҳисобига карбонат ангидрид –  $\text{CO}_2$  газининг миқдори кўпайиб бормоқда (ИЭИ ва АЭС иссиқлик ҳисобида ҳам). Бу эса парник эфектини ҳосил қиласи. М.И.Будиконнинг маълумотига қараганда (1989 йил 10 йил ичидаги 0,2 дан 0,3 га  $^{\circ}\text{C}$  кўп) 2000 йилда Ернинг шимолий ярим шаридаги ҳаворати 1,2 градусга ошиди. Бу эса музликлар эришини тезлаштиради ва дунё океанларининг сатҳи кўтарилишига сабабчи бўлмоқда деган.

Антарктидада илмий текшириш станцияларида ҳавода озон миқдорининг камайиб бораёттани ва «озон тешик»ларининг пай-

до бўлганикклари аниқланган. 1987 йил (Антарктидада Америка ер йўлдоши «Нимбук» - 7 дан олинган маълумотга кўра, озон тешити жанубий материкнинг 2/3 қисмини эгалланган. Бунинг асосий сабабчиси кўплаб хлор, фтор углеводларининг ишлатилишидир (ҳар хил аэрозоллар айниқса хлор оксидлари). Булар озон қатламини емирадилар, ўзлари эса жуда ҳам секин парчаланадилар (50 дан 200 йилгача). Ҳозирги кунда дунёда 130 минг тонна озон қатламларини емирувчи моддалар ишлаб чиқарилади.

1989 йилда Монреалда қабул қилинган хужжатга мувофиқ 1999 йилда фреонларни ишлаб чиқариш дунё бўйича 50 фоизга камайтирилди. Бу эса озон қатламини сақлаб қолиш имконини беради.

Кислотали ёмғирлар. Ҳозирги даврда техногенсульфиднинг ҳавога кўплаб чиқарилиши биосферада моддаларнинг айланма ҳаракатига катта таъсири кўрсатмоқда.

ЮНЕСКО экспертларининг маълумотига кўра бир йилда ҳавога чиқарилган сульфиллар миқдорини 251 млн. тоннага teng, шундан Ер куррасиининг шимолий зонасига - 174 тоннаси жанубига - 77 млн. тоннаси тўғри келган. Бу ёмғирларнинг таъсири туфайли АҚШдаги кўлларда 80 фоиз ҳаёт йўқолган. Канада, Швеция, Норвегия давлатларида сув ҳавзалари шу ёмғирлар туфайли заараланган. Кислотали ёмғирларнинг таъсири натижасида ҳар йили 31 млн. гектарга яқин ерлардаги ўрмонлар қуриб кетмоқда. А.В. Яблоков томонидан 1989 йилда ўтказилган кузатишларда кислотали ёмғирлар таъсирида ўрмонлар ҳам қаттиқ шикастланади ва чучук сувларнинг органик дунёсига ҳам кучли таъсири кўрсатади. Бунга Тожикистондаги алюминий заводи Ҷурсунзода шаҳрида (фтор). Чирчиқдаги капралактам заводи мисол бўлаолади.

Тупроқ унумдорлигининг камайишига инсон фаолиятининг таъсири, табиатдаги биологик айланишга катта таъсир кўрсатади. Бу айланиш моддаларниг циркуляция қилиши туфайли вужудга келади, бинобарин тупроқ, ўсимлик, ҳайвонлар ва микроорганизмлар ўртасида содир бўлади. Ер ости бойликларини очиқ қазиб олиш, ерларни қуритиш ва сугориш бинобарин тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

БМТнинг маълумотига кўра, ҳар йили дунёда эррозия ва дефоляция натижасида 7 млн. гектар ҳайдаладиган ер қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб қолмоқда (масалан, Ҳиндистон, Покистон, Мексика, Орол бўйи). Шўрланган ерларда ҳосилдорлик кескин камайиб кетади (масалан, пахта ва бугдойда 50-60 фоизга, маккажўхорида 40-50 фоизга). Атроф-муҳитнинг бузилиши туфайли Орол бўйида катта чўллар юзага келмоқда.

Ўрмонларнинг кескин камайиши. Ер юзидағи ўрмонлар табиатдаги экосистеманинг нормал ҳолатда сақланишида катта роль ўйнайди. Куруқликдаги ўсимликлар инсон фаолияти туфайли ҳавога чиқарилган ҳар хил захарли моддаларни ютиб, ҳавони ифлосланишдан ҳимоя қиласи. Ўрмонларнинг камайиши атмосферадаги кислород ва углерод балансининг бузилишига олиб келади.

1 гектар ердаги ўрмон бир йилда 20 млн.  $m^3$  тоза ҳаво беради. Шунга қарамай инсонлар ўрмонларни кесишни тўхтовсиз давом эттироқдалар.

Ҳозирги даврда ер юзидағи ўрмонлар 42 млн.  $km^2$  ни ташкил этади. Улар ҳар йили 2 фоиздан камайиб бормоқда. Шунинг учун кейинги вақтда Фарби Европадаги мамлакатларда сунъий ўрмонларни кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Масалан, кейинги 10 йил мобайнида сунъий ўрмонлар Испанияда 624 минг

гектарга, Югославияда 322 минг, Финландияда - 161 минг, Польша - 108 минг, Болгарияда 61 минг гектарга етди.

## 1.9. Атмосфера

Атмосфера табиий ҳолда ўн учта (13) газнинг аралашмасидан ташкил топган. Уларнинг энг муҳимлари қуидагилар (куруқ ҳавонинг таркиби): азот -78,10%, кис-

лород -20,93%, аргон -0,93%, карбонат ангидриди -0,03%, ҳамда енгил гелий, неон ксеон, криптон, водород, аzon, аммиак, йод ва бошқалардан (0,01%) иборат.

Атмосферадаги азот (78,1%) асосан микроорганизмлар фаолияти туфайли тўпланган. Бир киши суткада нафас олиш орқали 10 минг литрга яқин азотни ҳаво билан олади. Атмосферадаги азот, кислород аралашмаси ролини ўйнаб, оксидланиш суръатини ва бинобарин, биологик жараёнларни тартибга солиб туради.

Атмосферадаги газлар ичida планетамизнинг органик ҳаёти учун энг зарур кислородdir. Кислород рангсиз газ бўлиб, ўзи ёнмайди, балки ёнишга ёрдам беради. Кислороднинг етишмаслиги киши организмининг ҳамма аъзоларини нормал ишлашига шикаст етказади. Атмосферада кислороднинг миқдори  $1.5 \times 10^{15}$  тонна бўлиб, шундан ер шари бўйича ҳар йили  $1 \times 10^{10}$  тоннаси ёқилгига сарфланмоқда. Бир автомобиль 1-15 минг км юрганда, бир кишининг бир йил оладиган кислородини ёқилғи билан бирга ёқиб йўқ қиласди. Агар ер шаридаги яшил ўсимликлар ҳар йили 550 млрд. тонна кислородни чиқариб бермагандан, ўсимлик тақдирда атмосферадаги кислородини миқдори 200 йил мобайнида тугаган бўлур эди.

Атмосферадаги карбонат ангидриди рангсиз, лекин ҳидли бўлиб, инсон ундан бевосита фойдаланмайди. У ўсимликлар учун зарур газ бўлиб, фотосинтез учун муҳим ҳом ашёдир. У саноатлашган районаларда ортиб бормоқда, агар уни миқдори атмосферада 0,07%дан ошиб кетса одам ва организмлар ҳолатини ёмонлаштиради. Лекин 1 гектар кенг баркли ўрмон ҳар йили 2240 кг карбонат ангидридни ютиб туради ва натижада уни миқдорини мувозатлаштириб туради. Маълумотларга кўра, дунё бўйича йилига ҳар хил ёқилғилар ёқиши орқали атмосферага 5,6 млрд. тонна, ер шари аҳолиси эса 1.11 млрд. тонна карбонат ангидриди чиқармоқда.

Ер шари бўйича БМТнинг маълумотига кўра, карбонат ангидриднинг миқдори сўнгти 100 йил ичида 10%га ошган. Атмосферада  $\text{CO}_2$ ни миқдорини ортиб бориши ва унинг ифлосланишини олдини олиш бир неча давлатларнинг, яъни бутун давлатлар иштирокидаги ҳалқаро муаммодир.

Атмосферадан газсимон моддалардан ташқари катталиги, кимёвий таркиби ва физик хоссаларига кўра фарқ қиласидаги майда заррачалар – аэрозоллар (тутун, чанг, тўзон ва бошқалар) мавжуд.

Махсус текширишлар шуни кўрсатадики, шаҳар устидаги ҳаводан  $1 \text{ см}^3$  олиб анализ қилинганда, унда 100 минг дона чанг заррачалари борлиги аниқланган. Денгиз устидаги  $1 \text{ см}^3$  ҳавода эса 100 дона чанг заррачалари аниқланган.

Атмосферанинг табиий ифлосланишида космик чанглар, вулқонларнинг отилишидан вужудга келган моддалар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг қолдиқлари; ўрмон даштлардаги ёнғинлар; денгиз сувларининг мавжланиши билан ҳавога чиқсан туз заррачалари; аэропланктонлар муҳим рол ўйнайди.

Коинотдан ҳар йили 10000000 т чанг атмосферага тушади. Бир кучли вулқон отилганда атроф мұхитта 76 млн. м<sup>3</sup> чанг чиқади.

Ўзбекистон республикасида 5 йил мобайнида атмосферага чиқарилған заарарлы моддалар 1-жадвалда көлтирилған (минг т.).

Атмосфера таркибидаги табиий чанглар ер юзасида содир бўладиган жараёнлар учун катта аҳамиятта эга. Чанглар сув буғлари учун конденсация ядроси ҳисобланиб, ёнғинларни вужудга келтиради, күёшнинг тўғри радиациясини ютиб, ер юзидағи организмни ортиқча нурланишидан сақлайди. Шундан кўриниб турибдики, атмосферадаги табиий чанглар маълум даражада бўлса атмосфера таркибининг зарурий элементи ҳисобланиб, ундандағи ҳодиса ва жараёнларнинг боришини тартибга солиб туради. Лекин айрим ҳолларда вулқонларнинг отилиши, кучли чанг тўзонларни кўтарилиши туфайли ҳаво нормадан ортиқ ифлосланниб, фалокатларга сабаб бўлиши мумкин.

Атмосфера ресурсларига: ҳаво, ёруғлик, сув буғлари, шамол, қўёш радиацияси, минерал ва органик чанглар ва бошқалар киради.

Атмосфера ҳавосининг ҳаракати натижасида шамол вужулга келади ва турли тезликда ҳаракат қилиб жуда катта қучга эгадир. Шамол энергиясидан кенг фойдаланишга ўтилиши ёнилғи, қазилма бойликларни тежашга катта имконият түғдиради. Чунончи, шамол энергиясини потенциал имконияти  $13 \cdot 10^{12}$  кВт соатни ташкил этади, шундан 10-20% амалда фойдаланилиши мумкин. Ҳозирги кунда Нидерландияда қуввати 15-5000 кВт келадиган шамол энергияси қурилмалари ишлаб чиқарилмоқда.

Шамол энергетик ресурсларини ифодаловчи кўрсатгич – шамол тезлиги кубнинг ўртача қийматига пропорционал бўлган шамол оқимининг солиштирма қуввати ҳисобланади. Республи-

канинг текис ҳудудларнинг аксарият қисмида у  $50 \text{ Вт}/\text{м}^2$  дан  $150 \text{ Вт}/\text{м}^2$  атрофида бўлади.

Ўзбекистон республикасида 5 йил мобайнида атмосферага чиқарилган зарарли моддалар (минг т.)

1 – жадвал.

№	Йиллар	1995	1996	1997	1998	1999
	Шаҳарлар					
1	Тошкент	16.0	15.3	13.3	11.8	12.7
2	Андижон	1.0	9.6	8.7	7.7	6.2
3	Навои	48.3	43.7	42.2	42.6	28.2
4	Самарқанд	7.8	7.1	8.1	8.3	8.2
5	Олмалиқ	106.6	105.4	105.9	103.6	100.0
6	Ангрен	91.6	111.2	111.8	101.0	112.6
7	Бекобод	9.1	7.7	6.8	7.4	7.3
8	Чирчик	7.5	6.7	6.3	6.5	5.6
9	Қўқон	3.9	4.3	5.4	5.3	2.9
10	Фарғона	70.7	72.5	67.8	55.0	49.4
11	Марғилон	0.5	0.4	0.3	0.3	0.1
12	Нукус	2.6	2.9	3.0	3.7	3.4
13	Урганч	6.0	3.4	10.2	13.1	1.3
14	Бухоро	7.1	14.6	9.2	8.0	3.1
15	Жиззах	3.2	2.3	6.5	3.7	3.3
16	Қарши	129.0	85.0	75.9	65.4	2.7
17	Наманган	5.7	6.7	6.5	6.7	4.3
18	Термиз	2.1	2.0	1.9	1.4	0.5
19	Гулистон	1.6	1.6	1.4	1.4	1.0
20	Жами:	510.9	492.1	481.4	443.4	147.0

Тадқиқотлар Ўзбекистон шароитида умуман олганда шамол энергетикасидан кенг миқёсида фойдаланишининг самараодорлиги баланд бўлмаслигини кўрсатади. Аммо айрим туманларнинг тупроқ ва энергия кам талаб этадиган обьектларида шамол энергиясидан фойдаланиш яхши самара берди. Жумладан, яйлов чорвачилигига сугориш ишларини ташкил этишда шамол энергияси кўл келади. Оролбўйи ва Қарақалпогистон шимолий ҳудудларида турли шамол энергетика қурилмаларидан фойдаланиш мумкин, бу қурилмалар шамолнинг барқарор тезлиқда эсиши натижасида йил бўйи самарали ишлаши мумкин.

Қуёш энергияси тугамайдиган «доимий» энергия ресурси ҳисобланиб ундан фойдаланиш натижасида табиат умуман ифлосланмайди. Ер юзасига тушаётган қуёш энергиясининг қуввати 20 млрд. кВт ёки  $1,2 \cdot 10^{14}$  тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Ваҳоланки, дунё бўйича ёқилғи ресурсларининг заҳираси  $6 \cdot 10^{12}$  тонна шартли ёқилғи миқдорида тенгдир.

Ўзбекистон ҳудудида қуёш энергиясидан хўжалик мақсадларида кенг миқёсида: иссиқ сув таъминоти, иситишда, мева ва сабзавот қуритишда, гелио тузсизлантирувчи қурилмалар, музлатгичлар ва бошқаларда фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон шимолида очик ҳаво бир йилда 2000 соатни, жанубда 3000 соатни ташкил этади. Бир кунда қуёш 8-10 соат нур сочиб туради. Текисликларда қуёш нури давомийлигнинг тақсимланиши кентликка, тоғ олди бундан ташқари уфқининг тўсилганлигига боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг текисликларида қуёшнинг ялпи радиацияси йил давомида шимолда  $4800 \text{ мДж}/\text{м}^2$  дан жанубда  $6500 \text{ мДж}/\text{м}^2$  гача ўзгаради. Унинг ўзгариши мавсумий бўлиб, қиши ойларида сурункали булутли кунлар бўлгани туфайли қуёш нур сочиши имконият даражасида деярли икки баробар кам бўлади; шамолда куннинг ёруғ қисми 8 соатни, жанубда 9,5 соатни ташкил этсада, булут туфайли қуёшнинг кўриниши 3-5 соатдан ошмайди. Ёзда куннинг узунлиги шимолда 16,5 соатни, жанубда 15 соатни ташкил этади. Бунда қуёш нур сочиб турган вақт кунига 10 соатдан 13 соатгacha давом этади.

Горизонтал текисликка тушадиган қуёш радиациясининг ойлик йигиндиси миқдори ҳам йил давомида кескин ўзгаради. Масалан, Тошкент атрофида қуйидагича тақсимланади: январда – 175, апрелда – 540, июлда – 845 ва октябрда –  $370 \text{ мДж}/\text{м}^2$ . Ялпи радиациянинг кунлик миқдори ҳам шундай ўзгаришда бў-

лади ва қиши ойларида шимолда  $6 \text{ мДж}/\text{м}^2$  дан жанубда  $8 \text{ мДж}/\text{м}^2$  гача ўзгаради. Унинг миқдори тегишли равища апрель ойида 14 ва  $20 \text{ мДж}/\text{м}^2$  га, июль ойида 24 ва  $28 \text{ мДж}/\text{м}^2$  га тенг бўлади.

Атроф-муҳитни тоза сақлашда ва органик ёқилғи ресурсларини тежашда водороддан ёнилғи сифатида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки атмосфера ҳавоси таркибида жуда катта миқдорда водород борлигини ҳисобга олинса ундан фойдаланиш жуда катта экологик самарадорлик беради. Водород ёнилғисидан фойдаланиш афзаллиги: - унинг заҳираси амалда чекланмаган бўлиб, саноат миқёсида ишлаб чиқариш тобора ортиб бормоқда; - у универсал энергоресурс ҳисобланиб ёнилғи сифатида электр энергияси олишда фойдаланади, узоқ жойларга газ ва суюқ ҳолатда ташиш мумкин, транспортда ишлатилиши мумкин; - водородни газ ёки суюқ ҳолатда узоқ вақт сақлаш мумкин; - экологик тоза ёнилғидир.

Иқлим – жойнинг географик кенглиги, унинг денгиз сатҳидан баландлиги, оқендан қандай масофада жойлашганлиги, рельефи, юза қатламишининг тури ва атмосфера циркуляциясининг ўзаро таъсирида вужудга келувчи об-ҳавонинг кўп йиллик режимидир, яъни иқлим-муайян жойнинг энг муҳим физик-географик тавсифидир. Ўзбекистон Евро-Осиё континетининг марказида жойлашган. Мамлакат ҳудудининг бешдан тўрт қисми Ўрта Осиёнинг чўл ва ярим чўл кенгликларида жойлашган бўлиб, жануби-шарқ ва шарқ томондан баланд тоғ тизмаларига бориб туташади. Шимолдан Жанубий Қозоғистон чўллари билан чегарадош бўлиб, чегара шимол-шарқ ва шарқда Тяншан, жануби-шарқда эса Ҳисор-Олой тоғ тизмаларини кесиб ўтади. Жануб ва жануби-ғарбда чегара Қизилқумни қорақумдан ажратиб турган Амударё бўйлаб, ғарб томондан эса унча баланд бўлмаган Устюрт платосини кесиб ўтади.

Республика ҳудудидаги мавжуд иқлимининг муҳим омили – ер юзасига келаётган ва, айниқса, ёз ойларида кучаядиган қуёш радиациясидир. Келаётган радиациянинг кўп қисми тупроқнинг юза қатламида ютилиб унинг ҳарорати баъзан  $70^{\circ}\text{C}$  га етади. Атмосфера умумий циркуляцияси ҳаракати жараёнида мўътадил кенгликлардан кириб келадиган ҳаво оқимлари қизиб турган чўллардан ўтиб жуда тез исий бошлайди ва уларнинг нисбий намлиги камаяди.

Уч асосий омил – шиддатли қуёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси хусусияти ва тоғли рельеф таъсирида Ўзбекистоннинг катта қисмida субтропик, кескин континенталь иқлим мавжуд бўлиб, об-ҳаво ёз ойлари анча барқарор, қиши ойлари эса ўзгарувчан кечади, ҳаво ҳарорати катта мавсумий ва кунлик амплитудага эга.

Ўзбекистон ҳудудини асосан уч иқлим зonasига – чўл ва қуруқ дашт зонаси, тоғ олди зонаси ва тоғли зоналарга бўлиш мумкин. Шу билан биргаликда бир зонада иккинчи зонага ўтиш чегараси кескин бўлмай маълум жиҳатдан нисбийдир.

Ҳаво ҳарорати – об-ҳаво ва иқлим режимини ифодалайтидан асосий кўрсаттичлар (ўртacha йиллик, ойлик, кунлик ҳарорат ва ҳ.к.) билан тавсияланади.

Ҳаво намлиги – атмосферадаги сув буғлари миқдори жойнинг физик-географик шароитига, йилнинг фасли ва ғнига, атмосфера циркуляциясига ва туроқ намлигига қараб кескин ўзгариб туради. Ҳавонинг буг билан тўйинганлиги даражасини ифодаловчи кўрсаттич нисбий намлик бўлиб, у ҳавонинг маълум ҳажмida сув буғининг ҳақиқий миқдорининг шу ҳароратда бўлиши мумкин бўлган максимал миқдорига бўлган нисбатини кўрсатади ва фоизда ўтчанади.

Атмосфера ёғинлари – минтақадаги барча дарёларни сув билан таъминлаб турадиган деярли ягона манба ҳисобланади ва маълум даражада табиий ландшафтлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш характеристини белгилайдиган жараёндир. Ўзбекистон ҳудудларида ёғингарчилининг тақсимланиши уларнинг географик жойлашуви, рельефи ва атмосфера циркуляцияси хусусиятларига боғлиқдир, яъни ёғин миқдорининг ҳудудий қийматлари 80-250 мм (текисликларда), 180-500 мм (тоғ олди ҳудудларда) дан тоғли ҳудудларда 2000 мм дан ошади.

### **Атмосферага экологик омилларни таъсири.**

Атмосфера ҳавосига Ерни ички ва ташқи кучларни ҳаракати билан боғлиқ турли табиий ва сунъий омиллар доимо таъсир кўрсатади ва бу таъсирлар натижасида ҳавода турли ўзгаришлар ва шу жумладан салбий ўзгаришлар юз бермоқда.

Атмосфера ҳавосига экологик омилларни таъсирида уни ифлосланиши, заҳарланиши, булғаланиши, ҳароратини ўзгариши, CO<sub>2</sub> газини мувозанатини бузилиши, аzon қатламини сийраклашиши ва унда тешиклар пайдо бўлиши, «смог» ҳодисасини юз бериши, шовқин-суронни таъсири юз беради. Бундай таъсирлар натижасида ҳавони таркибини ўзгариши ва нафас олиш учун хавфли ҳолатни юзга келиши, кислотали ва ишқорли ёмғирларни ёғиши, қўёш радиациясини пасайиши, ёз ҳароратини кўтарилиши ва бошқа ҳодисалар бўлади. Бу ўзгаришлар биосферада салбий жараёнларни келтириб чиқаради, ўсимликларга, ҳайвонларга ва инсонларга салбий таъсир кўрсатади.

Атмосферанинг сунъий ифлосланишда автомобиль транспорти биринчи ўринни (40%) энергетика саноати (20%) иккинчи ўринни, корхона ва ташкилот ишлаб чиқариши, майший – ком-

мунал хўжалиги ва бошқалар зиммасига эса атмосферани сунъий ифлосланишининг 26% тўғри келади.

### **Атмосфера ифлосланиши ва унинг оқибатлари.**

Атроф-муҳит компонентлари бир-бирига диалектик боғланганлиги туфайли инсоннинг хўжалик ~~фаолияти~~ натижасида ифлосланган атмосфера ўз навбатда табиатнинг бошқа компонентларига ҳам таъсир этиб киши, ҳайвонлар ва ўсимлик организмда салбий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли биз атмосферанинг ифлосланиши киши организмига, ҳайвонлар ва ўсимликларга салбий таъсирини кўриб чиқамиз.

1. Ҳавонинг ифлосланиши киши организмига салбий таъсир этиб, улар саломатлигини ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, олтингугурт оксиди, углерод оксиди, углерод сульфид, водород сульфид, фтор бирикмалари, азот оксидлари, ҳар хил саноат чиқиндилари, радиоактив моддалар ва қишлоқ хўжалик пестицидлари киши организмидаги ҳар хил касалликларни вужудга келтиради.

Олтингугурт оксиди ҳавода кўп тўпланиб қолса кишилардан бронхит, гастрит ва ўнка касалликларини вужудга келтиради. Углерод оксидининг ҳавода ортиб кетиши туфайли киши организмидаги гемоглобин сусаяди, юрак, қон-томир тизимларида бузилишлар содир бўлади, атеросклероз касаллиги ривожланади, бош айланади, оғрийди, юрак тез уриб, уйқу бузилади, киши тажанг бўлиб қолади.

Водород сульфид газининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши натижасида одамнинг боши оғрийди, қайт қиласи, лармонсизланади ва ҳатто ҳид билиш қобилияти заифлашади.

Фтор бирикмалари таъсирида эса бурундан қон келади, тумов пайдо бўлади, киши йўталади.

Азот оксидлари туфайли ўпка касалланади, қон босими пас-аяди ва натижада бош айланиб, ҳушидан кетади, қайт қиласиди, нафас бўғилади.

Чанг заррачалари киши терисини, хусусан шиллиқ пардаларини заарлайди, кўз касаллигини тезлаштиради. Ундан ташқари чанг заррачалари киши организмга ҳаво билан бирга кириб, улардан ҳар хил касалликларни вужудга келишини тезлаштиради.

Таркибида мишяқ, симоб, кўрғошин, асбест ва бошқа моддалар бўлган чанг киши асабини фалаж қиласиди, бош мия яллиғаланишига сабаб бўлади, жигар ва буйракни заифлаштиради, болларнинг жисмоний тараққиётини кечикитиради.

Асбест чанги ўпка касалликларига сабабчи бўлади. Киши организмга атмосферада чангсимон ҳолда учрайдиган радиоактив моддалар ҳам хавфлидир. Кам миқдордаги радиоактив моддалар киши асаб фаолиятини, ошқозон ичак ўйларини, буйрак усти бези ишини, жинсий безлар фаолиятини, қалқонсимон без фаолиятини, нормал ишлашга таъсир этади; қонни шаклли элементлари ва юрак-томир системаси фаолиятини ўзгартириб юборади, оқибатда киши умрини қисқартиради.

Атмосферани ифлосланиши туфайли қуёш радиацияси камаяди, тўғри радиация 15%, ультра бинафша нурлари 30% га камаяди. Натижада баъзи заарли бактерияларнинг кўтпайиши учун шароит вужудга келади, ҳар хил касалликлар кўляяди. Бунинг устуга саноатлашган марказларда ва шаҳарлар устида ҳаво қишлоқ-қа нисбатан 5-10 марта кўп ифлосланиши туфайли ўртача ҳарорат қишлоқларга нисбатан  $2^{\circ}\text{C}$  га ошади, туман 2-5 марта га кўпаяди.

Ёз пайтларида катта шаҳарларда ҳаво ўта иссиқ бўлиб, асфальт йўллар, фиштили ва йиғма темир-бетонли уйлар қизиб кетади, кўплаб машиналар қатнаబ заҳарли газ, тутунлар чиқаради, буларнинг ҳаммаси киши организмни заифлаштириб, нафас олиш-

ни қийинлаштиради. Натижада иссиқ ҳаводан кишилар ҳалок бўлишлари ҳам мумкин.

Баъзан шаҳарларда шамол эсмаслиги, ифлос ҳавонинг бир неча кун туриб қолиши туфайли «СМОГ», яъни заарли ҳар хил чанг ва газлардан иборат бўлган туман вужудга келади. Натижада организмни заиф бўлган кишилар, болалар, қариялар, беморлар бу туманли ифлос ҳавога бардош бераолмай ҳалок бўладилар.

2. Атмосфера ифлосланиши ўсимликларнинг ва қишлоқ хўжалик экинларини нормал ўсишига ҳам салбий таъсир этади. Саноат марказларидан кўтарилиган ҳар хил заҳарли чанг ва газлар яна қайтиб қишлоқ хўжалик экинларига тушади, улар модда алманинишини бузади, натижада экинлар, ўсимликлар касалланиб кам ҳосил беради ёки қурий бошлайди.

Ўзбек олимларининг кузатишларича карьеерларда ўтказилган портлатишлардан вужудга келган чанг ва газлар атрофдаги ўсимликларнинг ўсишини 2 йил мобайнида сусайтиради. Шунингдек, кон ағдармаларидан шамол ёрдамида тарқаладиган ва юк ортиштушириш, транспортировка қилиш вақтида кўтариладиган чанглар ҳам ўсимликларга ҳалокатли таъсир этади.

3. Атмосферани ифлосланиши ҳайвонларга ҳам салбий таъсир этади. Ҳайвонлар атмосферадаги ҳаводан нафас олганда ҳамда ўсимликлар билан овқатланганда унинг организми заҳарли чанг (фтор, кўргошин, сурма ва бошқа) ва ҳар хил газлар билан заҳарланади. Ҳозир ҳайвонлар орасида «саноат флюфоз» касали кенг тарқалиб, ўсимлик сув ва ем-хашак тўпланиб қолган фтор мoddаси туфайли вужудга келган.

Атмосферанинг ифлосланиши тунука томлар занглашни, бинолар ва бошқа иншоотларнинг нурашини, коррозияга учрашини ҳам тезлаштиради. Шу сабабли ҳаво кўпроқ ифлосланиши

шаҳарларда коррозия жараёни қишлоқларга нисбатан 100 марта ортиқдир.

АҚШнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлигининг маълумотига кўра, ҳаво ифлосланиши туфайли кишиларни ўлишдан ва касал бўлишидан йилига 6 млрд. доллар, коррозия, материалларнинг емирилиши, ўсимлик ва қишлоқ хўжалиги экинлари заҳарланишидан 4.9 млрд. доллар, умуман атмосфера ифлосла-нишдан эса йилига 16 млрд. доллар зарар кўради.

Атмосферанинг антропоген ифлосланиши туфайли иқлимининг глобал ўзгаришидан ташқари унинг элементларининг (ҳарорат, ёнғин, туман ва бошқалар) ҳолатида ҳам салбий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Б. Китанович маълумотига кўра, атмосферанинг антропоген ифлосланиши натижасида АҚШнинг марказий қисмидаги шаҳарларда иқлим элементларидан фарқи бўлади. Масалан, шаҳарларда атрофдагига нисбатан конденсация ядролари ва заррачалари 10 баробар, газ аралашмалари 5-25 баробар, булуғлик миқдори 5-10%, кишда туманлар 100%, ёзда 30%, ёғин миқдори 5-10%, ёғин ёки кунлар сони 10% кўп, йиллик ўртacha 0.5-1.0°C дан юқори, ялпи қуёш радиацияси 15-20%, ёзда ультрабинафша нурлар 5%, қишда эса 30%, қуёшли кунлар бўлади. Бу кўрсаткичлар дунёдаги бошқа шаҳарлар учун ҳам харакатерлидир.

### **Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши киши организмга таъсири**

Бир киши суткада ўртacha 25 кг ҳаво билан нафас олади. Натижада ҳаво таркибидаги заарарли чанг, қурум ва заҳарли газлар киши организмда тўпланаверади. Бу эса аста-секин киши организмнинг заифланишига олиб келади ва оқибатда инсон организми турли инфекцияларга етарли даражада қаршилик кўрсата-олмайдиган бўлиб қолади, оқибатда ҳар хил касалликларни, чу-

нончи астма, кўз касали, жигар циррози қон босими, рак каби касалликларнинг қўпайиши сабаб бўлади ҳамда нафас олиш йўлларини, юрак қон томири системасини шикастлайди.

Атмосферанинг (чанглар, қурумлар, тутунлар ва бошқа қаттиқ заррачалар ҳамда заҳарли газлар билан) ифлосланиши сайёрамиз сув ресурсларига ҳам салбий таъсир этади. Табиатда сув айланмаси (буғ-ёғин-сув) доимий бўлиб, дарёлар, кўллар, ер ости сувларни тўйинтириб туради. Шундан кўриниб турибдики, атмосфера қанча чанг бўлса, уларнинг бир қисми ёғинлар билан ер ости сувларига келиб қўшилиб, уларни ифлослайди. Ўрта Осиёда атмосферанинг ифлосланиши натижасида уларнинг бир қисми ёғинлар орқали дарё сувларига қўшилиб минераллашишининг ортишига, қаттиқлик даражасининг нормадан 1,5-2 марта қўпайишига маълум даражада сабабчи бўлмоқда.

Атрофимизни ўраб олган ҳаво қатлами (атмосфера) табиий муҳитнинг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, тирик организмнинг яشاши учун ҳам зарурдир. Чунки организм, хусусан инсон анча вақтгача сувсиз ва овқат емасдан яшаши мумкин, лекин ҳавосиз 5 минутдан ортиқ яшаши мумкин эмас.

Атмосферанинг ифлосланиши деганда, инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли атмосферага чиқарилаётган ҳар хил заҳарли газлар ва радиоактив моддалар, чанг, қурум, ва дудлар тушинилади.

Атмосфера таркиби тирик одамнинг хўжалик фаолияти таъсирида вужудга келган ҳар хил қаттиқ заррачалар билан ҳам ифлосланиб бормоқда. Шу сабабли ҳозир таркибida чанг заррачалари бўлмаган ҳавони топиш қийин. Maxsus текширишлар шуни кўрсатадики, шаҳар устидаги ҳаводан  $1\text{cm}^3$  олиб анализ қилинганда, унда 100 минг дона чанг заррачалари борлиги аниқланди. Денгиз устидаги  $1\text{cm}^3$  ҳаводан эса 100 дона чанг зарралари топил-

ган, хулоса. Шундан кўриниб турибдикси, ҳавонинг ифлосланиши саноатлашган районлар ва шаҳарлар устида кучли, аксинча қишлоқларда ва океан устидан нисбатан кам.

Тоза ҳаво деганда, киши ва бошқа организм ҳаётига, унинг яшаш шароитига салбий таъсир этувчи заҳарли газ ва чанг миқдорининг ошиб кетмаган ҳолати тушинилади. Шу сабабли гигиенистлар тоза ҳаво деб ҳар хил зарарли моддалар концентрацияси мавжуд бўлган, лекин инсон саломатлигига, унинг иш қобилиятига, ўсимлик ва ҳайвонларнинг нормал яшашига путур етказмайдиган даражада бўлган ҳаво концентрацияси тушинилади. Заҳарли моддаларни киши саломатлиги учун охириги зарарсиз бўлган концентрация чегараси ҳар бир давлатда турличадир. Жумладан: Олтингутург гази ЙҚБК аси ФРГда ҳар  $1\text{m}^3$  ҳавода – 0,75мг; АҚШ – 4,4мг ва ҳакозо.

### **Атмосферани муҳофаза қилиш**

Атмосфера ҳавоси табиатнинг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, тирик организмнинг яшаши учун жуда ҳам зарурдир. Атмосфера ернинг ҳимоя қатлами, тирик организмларни, шу жумладан инсонни турли ультрабинафша нурлардан, самодан тушадиган метиоридларнинг заррачаларидан, чанг тўзонлардан сақлайди. Атмосфера планетамизнинг иссиқлик режимини тартибга соловчи регуляторлик вазифасини бажаради. Атмосфера сув буғларини тўпланишида, булутлар ҳосил бўлишида, ёғинларни ёғишида, яъни сувнинг айланма ҳаракатида муҳим аҳамиятга эга. Тупроқни унумдорлигини шаклланишида ҳавони циркуляцияси муҳим роль ўйнайди.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг 1996 йили 23 сентябрда қабул қилинган «Атмосфера ҳа-

восини муҳофаза қилиш» тўғрисидаги қонуни асосида амалга оширилади.

### **1.10. Атмосфера ҳавосини сунъий ифлосланишдан тозалаш йўллари**

Атмосфера ўз-ўзини табиий тозалаш жараёнига эга. Улардаги ёғинлар ифлос моддаларни, ҳавони ювади, шамоллар ҳаводаги ифлословчи моддаларни учирив, бир жойда тўпланишига йўл қўймайди, тупроққа ёки сув юзасига тушган ифлос моддалар эса реакцияга киради ва оқибатда нейтраллашиб қолади. Лекин саноат айниқса, ёқилғи саноати тараққий этган, транспорт ривожланган, қишлоқ хўжалиги машиналашган ва кимёлашган, аҳолининг кўпайиб, урбанизация жараёни кучаяёттан бизнинг асримизда атмосферанинг сунъий ифлосланиши табиий тозаланишига нисбатан устунлик қўлмоқда. Шу сабабли атмосфера ўз-ўзини табиий тозалайди, деб хотиржам ўтириш катта салбий оқибатларни чиқариши мумкин. Шунинг учун атмосферанинг сунъий ифлосланишдан тозалаш йўлларини жорий этиш, унинг олдини олиш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Буларга бир неча чора-тадбирлар мавжуд, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Тутун чиқарувчи трубаларни баландроқ қуриш атмосфера ифлосланишининг олдини олишнинг энг қадимий йўлларидан биридир; - бунинг натижасида ифлос чанг ва газлар кенг майдонга ёйилиб, унинг концентрацияси камаяди. Мисол: баландлиги 100 м бўлган трубадан чиқаётган чанг ва газлар радиуси 20 км бўлган минтақага тарқалса, баландлиги 250 м бўлган трубадан чиқкан чанг, газлар радиуси 75 км минтақага тарқалади.

2. Печларда кўмир, торф, қорамой ёқишнинг ўрнига электр энергиядан, газлардан фойдаланилса - атмосферага чанг, қурум,

тутун ва заҳарли газлар кам чиқарилади. Республикамиз олимларининг маълумотига кўра, кўмир билан ишловчи корхоналар газга ўтказилса, ҳавога чиқариладиган олтингугурт гази миқдори 10000 марта, углерод оксид миқдори 2000 марта, азот оксидлари миқдори 5 марта камаяди.

3. Саноат корхоналарида зарарли моддаларни тозаловчи ускуналар қуриш. Бунда атмосферани кўплади ифлословчи чанг, қурум, тутун ва заҳарли моддаларни атмосферага чиқаришдан олдин зарарли таъсирини йўқотадиган тозалаш ускуналари ясаб, ушлаб қолишга ва улардан қайта фойдаланишга эришиш зарур. Республикамизда атмосферани ифлословчи 1000дан ортиқ йирик ва ўрта корхоналар бор. Уларда ҳавонинг тозалигини саклашга қаратилган чора-тадбирлар замон талабига жавоб бермайди. Натижада Ўзбекистон Республикаси корхоналаридан йилига 4,5 млн. т қаттиқ ва газсимон зарарли моддаларнинг 35 фоизи атмосферага чиқиб уни ифлослантироқда. Кимё корхоналари йилига атмосферага 120 минг т. углеводород, 40-50 минг т. углерод оксиди, чанг, 20-25 минг т. олтингугурт гази, азот газларни чиқариб Чирчик, Фарғона, Кўқон, Самарқанд, Навоий, Тошкент шаҳарлари ҳавосини ифлослантироқда. Ўзбекистон республикасидаги қора ва рангли металлургия корхоналарида (Олмалиқ, Бекобод) тозаловчи ускуналарнинг самарали ишламаслиги натижасида йилига атмосферага 220 минг т. ифлос моддалар чиқарилмоқда, унинг 90 фоизи олтингугурт газидир. Вазифа - шу корхоналарнинг ишлаш жараёнида янги замонавий техника билан жиҳозланган тозаловчи ускуналар қуришдир. Натижада, жумхуриятимиз ҳавоси мусаффо бўлади ва ушлаб қолинган моддалардан халқ хўжалигида қайта фойдаланиш туфайли жуда катта фойда олиш мумкин.

4. Атмосфера ҳавосини тоза сақлашнинг муҳим бир йўли бу саноат корхоналарида, коммунал хўжаликда ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш, чиқиндисиз технология жорий эт-ишидир. Мисол: кабелни синтетик қоплама билан ўрайдиган янги технологияга ўтиш орқали одам организми учун зарарли бўлган кўргошиннинг атмосферага чиқиши йўқотилди. Олмалиқ кимё заводида мис ишлаб чиқаришда янги технологияни қўллаш – атмосферанинг ифлосланишини кескин камайтирди ва йилига 30 минг т. олтингугурт гази ушлаб қолиняпти.

5. Шаҳарлар ҳавосининг ифлосланишини камайтиришда ероғости термал сувларидан фойдаланиш яхши натижалар беряпти (Камчаткада, Курил оролларида, Кавказда, Ўрта Осиёда, Қизиляр ва Избербош шаҳарларида иссиқ сув ҳарорати  $90^{\circ}$ дан ортиқроқдир). Бундай сувлар шаҳардаги маиший-коммунал хўжалик ва саноат корхоналарини иситиши мумкин.

6. Атмосфера ҳавосини тоза сақлашда автотранспорт газларини, дудларини камайтириш жуда муҳимдир. Автотранспорт атмосферага ўта заҳарли газ чиқаради. Газларни камайтириш учун бензин ўрнига газ ва электромобилларга ўтсак атмосфера анча тоғза сақланади. Мисол: Тошкент шаҳрида 1978 йилдан бери бензин ўрнига ёппасига қуюқлаштирилган пропан-бутан ёқилғиси ишлатилади.

7. Шаҳар ва қишлоқлар ҳавосини соғломлаштиришда ва атмосферани ифлосланишдан сақлашда ишончли усул – яшил ўсимликлар ифлос ҳавони фильтрлайди, баргларида чангни ушлаб қолади, ҳаво ҳароратини пасайтиради, карбонат ангидридни ютиб, кислородни ишлаб (фотосинтез орқали) беради. Маълумки, дараҳтлар, буталар ва ўтлар шаҳар ичидаги чангнинг 80 фоизини, сульфат ангидриднинг 60 фоизини ушлаб қолади. Бўйи 25 метрли битта 80-100 ёшли буқ дараҳти бир соатда 2 кг карбонат ангид-

ридни ютиб, 2 кг кислород ишлаб беради. 1 гектар қарағайзор 32 т. чангни ушлаб қолади.

Яшил ўсимликлар атмосфера ҳавосини тоза сақлашдан ташқари, инсонларга психофизиологик таъсир этиб, уларга эстетик завқ ҳам беради. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Қозогистон шаҳарлари ичиде яшил ўсимликлар майдонининг катталиги жиҳатидан Бишкек, Олмаота шаҳарлари олдинги ўриндадир. Олмаотада ҳар бир кишига  $100\text{ m}^2$  яшил ўсимлик (кўкарамзор) тўғри келса, Москвада  $25\text{m}^2$ , Омскда  $8,9\text{ m}^2$ , Киевда  $18,7\text{ m}^2$ , Бокуда  $9,5\text{ m}^2$ , Нью-Йоркда  $8,6\text{ m}^2$ , Лондонда  $7,5\text{ m}^2$  ва Парижда  $6\text{ m}^2$  (В.Д. Дишлов, В.Н. Плехов) тўғри келади.

## 1.11. Литосфера

Литосфера - Ернинг юза қатлами бўлиб, қалинлиги 30-40 км. Бу қатламнинг юқори қисми биосфера таркибига кирадиган тупроқdir,unda тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ кўп сонли физик, химик ва биологик жараёнлар кечади. Литосферада саноатнинг ишлаши учун асосий ҳом ашё манбалари - кўумир, нефть, газ, турли руда ва норуда фойдалари қазилмалар тўпланган.

Кейинги юз йилликда саноатнинг ривожланиши натижасида планетанинг минерал ресурсларидан жадал фойдаланилмоқда – минерал ҳом ашёни истеъмол қилиш 100 млрд.тоннадан ортиқ. Шундай усулда минерал ҳом ашёдан фойдаланиш катта миқдордаги чиқиндилар ва уларни қайта ишлашнинг турли босқичларидаги чиқиндилар – кончилик корхоналарида ташиш вақтида ва қайта ишлаш корхоналарида. Чиқиндилар миқдори кўп ҳолларда олинган маҳсулотдан кўп бўлади. 2-жадвалда 2000 йилда жаҳонда ишлаб чиқариш чиқиндилари ва уларнинг ҳажмлари келтирилган.

Тоғдаги ишланмалар, металлургия ва кимё заводлари, иссиқ-лик электр станцияларини ишлатиш жараёнида катта миқдорда қаттиқ чиқиндиilar, масалан, фосфогипс, огарка, шлак, кул ва оҳаклар ҳосил бўлади. Бу чиқиндиilar катта майдонларда ўюлиб ётади ва бир қатор ҳолларда тупроққа, сув манбаларига ва атмосферага ҳалокатли таъсир қиласи.

Қаттиқ чиқиндиilarга металл ва ёғоч чиқиндиilarи, пластмасса ва бошқа материаллар, саноат корхоналарининг чанг ва газ тозалагич системаларидағи минерал ва органик чанглар; турли органик ва минерал моддалардан ташкил топган саноат ахлатлари (резина, қофоз, мато, қум ва х.к.). Суюқ чиқиндиilarга оқинди сувларга ишлов бергандан кейин уларнинг чиқиндиilarи, газларни тозалаш системаларидағи минерал ва органик чанг шламлари киради.

### Ишлаб чиқариш чиқиндиilarининг структураси ва ҳажми, млн.т

2-жадвал

Чиқиндиilar тоифаси	Классик энергия ишлаб чиқариш	Саноат	қишлоқ хўялиги	Коммунал маший сектор	Жами
Атмосферанинг асосий газсимон ифлослантиригчлари	17326 43980	47 226	1460 3780	873 2773	19706 50759
Атмосферага қаттиқ чиқиндиilarни чиқариш	133 284	91 382	14 42	3 13	241 721
Қаттиқ чиқиндиilar	- -	4000 12000	- -	1000 3000	5000 15000
Углеродлар	42 140	14 57	9 27	4 20	69 244
Органик чиқиндиilar	-	-	4500 13000	30 50	4530 13050
Ахлат чиқиндиilar	-	-	9400 24000	180 320	9580 24320
<b>Ж А М И</b>	<b>17501 44404</b>	<b>4152 12665</b>	<b>15383 40849</b>	<b>2090 6176</b>	<b>39126 104094</b>

Эслатма. Чизиқ устида 1970 йил маълумотлари, чизиқ тагида 2000 йилдаги маълумотлар келтирилган.

Атроф-муҳитта тушадиган қаттиқ чиқиндилар учта тоифага бўлинади: саноат, қишлоқ хўжалик ва шаҳар хўжалигининг майший чиқиндилари. Саноат чиқиндилари нинг асосий қисми кон ва кон-кимё (уюмлар, шлаклар ва ҳ.к.); қора ва рангли металлургия (шлаклар, шламлар, чанг ва ҳ.к.), металлни ишлаш корхоналари (қиринди, бракка чиққан буюмлар ва ҳ.к.); ўрмон ва ёғочга ишлов бериш саноати (ёғоч тайёрлаш чиқиндилари, ёғоч қипири, майда бўлакчалари ва ҳ.к.), иссиқлик электр станциялари энергия хўжалигининг (кул, шлаклар и ҳ.к.), кимё ва турдош саноат тармоқлари (фосфогипс, огарка, шлаклар, шламлар, шиша синиклари, цемент чантги), органик ишлаб чиқаришлар (резина, пластмасса ва ҳ.к.), озиқ-овқат (суяқ, жун ва ҳ.к.), енгил, тўқимачилик ва пахта саноати (минерал ва органик чантг, шлам, пахтани тозалагандан кейин органик ва минерал ифлос аралашмалар ва бошқалар).

Кейинги ўн йиллиқда қишлоқ хўжалигини кескин интенсификациялаш натижасида атроф-муҳитта чиқариладиган деҳқончилик ва чорвачилик чиқиндилари кескин ошди, қишлоқ хўжалик чиқиндилари билан бир қаторда кўп миқдорда пластмасса тара, ишдан чиққан машина ва эҳтиёт қисмларнинг эски резинаси, ишлатилмаган ўғитлар ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда шаҳар хўжалигининг майший чиқиндилари ни утиллаштириш муаммоси тобора жиддий тус олмоқда. Ҳар йили бир нафар шаҳар аҳолисига синган шиша, металл буюмлар, қофоз, пластмасса ва овқат қолдиқларидан иборат 300 кг ахлат чиқади. Ишлаб чиқаришнинг кўпгина қаттиқ чиқиндилари ўсимликларга, ҳайвонларга ва одамга катта зарар келтиради. Масалан, фосфогипс ўюмлари (фосфорли ўғитлар олингандан кейинги қаттиқ чиқиндилар) сизот сувларни ифлослантириши ва заҳарлаши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг баъзи чиқиндилари таркибида

хром, қалай, мишъяқ ва бошқа заҳарли моддаларнинг бирикмалари бор, улар тупроқдан ўсимликлар ва ҳайвонлар орқали одам организмiga тушади. Канцероген хоссаларга эга бўлган асбест чангининг ажralиши жуда хавфли. Шунинг учун саноат томонидан хом ашёни тежамли сарфлаш ва чиқиндиларни умуман камайтириш, ҳосил бўлган чиқиндиларни фойдали маҳсулотларга қайта ишлаш чоралари кўрилмоқда, Ўзбекистон Республикасида табиий муҳит ўлчамларини назорат қиласидаги хизмат (мониторнинг) ташкил этилган. Бу хизмат тупроқдаги турли моддалар - ўғитлар, пестицидлар, заҳарли моддалар миқдорини аниқлайди, уларнинг концентрациясининг юқориилигини аниқлаганда керакли чоралар кўради. Антропоген мониторнинг - инсоннинг хўжалик фаолияти билан вужудга келган табиий муҳитдаги ўзгаришларни кузатиш ва назорат қилиш тизимиdir. Бу тизим табиий муҳитнинг ҳолати тўғрисида ҳар томонлама аҳборот манбаи сифатида зарур бўлиб, нокулай муҳитларни аниқлайди, муҳитнинг заарли ўзгаришларини олдини олади ва келажакдаги унинг ҳолати ҳақида илмий тахминлар ва ундан рационал фойдаланиш усусларини ишлаб чиқади.

## 1.12. Гидросфера

Ердаги сув заҳираси. Океан ва денгизлар ер шари юзасининг 70 % дан ортигини қопладайди. Кўллар ва дарёлар қуруқликнинг қарийиб 3% ни эгаллайди. Қуруқликнинг 16 млн. кв. кмни музликлар қопладайди. Ботқоқлар ва ботқоқланган ерлар 6 млн. кв км ни эгаллайди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг планетамиизда сув заҳиралари чексиздек тасаввур ҳосил қиласиди. Бироқ чучук сув бутун сув ресурсларининг 2 % ни ташкил этади ва унинг кўп қисми Гренландия ва

Антарктиданинг музликларида тўпланган. Бу сувларга инсоннинг кўли ҳали етмаган.

Турли мақсадлар учун ишлатишга яроқли бўлган сув ер юзидаги умумий сувнинг (25 млн. куб.км) 4-5 минг куб.км ни, яъни бутун гидросфера ҳажмининг қарийб 0,30 % ни ташкил этади.

Бизнинг асримизда сув - саноат хом ашёси бўлиб, жуда қимматбаҳодир. Масалан, 1 т чўян олиш учун 300 куб.метр, 1 т мис - 500 куб.м, 1 т резина ва 1 т синтетик каучук - 3500 куб метрдан, 1 никелга 4000 куб м сув керак бўлади.

Байкал кўлида 23600 куб км сув бор, бу ер юзидаги ҳамма чучук сув заҳирасининг 1/10 ни ташкил этади.

Сув ерда организмларнинг яшашини ва улар ҳаёт фаолияти жараёнининг ривожланишини таъминлайди. Тирик организмлар сувсиз яшай олмайди. Сув ҳайвонлар ва ўсимликлар катаклари ва тўқимаси таркибиغا киради. Катта ёшдаги киши танасининг 60-80 % сувдан ташкил топган. Бодрингда, салатда 95%, помидорда, сабзида -90 % сув бор.

Тирик организмнинг физиологик эҳтиёжини фақат сув ва бошқа ҳеч нарса қондирмайди. Тирик организм 19-20 % сувини йўқотса ҳалок бўлади.

Сувсиз ер тупроқсиз ва атмосферасиз тош шарга айланган бўларди. Ердаги иқлим ва об-ҳаво кўп жиҳатдан сув бўшлиқларига боғлиқ. Сув - иқлим ва об-ҳавонинг филдираги.

Саноат ва майший эҳтиёжларга катта миқдорда сув сарфланади. Саноатда унинг асосий қисми энергия ишлаб чиқариш ва совитиш учун ишлатилади. Қайта ишлаш саноатида сувнинг кўп қисми турли технологик жараёнларга сарфланади: эритиш, араплаштириш, тозалаш.

Сув таъминоти инсон ҳёти ва янада тараққий этишида муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, планетамизда сув танқислиги яқинлашмоқда, бунда асосий сув манбалари - дарё ва сизот сувлар деярли тугайди.

Ривожланаёттган мамлакатларда аҳолининг қарийб 90 % кувур орқали узатиладиган сув билан таъминланмаган ва ёмон сифатли сувдан фойдаланишга мажбур. Яхши сифатли чучук сув экспорт қилинмоқда. Масалан, аҳолиси 4 млн. киши бўлган Гонконг маҳсус кувур орқали Хитойдан ичимлик сув олади. Сурункали сув танқислиги Токио фожеаларидан биридир. Бутун бир мамлакат - Жазоир четдан келтирилган сув ҳисобига яшамоқда.

Фарбий Сибирнинг ер ости океанида, қор, муз ва доимий музлик ўлкасида улкан иссиқ сув - текин қайноқ сув заҳиралари очилди, улардан Тобольск, Тюмень, Ирбит ва бошқа шаҳарларни иссиқлик билан таъминлашда фойдаланиш мўлжалланмоқда. Грозний шаҳри яқинида иситиш учун яроқли бўлган, 110-135 град С температурали ер ости сувлари мавжуд.

Ичиш учун 1 литрида 1 г туз бўлган сув яроқли ҳисобланади. Суғориш учун ҳам таҳминан шундай сув керак. Кўпгина ҳайвонлар шўрроқ сувларни ичишади (1 литрида 6-7 г гача туз бўлган). Сувда йоднинг йўқлиги одамда бўқоқнинг ривожланишига, фторнинг кўплиги ёки камлиги - тишлирнинг ишдан чиқишига олиб келади.

**Сув ҳавзаларининг ифлосланиш манбалари.** Денгиз ва океанлар сувлари нефть маҳсулотлари, айниқса нефть ташийдиган кемалар ҳалокатта учраганда, ядро куролини синаш вақтида ҳосил бўладиган радиоактив парчаланиш маҳсулотлари билан ифлосланади.

Сув ҳавзалари кимё саноатининг оқова сувлари билан кучли ифлосланади. Сувни эримайлигиган моддалар ва толалар билан иф-

лослантирувчи целлюлоза-қоғоз саноатининг оқава сувлари жуда хавфли. ИЭЦ чиқиндилари сувни иситади, бу ўз навбатида сувни гуллашга ва ҳидининг ўзгаришига олиб келади. Ёғочларни оқизиш ҳам сув ҳавзаларини ифлослантиради.

Кўпгина ҳолларда коммунал манбалардан (канализация, ҳаммом, кирхоналар, касалхоналар ва бошқалар) чиққан сувлар ҳам сувни ифлослантиради. Атом саноатининг радиоактив чиқиндилари сув ҳавзалари ва одамлар ҳаёти учун кучли хавф туғдирали.

**Сув ҳавзаларини ифлосланишдан муҳофазалаш бўйича чоратадбирлар.** 1 куб.м тозаланмаган оқава сув 40-60 куб м тоза табиий сувни ифлослантиради. «Тозаланган» оқава сув ишлатиш учун яроқли бўлиши учун уни 7-14 марта аралаштириш керак. Оқава сувларни тозалашнинг қўйидаги усувлари бор: механик, химик, физик-химик, термик, биологик ва комбинацияланган.

### **Ўзлаштириш саволлари:**

1. Ўзбекистонда атмосферани ифлослантирувчи асосий манбалар нималардан иборат?
2. Экологизациялаш (чиқиндисиз технологиялар) нимани қўзда туғади?
3. Урбанизация жараёни нима?
4. Демографик портлаш тушунчаси нимани англатади?
5. Биосфера тушунчасини изоҳлаб беринг.
6. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофaza қилиш бўйича қандай қонунлар мавжуд?
7. Ўзбекистон табиатни муҳофaza қилиш Давлат қўмитасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
8. Ўзбекистон «Экосан» жамғармасининг асосий фаолияти нимага қаратилган?

9. Табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун қандай жавобгарлик турлари қўлланади?
10. Экологик тарбия деганда Сиз нимани тушунасиз?
11. Биосфера чегараларини айтиб беринг.
12. Биосфера ҳақидаги таълимнинг асосчиси ким?
13. Экология фани нимани ўрганади?
14. Табиий ифлосланиш нима?
15. Антропоген ифлосланиш нима?
16. Литосфера тушунчасини изоҳлаб беринг.
17. Гидросфера тушунчасини изоҳлаб беринг.
18. Сувнинг ифлосланиш манбалари нималардан иборат?
19. Атмосферани таркибини айтинг.
20. Атмосфера ҳавосини экотизимдаги аҳамияти нимадан иборат?
21. Атмосфера ҳавосини инсон ҳётидаги аҳамияти нимадан иборат?
22. Атмосфера ҳавосини мусаффолигини сақлашни аҳамияти нимадан иборат?
23. Атмосфера ҳавосига экологик омиллари таъсирлари нимадан иборат?
24. Атмосфера ҳавосини ифлословчи асосий манбаларни санаб ўтинг;
25. Атмосфера ҳавосини иссиқлик режимини бузилиш сабаблари нимадан иборат?
26. Атмосфера ҳавоси таркибидаги карбонат ангириид ( $\text{CO}_2$ ) газини мувозанати деганда нимани тушунасиз?
27. Ўзбекистонни атмосфера ҳавоси ўта ифлосланган шаҳарларини номларини санаб ўтинг;
28. Азон қатламини сийраклашиши ва унда тешиклар лайдо бўлиши сабаблари нимадан иборат?

## 2-БОБ.

# ТҮҚИМАЧИЛИК, ПАХТАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗАЛАШ

Атроф-муҳитни ва сув ҳавзасини муҳофазалаш учун қўйидаги меъёрий асослар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш, атмосфера ҳавосини муҳофазалаш тўғрисидаги қонунчилик асослари, СанПиН-0058-96. «Табиатни муҳофазалаш. Чиқиндиларни таркиби бўйича таснифлаш», «Заарали моддаларни атмосферада сийраклаштиришни ҳисоблаш бўйича кўрсатмалар», «Газ тозалаш ва чанг тутиш қурилмалари ишини назорат қилиш бўйича давлат назорати тўғрисидаги низом», «Асосий атама ва изоҳлар бўйича», «Саноат корхоналарининг йўл қўйиладиган заарали моддаларини белгилаш қоидлари» ва бошқалар.

### **2.1. Пахтани дастлабки ишлаш жараёнида атроф-муҳитнинг ифлосланиши**

Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёни, пахтани етиштиришдан бошлаб, териш, ташиш, қуритиш ва дастлабки қайта ишлашгача катта миқдордаги чанг

ажралиб чиқади, бу ишлаб чиқариш зарари ҳисобланади.

Пахтани машинада теришга ўтилганлиги муносабати билан пахтанинг ифлослиги ва намлиги ошди. Бу омиллар терилган пахта массасида меъёр замбуруғининг яшаш фаолиятини кучайтиради, бу замбуруғлар заводларда пахтани қайта ишлашда чангга айланади ва унинг заарарлигини оширади. Пахта етиштиришнинг замонавий агротехник комплексининг муҳим бўғинларидан бири ўсимликларни зараркундалардан, касалликлардан begona ўтлардан ҳимоялаш, пахта теримидан оддин учи дефорлияция қилишdir.

Қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачаликни интенсификациялаш муносабати билан кимёвий препаратларни қўллаш бетўхтов ўсади, уларнинг кўпчилиги одамлар учун ҳам, ҳайвонлар учун ҳам заҳарли ва моддалар алмашинувининг вужудга келган биохимик цикларига, шунингдек табиий системаларнинг экологик мувозанатига салбий таъсир қиласди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигидаги турли заҳарли химикатлардан фойдаланиш пахтани қайта ишлашда ундан ажралиб чиқадиган чангдаги химикатлар миқдорини оширди. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигидаги атроф-муҳитни заҳарли моддалардан муҳофазалаш долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал қилиш йўлларидан бири - заҳарли химикатларнинг илмий жиҳатдан асосланган сарфлаш нормаларини ишлаб чиқиш, экиш карталари танлаб ва қатъий тозалаб химиявий ишлаш, химиявий ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш. Ҳимоялаш чора-тадбирлари орасида ерда ишлов бериш ҳажмини ошириш ва авиацияда ишлов беришни камайтириш муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг устига дефолиация авиация ёрдамида пуркашга қараганда ерда пуркашда анча сифатли ўтади.

Пахта етиштириладиган иқлим зоналари турли-туман, бу ергаги пуркагичларнинг ишининг самарасига агротехника нуқтаи назаридан ҳам, атроф-муҳитни ифлослантириш нуқтаи назаридан ҳам жиддий таъсир қиласди.

- юқори ҳарорат, 40-45 град.С, кундузги паст (30%) намликтаги ҳаво;

- ҳаво очиқ вақтида атмосферанинг ерга яқин қатламида кучли турбулентлик ва ҳаво оқими кўчиб юрганида (узун тўлқинли қуёш радиацияси таъсири остидаги конвекция);

- юқори шамол режими билан фарқланувчи мавжуд районлар.

Пахтага ер устида химиявий ишлов беришда ва пахтани машинада теришда механизаторларни заҳарли моддалар – инсектицидлар, акарицидлар, фунгицидлар, нематоцидлар, чигит дорилагичлари, дефолиантлар ва десикантлар сифатида ишлатиладиган заҳарли химикатлар таъсиридан ҳимоялаш муаммодир. Пахтачиликни янада ривожланиши кўп жиҳатдан бу муаммонинг ечимига боғлиқ.

Пахтачиликда қўлланиладиган заҳарли химикатларнинг одам организмида интоксикация вақтида тушадиган асосий йўллари: ингаляция (нафас олиш органлари орқали) ва тери-резорбтив (тери орқали сўрилиш). Турли мамлакатларнинг статистик маълумотлари бўйича саноатда касбий заҳарланишларнинг 80-90 % - иш зонаси ҳавосидаги заҳарли моддаларнинг ингаляцияси натижасидир. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига пестицидлар билан касбий заҳарланишлар орасида ингаляция йўли билан заҳарланиш кўпи билан 27 % ни, бошқалари - препаратнинг терига тушиши - 30 %, ёки аралаш ҳолатлар - 40 % ни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда механизаторларни заҳарли моддалардан сақлаш бўйича асосий чоралар сифатида нафас олиш органларини якка ҳимоялаш воситалари: чангта қарши Ф-62Ш, У-2К, Астра-2, ШБ-1, РП-К респираторлари, РУ-60М, РПГ-67, «Пахтакор», «Строитель» ва бошқа универсал респираторлар қўлланилади. Терини заҳарли химикатлардан ҳимоялаш учун кимёга қарши суюқлик шимдирилган ёки хлорвинил қопламали плёнка қопланган маҳсус кийим кийиш тавсия қилинади.

Пуркаш вақтида резина этикларни кийиш, кўзни заҳарли химикатлар тушишидан ҳимоялаш учун ПО-2, ПО-3 ҳимоя кўзойнаклари ёки чангга қарши кўзойнаклардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Чангнинг асосий фракциялари - ифлос ва тола - заҳарли бўлмаса ҳам, умуман чанг одамлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Бу чангнинг минерал фракциясида кремний II оксиди борлиги учун юз беради, ифлос ва толали фракцияларда – вегетация даврида пахтага ишлов беришда тушадиган пестицид ва гербицидлар оқибатидир.

Хозирги вақтда вегетация даврида зааркунанда ва қасалликларга қарши кимёвий ишлов бериш пайтида пахтага тушадиган заҳарларнинг қолдиқ миқдорини йўқотиш муҳим масалалардан биридир. Мазкур масала бир неча йўллар билан ҳал қилиниши мумкин: ҳайвонлар ва одамлар учун заҳарли бўлмаган янги химиявий воситаларни яратиш; заҳарли моддаларнинг янги шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни далага солиш вақтини белгилаш; ҳосилни зааркунандалардан ва қасалликлардан ҳимоялашнинг биологик воситаларини қўллаш.

Ёпиқ кўсакда чанг бўлмайди, чанг кўсак очилганидан кейин пайдо бўлади. Агар энди очилаётган пахта далалари яқинидан йўл ўтган бўлса, у ҳолда транспорт ҳаракати вақтида кўтарилиган лёсс чанги толага ўтириб, уни ифлослантиради. Рўзани дефолиациялаш ва десикациялаш технологияси бузилганда ўсимлик тупидаги қуриган барглар пахта толасига тушади, бу барглар пахтани қайта ишлаш жараёнида чангта айланади. Агар далалардан терилган пахта жиҳозланмаган майдончаларда ёки асфальт қопламали автомобиль йўлларида қуритилса ёки вақтинчалик сақлаш учун у олдиндан тозаланмаган ва жиҳозланмаган хирмонларга ташланса. унда пахта заводлари ҳавосининг чангланганилиги ошади. Заводларда юқори намлиқдаги пахта келтирилиб, температура режими бузилган қуритгичларга қуриттилганда пахтадаги чанг миқдори кўпаяди. Масалан, қуритиш агентининг температурасидан нормадан юқори бўлган тола учлари куяди ва чангга айланади.

Юқори намлиқдаги пахтани териш ва ғарамлашга ҳар йили бир неча миллион сўм сарфланади. Бундан қутулиш учун ҳосилни териш жараёнини тўғри ташкил этиш керак.

Пахта етилмасдан терилганда намлигий юқори бўлади.

Пахта ёмғир ёққанда тупида намланиши мумкин. Ёмғир тинганидан кейин сув томчилари кўсак чаноқларининг юзасида жойлашади ва уларга қўл билан ёки машинада тегилмаса улар тез курийди, чунки даладаги барча чаноқларнинг умумий юзаси катта майдонни ташкил этади, маълумки, намнинг буғланиши буғланиш майдонига мутаносибdir. Шунинг учун ёмғир ёққанида ва тинганидан кейин бир неча соат давомида туплардаги пахтага тегиши ярамайди. Агар пахта намлигига (ёмғир тингани заҳотиёқ) терилса, чаноқлар юзасидаги томчилар ичига ўтади. Бунда уларнинг буғланиш майдони кескин қисқаради ва бундай пахтани жадал қуритиш зарур бўлди.

Пахта заводига келтириладиган пахта таркибида чанг миқдори кам бўлиши учун уни териш ва ҳосилни сақлаш вақтида чангланганлиги пасайтириш лозим.

## **2.2. Пахтани қайта ишлаш жараёнида атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг ҳосил бўлиш сабаблари**

Пахтани дастлабки қайта ишлаш, ташиш, қуритиш, тозалаш, жинлаш, линтерлаш, жараёнида ишлаб чиқаришнинг толали чиқиндиларини қайта ишлашда ишлаб чиқариш бинолари ҳавосига ва атмосферасига кўп миқдорда чанг ажралиб чиқади. Чанг асосан учта фракциядан иборат: ифлос заррачалар – (ғўзанинг майдаланган бўлаклари); толали ва минерал заррачалар (минерал заррачалар пахтага тупроқ орқали ўтади); пахтани қайта

Пахтани дастлабки қайта

ишлаш, ташиш, қуритиш, тозалаш, жинлаш, линтерлаш, жараёнида ишлаб чиқаришнинг толали чиқиндиларини қайта ишлашда ишлаб чиқариш бинолари

Юқори намлиқдаги пахтани териш ва ғарамлашга ҳар йили бир неча миллион сўм сарфланади. Бундан қутулиш учун ҳосилни териш жараёнини түғри ташкил этиш керак.

Пахта етилмасдан терилганда намлигий юқори бўлади.

Пахта ёмғир ёққанда тупида намланиши мумкин. Ёмғир тинганидан кейин сув томчилари кўсак чаноқларининг юзасида жойлашади ва уларга қўл билан ёки машинада тегилмаса улар тез курийди, чунки даладаги барча чаноқларнинг умумий юзаси катта майдонни ташкил этади, маълумки, намнинг буғланиши буғланиш майдонига мутаносибdir. Шунинг учун ёмғир ёққанида ва тинганидан кейин бир неча соат давомида туплардаги пахтага тегиши ярамайди. Агар пахта намлигига (ёмғир тингани заҳотиёқ) терилса, чаноқлар юзасидаги томчилар ичига ўтади. Бунда уларнинг буғланиш майдони кескин қисқаради ва бундай пахтани жадал қуритиш зарур бўлди.

Пахта заводига келтириладиган пахта таркибида чанг миқдори кам бўлиши учун уни териш ва ҳосилни сақлаш вақтида чангланганлиги пасайтириш лозим.

## **2.2. Пахтани қайта ишлаш жараёнида атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг ҳосил бўлиш сабаблари**

Пахтани дастлабки қайта ишлаш, ташиш, қуритиш, тозалаш, жинлаш, линтерлаш, жараёнида ишлаб чиқаришнинг толали чиқиндиларини қайта ишлашда ишлаб чиқариш бинолари

ҳавосига ва атмосферасига кўп миқдорда чанг ажралиб чиқади. Чанг асосан учта фракциядан иборат: ифлос заррачалар – (ғўзанинг майдаланган бўлаклари); толали ва минерал заррачалар (минерал заррачалар пахтага тупроқ орқали ўтади); пахтани қайта

ишилаш вақтида ундан ажралиб чиқадиган чангни ифлос ва толали заррачалари.

Атмосферага чиқариладиган барча ишланган ҳаво технологик ва аспирацияга бўлинади: биринчиси - технологик машинаускуналардан, иккинчиси - чангсизлантириш системаларидан чиқади.

Пахта, тола, линт ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳаво транспорти, пахта тозалаш заводидаги ишланган ҳавони чиқариш бўйича асосий участка ҳисобланади.

Ҳаво транспорти қурилмалари ортиш-тушириш ишларини, чигит ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини етказиб беришини механизациялаш учун ишлатилади.

Сўрувчи типдаги ҳаво транспорти пахтани гарандан қутиш-тозалаш цехига узатади. Пахта тозалаш заводидаги цехларнинг жойлашишига кўра иккита ёки учта қайта юклаш пунктларига эга бўлади, улар мустақил чанг манбалари ҳисобланади. Бу пунктлардаги чангланганлик энг юқори -  $1200-3000 \text{ мг}/\text{м}^3$ . Юқори намлиқдаги паст сортли пахтани қайта ишилашда қуригандан кейин уни ташишда чангнинг кўплаб ажралиб чиқиши кузатилади. Пахта - ҳаво транспорти системасидан чиқаётган чангда майда дисперсли заррачалар, асосан лёсс заррачалар кўпроқ бўлади, кейинги вақтларда бу кўпроқ юз бермоқда, майда чангнинг бир қисми нам тола массаси билан қолади ва толани ташийдиган ҳавога ажралиб чиқмайди.

Ҳаво транспорти системаларидаги ҳаво сарфи  $5-6 \text{ м}^3/\text{с}$ . Тола олишда ва уни тола тозалагич орқали конденсорга ҳаво транспортда чангланган ҳаво  $8-11,5 \text{ м}^3/\text{с}$  га етади. Конденсордан чиқаётган ҳаводаги чанг  $10-15 \%$  толали заррачалардан иборат.

Лингни конденсорга ҳаво транспортида ташишда чангланган ҳавода майда дисперсли толали фракциялар кўп бўлади.

Куритиш-тозалаш, жиналаш, линтерлаш ва толали чиқиндиларни қайта ишилаш цехида анчагина миқдорда чанг бўлади.

Куритиш-тозалаш цехида ажралиб чиқадиган чанг, фақат куритиш машина-ускуналари жойлашган бино ҳавосида нисбатан кам  $5\text{-}7 \text{ мг}/\text{м}^3$  чанг бўлади. Бунинг сабаби - куриттичларга юқори намлиқдаги пахта тушишидадир, намлик массадан майдада чангнинг ажратилишига тўсқинлик қиласди. Йирик дисперсли чанг юқори намлиқда бўлса ҳам ажралиб, бинода тарқалишга улгураломай чўкади.

Куритиш бўлинмаларида атмосферага ишланган куритиш агенти билан бирга чиқадиган чанг нохушликлар туғдиради. Бу чанг дағал дисперсли бўлса ҳам газ оқими билан бирга қуриттичдан чиқади чиқариш шахтаси яқинида бино томига ва қуритиш цехи яқинидаги ерга чўкади. Чиқариладиган чанг миқдори суткасига  $500\text{-}600 \text{ кг}$  ни ташкил этади.

Мавжуд пахта қуриттичлари шахтасининг кесими ҳаракатланаётган қуритиш агентининг тезлиги  $1,3$  дан  $2,5 \text{ м}/\text{с}$  гача (сушилканинг иш унуми ва унга тушадиган пахтанинг намлигига боғлиқ) этади. Бу тезлик айрим пахта толалари ва ифлос аралашмаларнинг айланиш тезлигидан юқори ва энининг ўлчами  $5 \text{ мм}$  гача бўлган ифлос заррачаларни томга чиқишини таъминлайди. Ишланган қуритиш агентидаги чангланганлик ўртача  $400$  дан  $600 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни, лекин тўлиқ бўлмаган партияларда  $1300\text{-}1500 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этади.

2СБ-10 қуриттичини чангизлантириш учун ишланган қуритиш агентини  $6 \text{ м}^3/\text{с}$  ҳажмда қуриттичининг шахтасида маҳсус ўрнатилган  $450 \text{ мм}$  диаметрли ҳаво трубаси орқали чангизлантирилади.

Пахта тозалаш заводи технологик жараёнининг бошланишида жойлашган қуритиш-тозалаш цехининг тозалаш бўлинмасида

қайта ишланадиган пахта минерал чангдан тозаланади. Бундай пахтанинг чангланганлиги нисбатан юқори бўлмаслиги мумкин - 10-30 мг/м<sup>3</sup>, бироқ бу чангда 40-50% гача минерал моддалар бўлиши эҳтимол. Паст сортли пахтани қайта ишлашда бинодаги ҳавонинг чангланганлиги 40 мг/м<sup>3</sup> га етади, лекин чангдаги минерал моддалар миқдори 13-16 % гача камаяди.

Жинлаш бўлинмасида ажраладиган чанг, атмосферага пахта пневмотранспорти системасидан ишланган ҳаво чиқади. Бу ҳавода куритиш-тозалаш цехида ажралаолмаган чанг, шунингдек тозалаш машиналарида пахтани тозалашда ҳосил бўлган чанг бўлади. Бу чанг толалари бўлиб, минерал фракциялар камроқ бўлади. Майда фракциялар асосан майдаланган ифлос заррачалардан иборат.

Чангланган ҳаво жин таъминлагичларининг аспирация системаларидан ҳам ажралиб чиқади, бунда бу система таъминлагичлардан фақат чангланган ҳавони (бунда ифлос таъминлагичлардан механик турдаги транспортда йўқотилади), ёки чангланган ҳавони ифлос билан бирга сўради. Бундай сўриш системасига пахта тақсимлаш шнекининг аспирациясини қўшилиши мумкин.

Жинлаш бўлинмасининг кучли чанг манбаи - тола тозалагичдан конденсоргача пахта ҳаво транспорти системасининг ишланган ҳавоси. Бу чанг манбаида асосан пахта толачалари, шунингдек майда ифлос бўлади.

Линтерлаш бўлинмасида ажралиб чиқадиган чанг. Линтерлашда бино ҳавосида ва линт пневмосисметасининг ишланган ҳавосида деярли минерал чанг заррачалари бўлмайди. Чанг заррачалари 5-6 мм дан 0,5-0,25 мм гача бўлган толачалардан ва чигит пўстидан иборат. Ҳар бир линтерлашдан кейин чанг майда толачалар ва чигит пўстидан ташкил топали.

Чигитни механик ташиш ва ортиш қурилмаларидан чиқадиган чанг. Линтерлаш цехидан чиққан техник чигит вақтингчалик сақлаш жойларига (ёпиқ омборлар ёки завод ҳудудидаги очик майдончалар) лентали транспортёрга ёки шнекда узатилади. Уларда калта пахта толаси ва чигит пўсти кўринишидаги чанг бўлади. Паст сортли чигитда биринчи сортга нисбатан кўпроқ чанг бўлади. Бу паст сортли чигитнинг калта момифи ва қобиги унчалик пишиқ эмаслиги ва технологик машиналарнинг иш органлари уларни осон шикастлаши билан тушунтирилади. Айниқса, бу юқори намлиқда бўлган, қизитиб, сўнгра жадал қуритилган пахта чигитига таалуқлидир. Шундай қилиб, пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлангунга қадар пахтани тайёрлов пунктларида тўғри сақлаш режимига риоя қилиш ишлаб чиқаришнинг санитария ҳолатини белгилайди.

Чигитдаги чангнинг асосий хоссалари линтерлаш цехида линт ҳаво транспорти системасининг ишланган ҳавосидаги чангникига ўхшаш.

Республика «Пахта саноати» илмий маркази томонидан ўтказилган талқиқотлар технологик машина-ускуналардан йўқотилиши зарур бўлган чангнинг оптимал миқдорини аниқлашга имкон берди. Қувурларни бирлаштириш жойлари ва ўлчамлари З-жадвалда келтирилган.

Пахта тозалаш корхонасида технологик жараён давомида ажralиб чиқадиган чанг таркиби ўзгариб боради. Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнининг бошланишида ҳаво таркибida кўп миқдорда минерал фракциялар бўлган чанг ажralади. Пахтага кейинги ишлов беришларда - тола ва линт олишда ажralиб чиқадиган чангда органик моддалар кўпроқ бўлади: чигит қобиги, барг бўлакчалари ва гўзанинг бошқа қисмлари, шунингдек толали бўлакчалар. Технологик жараён охирида, масалан: линтерлаш,

пресслаш бўлинмаларида, чигитни саралаш ва тўлиқ туксизлантириш цехларида ҳавога ажралиб чиқадиган чангда асосан чигит қобиги аралашган толали бўлакчалар бўлади.

**Пахта тозалаш корхоналари технологик  
машина-ускуналаридан сўриладиган ҳаво ҳажми**

3-жадвал

Асбоб-ускуналар	Ҳавони сўриш жойи ва шакли	Сўриб(м <sup>3</sup> /с) олинадиган ҳаво ҳажми	Чиқарувчи қувурнинг диаметри,мм
Тозалагичлар ЧХ-ЗМ2	машинанинг орқа девори	0,4	160
“Мехнат”	Конфузор 220x110 мм	- “ -	- “ -
Шнекли 6А-12М1	Пахтани тушириш фронти ёпилишидан ифлос бункери-нинг ён ёки тороц девори	0,8-1,0	200
ОХБ-10М С4-02 сепаратор-тозалагич)	Бункердан сўриш билан бирга	0,5 0,5	160 250
ОВМ-А толали чиқиндилар тозалагичи	Ифлос билан бирга ифлос шнекининг тушириш тирқишидан	0,25	140
Жин			
Аррали ЗХДДМ	ПД таъминлагичдан	0,1-0,2	100
ДП-130	Таъминлагичдан	0,2-0,25	125
валикли ДВ ДВ1М	Таъминлагичдан	0,2	125
ПМП-160М линтери	Таъминлагичдан	0,2	100

	6 линтер учун шнекдан	1,4	285
	8 линтер учун худди шу	1,8	355
Элеватор			
пахта учун	Элеваторнинг пастки бўғзи-	0,2	130
чигит учун	Дан пастки етакчи барабан-	0,2	130
ифлос учун	юзасидан 150 мм масофада	0,25	130
Шнек			
пахта	Шнек қопқоғига ўрнатилган конфузор орқали четки қирраси майдони 0,5 м, баландлиги 1,0 м	0,25	130
чигит	қирра майдони 0,2 м, баландлиги 0,6 м	0,2	130
4СО чигит тук- сизлантириш машинаси	Машинанинг исталган томонидан	1,2	-
KCM-1,5 калибрлаш машинаси	Чигитни машинага ортиш жойидан	0,25	-
Заҳарли химикатларн и идишларга солиш машинаси	Идишларга солгичнинг юқори қисмида жойлашган 200 мм диаметрли маҳсус тирқиши орқали	0,8	250
Уруғлик чигитни қопларга солиш машинаси	Қопларга солиш нуқтасидан	0,15	100

Пахтани қайта ишлаш жараёнида чанг ҳосил бўлиш миқдорига машина-ускуналарнинг ҳолати катта таъсир кўрсатади. Ма-

шиналарнинг тавсия этилган ишлаш тезлиги режимига ва иш органларининг оралиқларига риоя қилиш, фақат янги ёки яхши таъмирланган аррасимон ва аррали органларни қўллаш, кондицион намлиқдаги пахтани қайта ишлаш, қайта ишланаётган маҳсулотда чангни такрорий ҳосил бўлишини, ишлаб чиқариш биноларидаги ва корхона ҳудудидаги ҳавонинг чангланганлигини анча камайтиради.

Пахта тозалаш корхоналарининг машина-ускуналаридан чиқаётган чангланган ҳавони шамол атроф-муҳитга тарқатади ва уни ифлослантиради.

Пахтага дастлабки қайта ишлашда ажralиб чиқадиган чангни камайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ҳосилни териш, уни сақлаш ва қайта ишлашда уни чангланганлини пасайтириш;
- технологик машина-ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;
- пахта тозалаш корхонасидаги бутун машиналардан чанг сўриш системалари соз ва иш ҳолатида сақлаш билан бирга ҳаракатланаётган ҳаво миқдорини камайтириш;
- пахта тозалаш корхоналарининг технологик машина ускуналаридан атмосферага чиқадиган ҳаводаги чангни тутиш қурилмаларини ишга яроқли ҳолатда сақлаш.

### **2.3. Саноат корхоналаридан атроф-муҳитга чиқадиган ифлосликларни назорат қилиш ва нормалаш**

Моддаларнинг йўл кўйса бўладиган концентрацияси (ЙҚБК) ни белгилаш шундай келиб чиқадики, бу жойларда одамлар узоқ ва

Атмосфера ҳавосини ифлослантириш санитария нормалар билан тартибга солиб түрилади. У ёки бу аҳоли пунктлари атмосфера ҳавосидаги заарли

доимий бўлганларида улар учун зарарли бўлмайди (1-иловага қаранг).

Атмосферада бир неча п зарарли моддалар бўлса уларнинг умумий концентрацияси қўйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$X = \frac{C_1}{\bar{YKBK}_1} + \frac{C_2}{\bar{YKBK}_2} + \frac{C_3}{\bar{YKBK}_3} + \dots + \frac{C_n}{\bar{YKBK}_n} < 1$$

бу ерда:  $X$  - қидирилаётган ўлчамсиз умумий концентрация;  $C_1, C_2, C_3 \dots, C_n$  - атмосфера ҳавосидаги зарарли моддаларнинг ҳақиқий концентрацияси, мг/м<sup>3</sup>.

Умумий таъсир самарасига қўйидаги зарарли моддаларнинг бирикмаси эга: ацетон, ацетофен ва фенол, ацетальдегид ва винилацетат; валериан, капрон ва ёғ кислотаси, озон, азот II оксиди ва формальдегид, сульфид гази, водород сульфид ва фенол, водород фторид ва сульфид кислотанинг аэрозоли; динил изопропилбензоли, изопропилбензол гидропероксиди, фурфурол, метанол ва этанол, циклогексан ва бензол; водород иони бўйича концентрациядаги кучли минерал кислоталар (сульфид, хлорид, азот), этилен, пропилен, бутилен ва амилен, 2,3-дихлор-1, 4-нафтохинон ва 1,4-нефтохинон; уксус кислотаси ва уксус ангидрид; бензол ва ацетофенон; олтингугурт ва сульфид ангидрид, аммиак, азот оксидлари.

Зарарли моддалар суммаси ва алоҳида ингредиентлар бўйича кодлар ЙҚБК белгиланмаган бўлсада, лекин қўйидаги маълумотларни таҳлил қилишда (биринчи уч қиймат) керак:

1. Жами.....	001
2. Қаттиқ.....	002
3. Газсимон ва суюқ.....	003
4. Ноорганик чанг.....	980
5. Органик чанг.....	985
6. Углеводородлар.....	360

шгу жумладан:

чекланган.....	361
чекланмаган.....	381
ароматик.....	421
<b>7. Уайт-спирт .....</b>	<b>957</b>

Эслатма. Атмосферага чиқарилган заарли моддалар манбаларини текширишда атмосферага чиқариладиган, лекин мазкур рўйхатда кўрсатилмаган бошқа заарли моддалар жадвалга киритилади.

Пахта тозалаш корхоналарида ишловчиларнинг хавфсизлиги учун санитария зоналари белгиланган. Ҳаво оқими механик оли-надиган ва табиий шамоллатиладиган зоналарда заарли моддалар миқдорининг нормаси белгиланган - бинолар иш зоналарида-ги бу моддаларнинг ЙҚБК си 30 %. Чангда кремний II оксиди-нинг миқдори 2 дан 10 % гача бўлган пахта тозалаш корхонала-рида чанг ЙҚБК  $4 \text{ мг}/\text{м}^3$  қабул қилинган. Демак, санитар зона ҳавосида чанг  $4 \cdot 30 : 100 = 1,2 \text{ мг}/\text{м}^3$  дан ортиқ бўлмаслиги керак. Пахта тозалаш корхонаси ҳудудининг ташқи ҳавосида ҳаво оли-надиган жойларда бир йўналишда таъсир этадиган заарли мод-далар бўлса, ташқи ҳаводаги ҳақиқий концентрациянинг ( $C_1, C_2, \dots, C_n$ ) уларнинг бино иш зонасидаги ЙҚБК (ЙҚБК<sub>1</sub>, ЙҚБК<sub>2</sub> . . . ЙҚБК<sub>n</sub>) 0,3 дан ошмаслиги керак.

#### 2.4. Технологик ва вентиляцион чиқаришларга норматив талаблар

Атмосферага стационар ман-балардан ифлосланган чиқиндилар-нинг чиқарилишига ваколатли таш-килотлар (маҳаллий СЭС, Давком-гидрометнинг маҳаллий хизматлари

ва бошқалар) руҳсати билан йўл қўйилади.

Ҳамма корхоналар заарли чиқаришлар миқдорини камайтиришлари, чиқиндиларни тозалаш қурилмаларнинг самарали ва бетўхтов ишлашини таъминлашлари, СЭС талаблари ва шартларини бажариш учун уларни назорат қилиш, сув, тупроқ ва бошқа табиий объектларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик зарур.

Пахтани давстлабки қайта ишлаш жараёнида бинога заарли моддалар чиқинини камайтириш ва корхоналарда ва уларнинг яқинидаги ҳаво муҳитини соғломлаштириш учун қўйидагилар тавсия қилинади:

1. Пахта тозалаш корхонасида технологик жараёнда ишлатиладиган ҳаво сарфини камайтириш, бунинг учун:

а) пахтани дастлабки қайта ишлаб технологик жараёнини кўриб чиқиш ва хом ашёни, ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотни ташишнинг ҳаво транспорт системаларини механик системаларга алмаштириш имкониятларини топиш;

б) пахтани дастлабки қайта ишлаш технологик жараёнини такомиллаштириш ва маҳсулотнинг бир машинадан иккинчисига очиқ усуlda ўтишини истисно этиш.

2. Пахта тозалаш корхоналарининг технологик машина-уску-наларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш.

3. Пахта тозалаш заводининг ҳамма машиналаридан чанг сўриб оладиган(аспирация) системаларни ишга яроқли ҳолатда сақлаш.

4. Пахта тозалаш заводларининг технологик машина-ускуналаридан атмосферага чиқадиган чанг тутиш қурилмаларини ишга яроқли ҳолатда сақлаш.

5. Чанг тутиш қурилмаларига тиқилиб қоладиган ва майда фракцияли чанг тутгичларнинг нормал ишлашини бузадиган йирик чанг фракцияларини тутиш имконини берадиган ҳавони икки босқичли тозалашни қўлланиш.

Иккинчи босқич тозалашда керакли санитария самарасига эришиш учун ғовак-ғовак фильтрлар, ҳавони нам тозалаш системалари ёки электр фильтрлар ўрнатилади. Ҳавони нам тозалашда сувни форсункалар ёрдамида пуркашдан воз кечиш зарур, чунки нам чанг туттичлар узлуксиз сув таъминотида ювиладиган сувдаги толали чанг тиқилиб қолади.

6. Икки босқичли чанг туғиши қурилмасида биринчи босқич тозалаш қурилмасининг конструкцияси шундай бўлиши керакки, у фильтрловчи тўқимага аланга ва учқунлар узатилишини олдини олиши керак.

7. Пахта тозалаш корхонаси ҳудудининг чантланганлигини камайтириш ва ифлосланишини олдини олиш учун ишлаб чиқариш чиқиндисини марказлаштирилган ҳолда тўплаш ва олиб чиқиш системасини қўллаш зарур.

8. Пахта тозалаш корхонасининг ишлаб чиқариш биноларининг бевосита яқинидаги ташқи ҳавонинг чантланганлигини камайтириш учун технологик жараёнларнинг барча чанг манбаларидан ишланган ҳавони ишлаб чиқариш биноларидан камида 100 м масофада тозалаш керак.

9. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаб цехини бе восита ҳавони тозалаш қурилмаларининг яқинига жойлашириш лозим.

Корхоналарда атмосфера ҳавосини СанПиП 0058-96га муовифиқ муҳофазалашнинг атмосферани ифлослантирувчи ҳар бир манба учун йўл қўйиладиган чегаравий чиқиндилар (ЙҚБК) ва вақтингчалик келишилган чиқиндилар (ВКЧ) нормативлари шундан келиб чиқиб ишлаб чиқиладики, шаҳар ёки бошқа аҳоли пунктидаги саноат корхоналарининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда муайян манбалар ва бошқа жами манбалардан чиқаётган зарарли чиқиндилар атмосфера ҳавосидаги ифлослантирув-

чи моддаларнинг йўл қўйиладиган чегаравий коэффициентидан ошмайди. Шунинг учун турли минтақалар ва ҳатто турли корхоналар учун бир хил заарли моддаларнинг ВКЧ си жой рельефини, метеорологик шароитларни, районнинг мавжуд ифлосланганигини (фон концентрацияси) ва чиқиндиларнинг турини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ишлаётган ва лойиҳаланаётган пахта тозалаш корхоналарининг манбаларидан чиқадиган заарли моддаларнинг йўл қўйиладиган чегараларини «Енгилсаноат» корпорациясининг вақтинчалик йўриқномалари, корхоналарнинг чиқиндилари тўғрисидаги инвентаризацияон ва фон ифлосланишлар маълумотлари асосида ГПИ-4 томонидан белгиланади. Ҳисоб-китоблар йўли билан олинган ЙҚБК нормативлари гидрометеохизматнинг маҳаллий органлари, СЭС, газ инспекцияси билан келишилади. ЙҚБК га риоя қилинишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давкомгидромет қошидаги Атмосфера ҳавосини муҳофазалаш бўйича давлат инспекциясига юклатилади. Чиқиндилардаги чангнинг йўл қўйиладиган концентрацияси бино иш зонасидаги унинг ЙҚБК га ва чиқариладиган ҳаво ҳажмига кўра нормалар белгиланади (4-жадвал). Агар чиқиндилардаги чангнинг концентрацияси нормадаги қийматлардан ошмаса, чиқиндиларни тозаламаса ҳам бўлади.

Чиқариладиган ҳавони 20 мкм ва ундан ортиқ чанг фракцияларидан тозалаш самараси камида 96 % бўлиши керак.

**Атмосферага чиқариладиган ҳавода  $C_1$  ва  $C_2$   
йўл қўйиладиган чанг концентрацияси**

**4-жадвал**

Бинонинг иш зона- сида чанг- нинг ЙҚБК да, мг/м <sup>3</sup>	10 илова бўйича К (коэффи- циенти)	$C_1 =$ 100К, мг/м <sup>3</sup>	$C_2 = (160 - 4V) K \text{ мг}/\text{м}^3$			
			V=15 минг $\text{м}^3/\text{с}$	V=15 минг, $\text{м}^3/\text{с}$	V=10 минг, $\text{м}^3/\text{с}$	V=1 минг, $\text{м}^3/\text{с}$
2 гача	0,3	100 0,3= =30	(160-4X X15) X X 0,3-30	(160-4X X10) X X 0,3=36	(160-4X X1) X X 0,3=46,8-	47,4
2 дан ортиқ	0,6	60	60	72	93,6	94,8
4 дан ортиқ б гача	0,8	80	80	96	124,8	126,4
6 дан ортиқ	1,0	100	100	120	156,0	158,0

**2.5. Атмосферага  
чиқариладиган заарли  
чиқиндишларни  
пасайтириш бўйича  
технологик чора-  
тадбирлар**

Атмосфера ҳавосига заар-  
ли чиқиндишларни чиқариб ат-  
роф-муҳит ифлосланишининг  
олдини олиш учун чанг чиқин-  
дилари маъбаларипи инвентари-  
зация қилиш ва паспортлаш ҳам-

да чанг тутиш қурилмалари асосида пахта тозалаш корхонасининг технологик ўтишларида атмосферага ва иш жойларида чанг ажралишини пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Масалан, қўлда терилган ва машинада терилган I сорт пахтани қайта ишлашда атмосфера чиқаришларида пахта чанг концентрацияси ЙҚБК чегарасида бўлади, машинада терилган паст сортли пахтани қайта ишлашда чанг концентрацияси, айниқса, қуритиш-тозалаш цехларидан чиққанининг, ЙҚБК дан 4-6 марта кўп. Сўнгра вақтинчалик келишилган чиқиндилар ўрнатилади

(ВКЧ). Инвентаризация таҳлили шуни кўрсатдики, Фарғона во-дийсидаги пахта тозалаш корхоналарида атмосфера чиқиндилиари-даги чанг концентрацияси Тошкент технологияси бўйича тайёр-лаётган пахта заводлариникидан анча паст. Мисол тариқасида ик-ки батареяли 1-Қўқон пахта тозалаш корхонасини кўриб чиқа-миз. Бу ерда ишланган ҳаво икки босқичли қурилмаларда тозала-нади. Иккинчи босқич - чанг чўкиш камераси - майда дисперсли намланади. Машинада терилган пахтага завод ташқарисида жой-лашган тайёрлов пунктининг қуритиш-тозалаш цехида олдиндан ишлов берилади (қуритилади ва ифлос аралашмалардан тозалана-ди). Шунинг учун завод қошидаги қуритиш-тозалаш цехи (КТЦ) паст сортли пахтага ишлов берганда ишлайди, бундай пахта уму-мий тайёрланган ҳажмда 20-25 фойзни ташкил этади. 5-жадвалда ҳаво транспорти системаси ва аспирация машина-ускуналари аэродинамик ва чанг характеристикаларининг ўртача кўрсаткич-лари келтирилган.

**Қўқон пахта тозалаш корхонаси технологик  
ўтишлари бўйича ишланган ҳаво ва атмосферага  
чиқариш кўрсаткичлари**

5-жадвал

Ишлаб чиқариш номи	Ҳаво миқдори, м <sup>3</sup> /с	Ҳаводаги чанг концентрацияси, г/м <sup>3</sup>		Атмосфера чиқиндилиари, г/с
		тозалаш-дан олдин	тозалаш-дан кейин	
Завод қошидаги (КТЦ)				
қуритиш гуруҳи	22,5	4,0	0,24	3,0
тозалаш гуруҳи	12,5	3,5	0,13	1,6
кўзғалмас перевалка	9,4	2,3	0,08	0,8
тозалаш цехи	26,5	2,9	0,13	3,5
Бош корпус				
жин бўлими	42,5	1,8	0,06	2,3
линтерлаш бўлими	47,0	1,1	0,04	1,9
<b>ЖАМИ</b>	<b>160,4</b>	<b>1,7</b>	<b>0,10</b>	<b>13,1</b>

Қўқон пахта тозалаш корхонаси ҳудудидаги ҳавонинг чангланганлигини ўлчаш шуни кўрсатдики, вақт бирлигига атмосфера га йўл қўйиладиган чанг -  $0,05 \text{ г}/\text{м}^3$  чиқарилади.

Бухоро пахта тозалаш корхонаси ҳам икки батареяли. Бу ерда чанг икки босқич қурилмаларда тозаланади. Иккинчи босқич - чанг чўқтириш камераси намланмайди – «Пахта саноати» РИМ системасидаги ЦП-3 типдаги циклон. Тайёрлов пунктларида паст сортли пахта ифлос аралашмалардан тозаланмай, фақат қуритилади. Шунинг учун завод қошидаги қуритиш-тозалаш цехи завод оқимида тозалаш цехи сифатида ишлайди. 6-жадвалда ҳаво транспорти ва аспирация системалари характеристикаларининг ўртacha кўрсаткичлари келтирилган.

**Бухоро пахта тозалаш корхонасида технологик  
ўтишлар бўйича ишланган ҳаво ва атмосферага  
чиқариш кўрсаткичлари**

6-жадвал

Ишлаб чиқариш номи	Ҳаво микдори, $\text{м}^3/\text{с}$	Ҳаводаги чанг концентрацияси, $\text{г}/\text{м}^3$		Атмосфера чиқиндилиари, $\text{г}/\text{с}$
		тозалаш-дан олдин	тозалашдан кейин	
қўзғалмас перевалка	12,0	2,9	1,70	25,0
куритиш-тозалаш цехи				
куритиш гурӯҳи	20,0	3,0	0,45	9,0
тозалаш гурӯҳи	48,5	3,4	0,05	2,4
Бош корпус				
Куйинди(утар) цехи	50,0	6,5	0,09	4,5
жин бўлими	39,0	1,2	0,14	5,5
линтерлаш бўлими	46,0	1,6	0,19	8,7
<b>ЖАМИ</b>	<b>215,5</b>	<b>3,3</b>	<b>0,24</b>	<b>55,1</b>

Шундай қилиб, Бухоро пахта тозалаш корхонасида вақт бирлигига атмосферага чанг Қўқон пахта тозалаш корхонасига нисбатан 4 марта кўп чиқади, унинг ҳудудида ҳавонинг чангланганлиги анча юқори бўлиб,  $0,15 \text{ г}/\text{м}^3$  ни ташкил этади.

Бухоро пахта тозалаш корхонасида фақат яқин 5 йилга мўлжалланган вақтинчалик келишилган чиқиндилар белгиланади.

Шу билан бирга, корхонанинг технологик ўтишларида, энг аввало, машинада терилган пахтани олдиндан тозалашда чанг ажралишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Чиқариб ташланадиган заарли аралашмаларнинг таркиби ва миқдори, ишлаб чиқариш биноларининг ўлчамлари, ишлаб чиқариш майдончаларининг жойлашиши (пахта тозалаш корхонасининг ҳудуди) ва уларнинг табиий шамоллаш шароитларини ҳисобга олиб, самара беришига қараб чора-тадбирлар асосланади ва танланади. Ҳаво ҳавзасининг ифлосланишининг олдини олиш бўйича мамлакатимиз ва чет эл тажрибаси шунни қўрсатдикси, саноат майдончаларида ва уларнинг яқинида жойлашган ҳудудлардаги атмосфера ҳавосини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни газ тозалаш қурилмалари паст самара билан ишласа ҳам, пахта тозалаш корхонасининг фақат ишланган ҳавосини тозалаш самарасини оширишга нисбатан техник ва ташкилий томондан амалга ошириш осон ва кам харажатлар билан юқори натижаларга эришиш мумкин.

Атмосферага чиқарилган ишланган ҳавони тозалашнинг турли чизиқий чиқиндилар манбайнинг биргаликда таъсиридаги умумий даражаси қўйидаги формула бўйича аниқланади:

алоҳида турган қуритиш-тозалаш цехи учун

$$\eta = \left( \frac{1 - 0,3 \frac{C_{\text{икк}}}{C_1 + C_2 + C_3}}{\Sigma C_{\text{икк}}} \right) \cdot 100, \%$$

алоҳида турган завод бош корпуси учун

$$\eta = \left( \frac{1 - 0,3 \frac{C_{\text{икк}}}{C_{\text{ск}}}}{\Sigma C_{\text{ск}}} \right) \cdot 100, \%$$

бу ерда  $\Sigma C_1$ ,  $\Sigma C_2$ ,  $\Sigma C_3$  - тозалаш иншоотларининг шамол айлантирадиган зонасидаги, шунингдек зона ташқарисидаги бино томидаги заарли аралашмаларнинг суммар концентрацияси,  $\text{мг}/\text{м}^3$ ;

$\Sigma C_i$  - ягона циркуляцион зонада қидирилаётган заарли аралашманинг суммар концентрацияси, мг/м<sup>3</sup>.

Корхоналар чиқиндиларидағи заарлық моддаларнинг атмосферадаги сийраклашишини ҳисоблашда шуни ҳисобга олиш зарурки, пахта тозалаш заводлари шароити учун 12 м/с тезликдаги шамол ҳавфли, паст сорт пахтани қайта ишлашда кўп миқдорда чанг ажралиб чиқиши кузатилади, одамлар нафас оладиган даражадаги чанг концентрацияси максимумга етади.

## 2.6. Бош режага ва санитар-ҳимоя зonasига талаблар

Янги пахта тозалаш корхоналарини турар жой бинолари жойлашган ерларда эсувчи шамоллар йўналишини ҳисобга олган ҳолда курниш ва турар жой районларини санитар-ҳимоя зonasи билан ажратиш зарур. Пахта тозалаш корхонаси ичидаги ҳудудда шамол эсадиган томонда кўп заарли чиқиндилар ажраладиган цехлар ва бўлинмаларни жойлаштириш керак. Бош режада бино ва иншоотлар корхона майдончаларининг яхши шамоллатилишини ҳисобга олиб жойлаштирилади.

Санитария-ҳимоя зonasини танлаш. Ҳавони чангдан ва заарли газлардан тозалаш системасини қўллаш атмосферага чиқариладиган заарли моддалар миқдорини камайтириш имконини беради, бироқ уларни тўлиқ тутишга эришиб бўлмаяпти.

Ҳаводаги заарли моддалар концентрациясини камайтиришнинг воситаларидан бири - атмосферанинг юқори қатламларига узун трубалар чиқарадиган заарли чиқиндиларни суюлтириш. Бундай трубалардан чиқадиган газлар шамол ва турбулент диффузия таъсирида ҳавонинг ерга яқин қатламига туппали, лекин уларнинг концентрацияси анча кам бўлиб, бу манбадан бўлган масофа билан тушунтирилади. Бунда чиқариладиган газнинг

ҳавонинг ерга яқин қатламидаги энг юқори концентрацияси йигирмата труба узунлигига тенг масофада бўлади. З-расмда чанг концентрациясининг ҳавонинг ерга яқин қатламидаги ўзгариш характеристи кўрсатилган, буни ишлаб чиқариш худудида баъзи алоҳида обьектларни жойлаштиришда ҳисобга олиш зарур.

Ишлаб чиқариш обьектлари яқинида жойлашган аҳоли пунктлари ишлаб чиқариш чиқиндилаrinинг заарли таъсирини камайтириш учун санитария нормаларига мувофиқ бундан корхоналарни турар жойлардан санитария-ҳимоя зоналари билан ажратиш зарур. Санитария-ҳимоя зонаси корхона атрофидаги худуд ҳисобланади. Бу худуд тоза сақланиши керак.

#### **Вентиляция чиқиндилари баландлигини ҳисоблаш.**

Ер юзасида заарли чиқиндилаrinинг йўл қўйиладиган концентрациясини таъминловчи трубанинг керакли баландлиги Н қўйидагича аниқланади:

1. Чиқинди чиқариш учун керакли баландлик (Н) ҳисобланади /З-расм/:

$$H = \sqrt{\frac{235 M_0}{v_{\text{ш}} \cdot C_{\text{мак}}}}$$

бу ерда:  $M_0$ - атмосферага чиқариладиган заарли чиқиндилаrinинг максимал миқдори, г/с;


$v_{\text{ш}}$  - 10 м баландликда шамолнинг ҳисобланган тезлиги, м/с;

$C_{\text{мак}}$ - ер сатҳи даражасидаги заарли чиқиндилаrinинг йўл қўйиладиган бир марталик концентрацияси ишлаб чиқариш биносидаги ЙҚБК нинг 30 % га тенг деб қабул қилинади.

2. Труба оёзидан ҳаво оқимининг кўтарилиши ( $h$ ) ҳисоблаб чиқарилади

$$\Delta h = \frac{1,9 d_0 v_0}{v_{\text{ш}} \cdot \phi}$$

бу ерда:  $d_0$  - қувур оғзининг диаметри;



3-Расм. Ер сатқидаги зааррли чиқындилаңынг  
максимал ифлосланиш жойи

$v_0$  - Қувур оғзидан газ-ҳаво оқимининг чиқиши тезлиги, м/с

$\varphi$  - қувур баландлигига кўра шамол тезлигига тузатиш коэффициенти (справка материали);

масалан,  $h=10$  м лигига  $\varphi = 1,0$ ;  $h=40$  м лигига

$\varphi = 1,3$ ,  $h=60$  м лигига  $\varphi = 1,4$ ;  $h=100$  м лигига  $\varphi = 1,5$  ва ҳоказо.

3. Қувурнинг керакли баландлиги  $h_k$  (м) аниқланади:

$$h_k = H - \Delta h.$$

Санитария-ҳимоя зоналарининг турар жой уйларигача бўлган чегараси корхона қувватига, технологик жараён хусусиятларига ва ажралиб чиқадиган заарарли чиқиндилар миқдорига кўра белгиланади.

Саноат корхоналари заарлилик жиҳатдан 5 синфга бўлинади. Энг заарлиси I синфга киритилади. I синф учун санитария-ҳимоя зонаси 1000 м, II синф учун 500 м, III - 300 м, IV - 100 м, V синф учун - 50 м.

Янгидан қуриладиган пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктлари учун санитария-ҳимоя зонаси ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш бўйича санитария нормаларида 300 м белгиланган. Бу зонанинг ҳудуди ободонлаштирилган, ифлослашишга чидамли ўсимликлар билан кўкаламзорлаштирилган бўлиши керак.

Санитария зонаси зарурият туғилганда ва техник-иқтисодий ва гигиеник жиҳатдан асосланганда соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги биргаликда чиқарган қарори билан кенгайтирилиши мумкин, лекин кўпи билан 3 марта гача. Санитария-ҳимоя зоналарининг ўлчами технологик жараёнларни мукаммалаштирилганда, аҳоли яшайдиган жойлар атмосфера ҳавоси-

даги заарли моддалар ЙҚБК дан ошмаса, чиқиндилар самарали тозаланса камайтирилиши мумкин.

### **Ўзлаштириш саволлари:**

1. Атроф-муҳитни ва сув ҳавзасини муҳофазалаш учун меъёрий асослар нима.
2. Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнида ажралиб чиқадиган заарли моддаларни биласизми?
3. Якка ҳимоялаш воситаларига нималар киради.
4. Чангнинг асосий фракциялари нималардан иборат.
5. Ёник кўсакда чанг бўладими.
6. Ҳаво транспорти қурилмаларини вазифаси нима.
7. Куритиш-тозалаш цехларида чиқариладиган чанг миқдори суткасида неча кгни ташкил этади.
8. Жинлаш цехидаги ажраладиган чанг, қайси фракциялардан иборат.
9. Пахтани дастлабки қайта ишлашда ажралиб чиқадиган чангларни камайтириш учун нима қилиш керак.
10. Заарли моддаларнинг умумий концентрациясини қайси тенглама билан аниқланади.
11. Пахта қайта ишлаш корхоналарда чангни йўл қўйса бўладиган концентрацияси неча мг.м куб қабул қилинган.
12. Технологик ва вентиляцион чиқаришларга норматив талаблар нималардан иборат.
13. Икки босқичли тозалаш системалари керакли санитария самарасини берадими.
14. Йўл қўйса бўладиган чиқиндилар ва вақтинчалик келишилган чиқиндилар нормативларини биласизми.

15. Заарли чиқиндиларни пасайтириш бўйича технологик чора-тадбирлар нималардан иборат.
16. Бош режага ва санитар-ҳимоя зонасига қўшилган талабларни айтинг.
17. Чиқинди чиқариш учун керакли баландликни ҳисоблаш формуласини келтириб чиқаринг.
18. Саноат корхоналари заарлик жиҳатидан неча синфга бўлинади.

### 3.БОБ.

## ҲАВОНИ ЧАНГ ВА ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРДАН ТОЗАЛАШ

### 3.1. Пахтачилик, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналаридағи иш жараёнидан ажралиб чиқадиган чанг ва зарарли моддалар

Пахтачилик, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналаридағи иш жараёнидан ажралиб чиқадиган зарарли омилларга: чанг, заҳарли газлар, заҳарлар, юқори ҳарорат, ҳавонинг намлиги, шовқин, теб-

раниш ва материал ифлосликлари киради.

Чанг - ҳавода айланиб юра оладиган қаттиқ ёки суюқ моддаларнинг жуда майда зарралариридир.

Ишлаб чиқариш хоналаридағи ҳавонинг тозалиги ишчиларнинг саломатлигига катта аҳамиятга эгадир. Ишчилар тангли ҳаводан нафас олганда юқори нафас йўллари қичийди ва киши ўзи ҳоҳламаган ҳолда юзаки нафас олади, бу эса ўпка фаолиятига салбий таъсир қиласи ва турли касалликларни келтириб чиқаради. Чангли хоналарда кўз шиллиқ пардаларини қичиштириб коньюктивит касаллигини келтириб чиқаради ва шу билан биргаликда чанг заррачалари туберкулёз таёқчаларини ва зарарли бактериаларни ташувчи восита ҳамдир.

Йирикроқ чанг бурун - ҳалқумда ушланиб қолади, майда чанг эса нафас олиш аъзоларига киради.

Ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги чангнинг айланиб юриш тезлигигида паст бўлганда 0,1-10 мкм ўлчамли чанг заррачалари ўзгармас тезлик билан ўтирали. Чанг заррачаларининг айланиб юриш тезлиги Стокс формуласидан аниқланади:

$$V_r = 0,3 \rho d^2,$$

бу ерда:  $V_r$  - чанг заррачаларини айланиб юриш тезлиги, м/с;

$\rho$  - ашёнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;

d - заррачалар диаметри, мкм.

Чангнинг инсон организмига заарли таъсири даражаси унинг ўлчамларига боғлиқ:

- агар 50 мкм ва ундан катта ўлчамли чанг заррачалари юқориги нафас олиш органларида ушланиб қолса, у зарар етказмайди;

- агар 10-50 мкм ўлчамли чанг заррачалари нафас олиш органларига чукур кириб борса, жуда оз миқдордаги чанг ўпкага ўтади;

- агар 10 мкм дан кичик чанг заррачалари нафас йўлларининг тармоқланиш жойларига кириб борса, улар организм учун хавфли ҳисобланади;

- агар 1 мкм дан кичик ўлчамли чанг заррачалари ўпкага кириб борса, бу жуда хавфлидир; чунки силикоз касаллигини келтириб чиқаради.

Чангнинг зааралилиги унинг ўлчами ва кимёвий хоссаларига боғлиқ.

Санитария меъёрларида иш минтақаси ҳавосидаги чангнинг куйидаги рухсат этилган чекли миқдори (РЭЧМ) кўзда тутилган:

2мг/м<sup>3</sup> - таркибида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорда эркин кремний қўш оксиди  $SiO_2$  бўлган ўсимлик ва ҳайвонот чанги учун:

4мг/м<sup>3</sup> - таркибида 10 фоизгача миқдорда  $SiO_2$  бўлган ўсимлик ва ҳайвонот, чанги учун;

6мг/м<sup>3</sup> - таркибида 2 фоизгача миқдорда  $SiO_2$  бўлган ўсимлик ҳамда ҳайвонот, минерал чанги учун.

Масалан: чангнинг РЭЧМ гумбакни қайта ишлаш фабрикаларида 4мг/м<sup>3</sup>га, ҳавонинг чанг билан ифлосланганлиги 65-75

мг/м<sup>3</sup>га, SiO<sub>2</sub> миқдори эса 1,7 фоизга етади, бу эса санитария мөъёридан ўн саккиз марта кўпроқлир.

Саноат корхоналарини лойиҳалашнинг санитария мөъёrlа-рига мувофиқ зарарли моддалар инсон организми учун зарарли-лик даражасига кўра хавфлилилк беш тоифага ажратилади: 1-фавқулодда хавфли моддалар; 2-ўта хавфли моддалар; 3-ўртача хавфли моддалар; 4-хавфли моддалар; 5-кам хавфли моддалар.

Зарарли газлар ва бактериал ифлосликлар. Масалан: Пилла қуритиш, қайта ишлаш корхоналарида заҳарли газлар пиллаларничувитиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш цехларидан чиқади. Бундай газлар қаторига аммиак ва сероводород киради.

Аммиак (NH<sub>3</sub>)-рангсиз, нафасни қайтарувчи ўткир ҳидли, портлаш жиҳатдан ҳавфли газ бўлиб, РЭЧМ-20 мг/м<sup>3</sup>;

Сульфат ангидриди (H<sub>2</sub>S)-рангсиз, кўланса ҳидли газ бўлиб, кучли заҳарлар қаторига киради. РЭЧМ-10 мг/м<sup>3</sup>;

Матбаачилик саноатида ажралиб чиқадиган заҳарли газлар, кислоталарга қуидагилар киради. стирол, нитрил акрил кислотаси, хлорли ва фосфорли водород, әштон, бензол, бензин, толуол, сирка кислота, азот ва кўмир оксиidi, аммиак ва сульфат ангидриди.

Тўқимачилик комбинатида охор тайёрлашда сульфат кислотаси, хлорид ва сирка кислоталари, ўювчи натрий ва матоларии бўяшда олтингугурт бирикмалари (Na<sub>2</sub>S), хлорли бирикмалар (NaCL), ўювчи ишқор (NaOH) ва бошқа кимёвий моддалар қўл-ланилади.

Жамоат, турар жой ва ишлаб чиқариш биноларида энг кўп тарқалган, ҳавони ифлослантирувчи моддалар қаторига кўмир қўш оксид CO<sub>2</sub> киради. Одатдаги атмосфера ҳавосида ҳажм бўйича 0,03-0,04 фоиз миқдорида CO<sub>2</sub> бўлади. Таркибида 4-5 фоиз миқдорида CO<sub>2</sub> бўлган ҳаво соғлиқ учун ҳавфлидир.

Заҳарли моддалар инсон организмига нафас олиш йўллари, тери ва ошқозон-ичак йўли орқали киради. Ишлаб чиқариш хоналарида мазкур газларнинг мавжуд бўлиши ёқимсиз чиринди ҳидини келтириб чиқаради. Тадқиқотлар маълумотларига кўра, пилла тортиш цехларида ёзда водород сульфиднинг миқдори РЭЧМдан ошиқ бўлади, бу эса пилла тортиш хонасининг ҳавосида ёқимсиз ҳид бўлишига олиб келади.

Жумхуриятимиздаги санитария ва гигиена илмий-текшириш институти ўтказган тадқиқотлар шунни кўрсатадики, пилла тортиш хоналари ҳавосида ҳамма вақт ангина касаллигини қўзғотувчилар-энтеркоклар кўп миқдорда бўлади. Улар чуватиш жараёнида ғумбаклардан ажralиб чиқади. Ғумбаклар ичидаги ҳавфли микроблар мавжуд бўлиб, улар пиллаларга ишлов бериш жараёнида чуватиш тосларидаги иссиқ сувга, ундан эса хона ҳавосига ўтади.

Заҳарли моддалар билан кучли заҳарланганда қуйидаги тарзда дастлабки ёрдам кўрсатиш лозим:

- бензин, уайт-спирти билан заҳарланганда уни тоза ҳавога олиб чиқиш, тинч қўйиш, кийимини ечиш, валериан томчиси ичириш, ҳушидан кетганда эса навшадил спирти ҳидлатиш;

- аммиак билан заҳарланганда унинг ошқозонини лимон ёки сирка кислоталарининг I фоиз эритмаси қўшилган сув билан яхшилаб ювиб тозалаш;

- дихлорат билан заҳарланганда уни тоза ҳавога олиб чиқиш, кислород бериш, аччиқ ширин чой бериш;

- азот оксиди билан заҳарланганда унга кислород бериш, навшадил спирти ҳидлатиш;

- хлор ва унинг бирикмалари билан заҳарланганда тоза ҳавога олиб чиқиш, кислород бериш, илиқ сув буғи билан навшадил спирти ҳидлатиш, кофеин, корвалол ичириш, батамом тинч қолдириш. Агар зарарли моддалар миқдори рухсат этилган чекли

меъёрлардан ошиб кетса, шамоллатиш, сўриш дастгоҳларининг ишлашини яхшилаш ҳамда ускуналарни зичлаш чоралари кўрилади;

Хона ҳавосидаги чангни камайтиришда қўйидаги тадбирлар қўлланилади: умумий шамоллатиш, зонтлар қўллаш, аспирациялаш, копсуляциялаш, гардишлардан сўриш. Пахтачилик, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналаридан ажralиб чиқаётган чангни ўша жойнинг ўзида аспирациялаш орқали сўриб олиш усули қўлланилади.

Ҳаво мұхитининг санитария аҳволини назорат қилиш учун лаборатория, шошилинч ва автоматик усуллардан фойдаланилади.

Лаборатория усули аниқ бўлиб, кўп вақтни талаб қиласди. Таҳлилнинг тез ўтказилишини газ хромотография усули таъминлайди.

Шошилинч (экспресс) усул ҳаводаги кимёвий моддалар миқдорини унча катта бўлмаган аниқлик билан тез аниқлашда қўлланилади. Бу усул билан: аммиак, водород сульфид, сульфат ангидрид, ацетилен, углерод оксид, азот оксидлар, этил эфири, бензин, бензол миқдорини аниқлаш мумкин.

Ҳавонинг чанг билан ифодаланганлик даражасини аниқлаш учун АФА фильтрлари қўлланилади.

Ҳозирги вақтда санитария техникаси ҳавони тозалайдиган турли қурилмаларга эга. Қандай қурилмалардан фойдаланилиши чангнинг таснифига, гуруҳига боғлиқ:

1-жуда йирик дисперсланган чанг; 2-йирик дисперсли чанг (пахта чанги); 3-ўртача дисперсли чанг; 4-майда дисперсли чанг (ипакчилик ва тўқимачилик соҳасидаги чанг); 5-жуда майда дисперсли чанг ( цемент ва ун чанги);

Чангнинг дисперс таркиби деганда чангдаги ҳар хил катталиқдаги чанг заррачаларининг миқдори тушунилади. Масалан, ўтказилган тажрибалар юлиш-юлиш ускуналарининг чангли чиқиндилари дағал дисперсли чанг. Пиллаларга қуруқлайин ишлов бериш хонасининг ҳавосидаги чанг таркибида заррачалари 0,05 мм дан кичик бўлган фракциялар кўп миқдорда 50-60 фоизгача бўлади. Бундай чанг муаллақ ҳолатда бўладиган ҳавони тозалаш учун юқори самарали чанг тозалагичлардан фойдаланиш зарур.

### **3.2. Ҳавони чангдан тозалаш**

Ҳавони чангдан тозалашдан мақсад хонанинг иш минтақасида, киритиладиган тоза ҳавода, атмосферага чиқариб юборалидиган ҳавода, чанг концентрацияси рухсат этилган чекли (РЭЧК) концентрациясидан ошиб кетмаслигини таъминлашдир. Хонадан олиниб, қайта фойдаланиладиган ҳаво тозалангандан сўнг чангнинг иш минтақаси РЭЧКнинг 30 физини ташкил этиши лозим.

Чанг туттичларнинг самарадорлиги қўйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади: ҳавони тозалаш даражаси, ускунанинг ишлаш самарадорлиги, солиштирма юкланиш, чанг сифими, аэродинамик қаршилиги ва солиштирма энергия сарфи. Ускунанинг ишлаш самарадорлиги ҳаводаги чангнинг қанча миқдори ушлаб қолинганилиги билан белгиланади ва фоизларда ҳисобланади. Масалан: ускунага  $m_1$  кг чанг кирди, унда  $m_2$  кг чанг ушлаб қолинди, унинг самарадорлиги:

$$\eta = \frac{m_2}{m_1} \cdot 100\%$$

Одатда бу катталик ускунага кираётган ва ундан чиқаётган ҳаводаги чанг концентрацияси билан аниқланади:

$$\eta = \frac{(C_k - C_0)}{C_k} \cdot 100\%,$$

$C_k$ ,  $C_0$  - мос равища ҳаво тозаламасдан олдин кираётган ва тозалангандан қейин чиқаётган чанг концентрацияси,  $\text{мг}/\text{м}^3$ .

Чангли ҳаво икки босқичда тозалангандада унинг самарадорлиги ушбу формуладан аниқланади:

$$\eta_{\text{ум}} = [(\eta_1 + \eta_2) - (\eta_1 \eta_2)] 100\%,$$

бу ерда:  $\eta_{\text{ум}}$  - чанг тутгичларнинг умумий самарадорлиги, %;

$\eta_1, \eta_2$  - биринчи ва иккинчи босқичдаги чанг тутгичларнинг ишлаш самарадорлиги;

Солиштирма юкланиш (ҳавони ўтказиш имконияти) чанг тутгич орқали 1 соатда ўтадиган ва унинг  $1 \text{ м}^2$  фильтрловчи сиртига тўғри келган ҳаво миқдори билан ҳисобланади.

Чанг сифими - чанг тутгичларнинг тутиб қоладиган чанг массаси,  $\text{г}/\text{м}^2$ .

Аэродинамик қаршилик - чангли ҳаво чанг тутгичлардан ўтаётганда пайдо бўлади, ва формула ва тажриба йўли билан аниқланади.

$$P = \zeta \frac{V^2 \cdot \rho}{2}, \text{ Па.}$$

бу ерда:  $\zeta$  - чанг тутгичнинг маҳаллий қаршилик коэффициенти;

$V$  - чангли ҳавонинг тезлиги,  $\text{м}/\text{с}$ ;

$\rho$  - чангли ҳавонинг зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ ;

$P$  - аэродинамик қаршилик, Па.

Солиштирма энергия сарфи -  $1000 \text{ м}^3$  чангли ҳавони тозалашда кетадиган энергиясининг сарфи, чанг тутгичларнинг тежамкорлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда санитария техникаси чангли ҳавони тозалайдиган турли-туман қурилмаларга эга.

### 3.3. Чанг тозалагичлар ва фильтрларнинг асосий турлари ва уларнинг мазмуни

Ҳавони чангдан тозалайдиган ускуналар чанг тутгичлар ва фильтрлар деб аталади.

Тўқимачилик, пахта тозалаш ва енгил саноат корхоналарида турли хил чангдан тозаловчилар; қуруқ усул, ҳўл усул, мойли ва электр усуслар қўлланилади.

Ҳавони қуруқ усулда тозалашда: чанг ўтирадиган камералар, циклонлар, турли матоли ва рулон фильтрлардан фойдаланилади.


Чанг ўтирадиган камералар. Булар энг содда тузилишдаги чанг ўтиргичлардир. Уларнинг ишлаши чанг заррачаларининг ўз оғирлиги таъсирида ўтиришга асосланган. (4-расм.)

Камерада ҳаво тозалангандан сўнг, ҳавода 30-40 % чанг миқдори қолади. Бу дастлабки ва дағал тозалаш бўлиб, тозаланган ҳаво орқали чанг, майда пахта толалари ҳам ташқарига чиқарип юборилади. Шу сабабли чанг ўтирадиган камераларда тўр ва мато фильтрлар кўринишдаги иккинчи босқич тозалагичлар ўрнатилади, улар ҳавони қўшимча равишда тозалайди.

Циклонлар - марказдан қочма кучлар таъсирида ишлайдиган чанг ажратгичларга киради. Чангли ҳаво циклон ичидаги айланма ҳаракатда бўлади. Энг самарадорли циклонлар бу конусли циклонлардир (5- Расм).

Конусли циклон қуйидагилардан тузилган: 1-цилиндрик қисми; 2-чангли ҳавонинг кириш йўли; 3-циклоннинг конусли қисми; 4-тоза ҳаво чиқиб кетадиган ички цилиндр; 5-чангнинг ўтирадиган жойи (йигиладиган).

Чанг бўлакчаси А, циклонга чангли ҳаво 3-йўл орқали кириб ҳаво оқими таъсирида  $V_u$ -циклон тезликда маълум куч орқали ҳаракатда бўлади ва унга марказдаи қочма куч - С таъсир қиласи. Бу икки кучнинг йигиндиси-Р кучи чанг бўлакчасини циклоннинг ички деворига сиқади ва у К нуқтага борганда ҳаво оқи-



4-Расмда. Чанг ўтирадиган хона кўрсатилган.

мининг тезлиги тезда камаяди ва чанг бўлакчаси спирал ҳолатда ҳаракат қилиб, чанг йигиладиган жойга боради. Ҳаво оқими пастки қисмидан ички цилиндр орқали атмосферага чиқиб кетади. (6-Расм).

Марказдан қочма куч.

$$C = \frac{mv^2}{r},$$

бунда:  $m$  - чанг бўлакчасининг массаси;

$v$  - ҳавонинг тезлиги;

$r$  - циклоннинг радиуси;

Циклоннинг асосий ўлчамлари 7-Расмдан топилади.

Циклоннинг ташқи диаметри ( $D_T$ ) қуидагича ҳисоблаш мумкин:

$$D_T = 13,8\sqrt{Q}$$


$Q$ -циклонинг иш унумдорлиги циклоннинг  $\text{m}^3 / \text{соат}$ ;

Топилган циклоннинг ташқи диаметрини ўлчамларига қараб, қолган ўлчамларини топса бўлади:


Циклон УЦ - 1,5 - самарадорлиги 96 фоиз, аэродинамик қаршилиги  $110 \text{ кг}/\text{м}^2 / 1100 \text{ Па}/$ , иш унумдорлиги  $Q = 1,5 \text{ м}^3/\text{сек}$ .

Циклон УВЦ - 3 - самарадорлиги  $\eta = 88$  фоиз, аэродинамик қаршилиги  $67 \text{ кг}/\text{м}^2 / 670 \text{ Па}/$ ,  $Q = 3 \text{ м}^3/\text{сек}$ . Циклонларнинг иш самарадорлиги йўл қўйса бўладиган чангнинг концентрациясига (нормага) тўғри келмайди, шунинг учун циклонлар, 1 босқичли чанг ушлагичларга ишлатилади. Иш самарадорлигини ошириш учун икки босқичли чанг ушлагичлар қўлланилади.

Ротацион чанг ушлагичлар - ҳам, марказдан қочма кучлар таъсирида чанг ажратгичларга киради. Ҳаво ҳаракати билан бир вақтда 5 мкм дан катта бўлган чанг зарарчаларидан, чангли ҳаво тозаланади. Ротацион чанг тозалагичлар жуда ҳам ихчам, чунки вентилятор ва чанг ушлагич битта агрегат ичida жойлашган.



5-Расм. Конуссимон циклон.



6-Расм. Конуссимон циклоннинг қирқими.

Шунинг учун монтаж қилинаётган ва ишлаётган пайтда қўшимча майдон керак эмас. Йшлаган пайтда иш фильтраги, чанг заррачаларини марказдан қочма кучлар ёрдамида спиралсимон кожух деворига ташлайди ва ҳаво чиқиб кетадиган томонга ҳаракат қиласи. Чанг газ билан бирга, чанг қабул қиласидаган камера орқали, чанг йигиладиган бункерга, тозаланган ҳаво эса ҳаво чиқувчи кувурга узатилади. Бу иш унумдорлигини ошириш учун иш колесони тезлигини ошириш керак, яхши натижга 20-40 мкм дан катта чанглар учун.


**Тўрли фильтр.** Тўрли барабан ( $1 \text{ см}^2$  да 100-120 ячейкаси бор), чангли ҳаво кирадиган қувур, чанг қатламлари - калта толалар ҳавони шу қатлам тозалайди, зичлантирувчи валик, чанг бункеридан иборат.

Тўрли фильтр учун ФИК – 75-90%, иш унумдорлиги – 7500  $\text{м}^3/\text{соат}$ , босими – 1500 Па. Барабан 60-300 минутда бир марта айланади. Тўрли фильтрлар одатда бир пононали фильтрлар дейилади.

#### Енгсимон (тўқимали) фильтрлар.

Бундай фильтрларда фильтрловчи мато сифатида 378 артикуль диагонал мато, 461 - артикуль бўялмаган вегонъ мовути ва 323-артикуль хом фланель ишлатилади. Енгсимон фильтрларнинг ички юзасига ўтирган калта тола ва чанг қатламининг ортиши билан фильтрнинг қаршилиги орта боради ва ҳаво оқимининг ҳаракат мароми сезиларли равишда ўзгаради. Матоли фильтрларнинг икки тури: рамли ва енгсимон хиллари бўлади.

**Рамли фильтрлар** 1000x1450 мм ўлчамили металл рамаларга маҳкамланган мато бўлакларидан иборат. Улар одатда бўйига икки қават қилиб, ҳаво оқимига нисбатан илонсимон (зигзаг) тарзда жойлаштирилади. Бундай фильтрлар кондиционерларда ҳавони мўътадиллаш қурилмаларида қўлланилади. **Енгли фильтрлар** бир



$D_B = 0,55 D_T$ ;  $b = 0,225 D_T$ ;  $c = 0,45 D_T$ ;  
 $h = 0,6 D_T$ ;  $h_k = 2,5 D_T$ ;  $a = 130 \text{ мм}$ ;  $e = 0,1 D_T$ .

7-Расм. Циклоннинг асосий ўлчамлари


учи берк, баландлиги 2-3 м бўлган цилиндсизмон ёки конуссимон мато енглар гуруҳидан ташкил топади. Чангли ҳаво фильтрларга киритилади ва бу ерда енгларга тақсимланади. Бу ерда у мато орқали тозаланиб ўтади, чанг эса енгларнинг ички сиртида ушланиб қолади (8-Расм).

Енгисимон фильтрлар ҳар 3-4 соатда пневматик равишда тозалаб турилади ва енглардан чанг тушириш учун маҳсус титратувчи механизм орқали бажарилади ва йигилган чанг бункерга тушади. Бир метр матога тўғри келадиган ҳаво ҳажми 150-200 м<sup>3</sup>/соатни, унинг қаршилиги эса 400 Па ни ташкил қиласди. Чанг ҳавонинг концентрацияси 20-50 г/м<sup>3</sup>. Енгли фильтрларнинг самара-дорлиги 97-99 фоиздир. Уларнинг чанг сифими 1200 - 1300 г/м<sup>2</sup>.

Рулонли фильтрлар - фильтровчи қалин нотўқима матодан (10-20 фоиз пахта, 80-90 фоиз сунъий толалардан) иборат. Фалтаклар ҳаракатлаганда чангли ҳаво мато орқали ўтганда, қўшимча фильтровчи қатлам момиқ қатламини ҳосил қиласди. Момиқ қатлами қалинлашиб ва мато чанг билан тўлиб борган сари унинг қаршилиги ортиб, ҳаво ўтказиш имконияти эса камайиб боради. Фильтровчи мато қайта ўралаёттанида сўриш қувурларига ўрнатилган пневматик сопплолар бир қисм мато юзилаги чангни сўриб олади. Рулонли фильтрлар ҳавони тозалаш самара-дорлиги 90-95 фоизни ташкил этади, қаршилиги эса 100-200 Па га тенг. Иккинчи босқич сифатида матоли фильтрлардан фойдаланиш мумкин.

Мойли фильтрлар икки хил бўлади. Касетали ва ўз-ўзини тозалайдиган мойли фильтрлар саноатда ишлаб чиқарилади ва ҳавони атмосфера чангидан тозалаш учун мўттадиллаш системаларида қўлланилади.

Улар пилла тортиш цехларининг ҳавосини тозалайдиган кондиционерларга ўрнатилади. Мойли фильтр металл корпусдан мойли бак ҳамда иккита чексиз сим тўрлардан тузилган. Ҳар бир



8-Расм. Енгли фильтр.

1-Енгли фильтр асоси; 2-Енгли фильтрнинг конус қисми;  
3-Матоли енглар; 4-Тозаланган ҳаво; 5-Марказдан қочма  
вентилятор; 6-Экцентрик; 7-Ричаг; 8-Титратувчи механизм;  
9-Шнек; 10-Йигилган чанг бункери

тўр иккита валик оралиғига тортилган. Етакчи валик устки подшипникларда ўрнатилган ва икки поғонали червякли редуктор ҳамда тишли узатма орқали электр двигателидан айланма ҳаракат олади, пастки тарангловчи валик, таранглаш винтлари ёрдамида силжитиладиган подшипникларда ўрнатилган. Тўр ҳаракатланиб, мойли ванна орқали ўтганда ўтирган чанг ювилиб ваннага тушади. Мойли фильтларнинг самарадорлиги 85 фоизни, иш унумдорлиги  $1000\text{m}^3/\text{соатни}$ , ҳавога нисбатан қаршилиги 100 Па ни ташкил этади.

Қуюнли чанг ушлагичлар /вихревые/-ВЗП-ВПУ. Бу чанг ушлагичлар иш принципи ҳам марказдан қочма кучларга асосланган. Уларнинг самарадорлиги нисбатан юқори 95% ва  $P=1000$  Па. Чет мамлакатларда /АҚШ, ГФР/ қуюнли чанг ушлагичларни диаметри 0,4 дан 2 метргача, иш унумдорлиги 20 дан  $315000 \text{ m}^3$  соаттacha.

Чангли ҳаво қуйидагича тозаланади. Чангли ҳаво (газ) камерага, эгилган қувур орқали киради. Чангли ҳаво ҳаракатида юқорига қараб, ҳаво чиқадиган қувургга, у қуюн 1 дан чангли ҳаво, қуюн II га дуч келади ва биргаликда биринчи ва иккинчи қувурдан кирган чангли ҳаво қаттиқ ҳаракатга киради. Натижада марказдан қочма кучлар ҳисобига, чанг заррачалари камерани ички деворига урилиб, камерани пастки қисмiga йигилади- шnekга тўпланади.

Электр фильтрлар - кимё, металлургия корхоналарида қўлланилмоқда. Уларнинг чангли ҳавони тозалаш самарадорлиги юқорилиги-99 фоиз бўлганлиги учун тўқимачилик ва енгил саноатда қўлласа ҳам бўлади. Электр фильтрларнинг ишлаш принципи қуйидагича: Агар иккита-бирининг уни ўткир ёки игна кўринишида, иккинчиси пластинка ёки қувур кўринишидаги элект-

родлар олиниб, уларга катта кучланиш берилса, бу электрородлар орасида электр майдони ҳосил бўлади, чунки ҳамма вақт ҳавода ионлар ва эркин электронлар мавжуд. Электр майдон таъсирида унинг куч чизиқлари бўйлаб ҳаракатга келади ва электронлар орасида электр токи оқа бошлайди.

Электрородларда маълум миқдорда бериладиган кучланиш оширилганда ионлар - электронлар шунчалик тез ҳаракат қиласидарки, ҳаводаги молекулалар билан тўқнашиб ва ташқи электронларни майдондан чиқариб юбориб, уларни ионлайди. Ҳосил бўлган ионлар электр майдони таъсирида яна ҳам катта тезланиш олиб, газларнинг молекуларига тўқнашади ва уларни ҳам ионлайди. Бу жараён зарбали ионлаш деб аталади. Зарбали ионлаш токли разряд ҳодисасини келтириб чиқаради. Тожлантирувчи электрод манбанинг манфий қутбига айланади, электрородлар орасидаги бўшлиқ эса манфий ионлар, электронлар билан қопланади. Электр майдоннинг таъсири остида мусбат зарядланган электрородга йўналиб, улар ўз йўлида учраган чанг заррачаларини ҳам манфий зарядлар билан зарядлайди, натижада улар ҳам мусбат зарядланганга электрородга айланади ва унда ўтиради. Шунинг учун ҳам бундай электрод чанг ўтказувчи электрод, деб аталади. Чанг ўтказувчи электрод вакти-вакти билан зарядсизлантирилиб, чангдан тозалаб турилади.

### **Чанг камераси (ЧК)-ҚҚО ҳаво тозалаш тизими.**

Қарама-қарши оқим (ҚҚО-1200) чанг тозалагичларидан фойдаланиладиган чангланган ҳавони тозалашнинг мавжуд тизимлари бир ёки икки босқичли бўлиб камчиликлардан ҳоли эмас. Бу камчиликлар қаторига куйидагилар киради: уриш шайбаси ва корпус ўртасига толали пиликларнинг тиқилиши, вакуум-клапанларнинг вал ўқларига пиликларнинг ўралиб қолиши, чанг

таркибидаги минераллар таъсирида чанг туткичларнинг ички юзаларининг тозашидан чиқиши, бутнинг сқибатида ишончлилиги ва иш унумининг пастлиги.

ВЦНИИОТ мутахассислари томонидан ЧК-ҚҚО ҳаво тозалаш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бу тизим пахта тозалаш корхоналари ва тўқимачилик саноатида ҳосил бўладиган таркибида минерал миқдори юқори бўлган толали чангдан технологик ва аспирацион ҳавони тозалаш учун мўлжалланган. Унинг афзаллиги тозалаш самарасининг юқорилиги (96-98%) ва ишда ишончлилигининг юқорилигидир, бунга чанг камерасини такомиллаштириш ва чанг камерасида биринчи тозалаш босқичида қаршиликни пасайтириш натижасида тозалаш босқичлари сонини кўпайтириш; пахтани ҳаво ёрдамида ташиш маълум тизимларга нисбатан тахминан 45-50 кВт энергияни тежашга эришилди. Чанг тозалагичларнинг иккинчи тозалаш босқичида У1ВЦ вентиляторларини ўрнатилганда ҚТЦ ҳавосининг энергия сифими тахминан 27% ошади, агар цех ичда пахта ҳаво ёрдамида ташилса (бунда ҳаво чанг камерасидан - ҚҚО чанг туткичига узатилади), бу вентиляторлар истеъмол қиласидаган қувват 30% га камаяди.

ЧК-ҚҚО (9-расм) тизими қуйидагича ишлайди. Тозалаш асбоб-ускуналаридан технологик вентиляторлар 1 ёрдамида чиқаётган чангланган ҳаво ва чиқиндилар ҳаво трубалари 2 орқали чанг камераси 3 чанг тозалагичнинг ён томонлари 4 га узатилади. Унда гравитация кучи ҳисобига йирик чанг чўқади, бунда ҳаво бирбирига қарши йўналиш бўйича камеранинг ўрта қисмига қараб ҳаракатланади. Сўнгра таркибида майда чанг бўлган чангли ҳаво камеранинг шипининг остида полдан 4м масофада жойлашган тиркишлар орқали ҳаво трубалари орқали вентиляторлар 5 ёрдамида сўриб олинади ва иккинчи тозалаш босқичи ҚҚО-1200 чанг туткичларга узатилади.

## ЧК-ҚҚО ҳаво тозалаш тизимининг техник таърифи.

Иш унуми, м <sup>3</sup> /с	24
Тозалаш самараси, %	96-98
Ҳаво билан ташишдаги қаршилиги, Па	900-1200
Энергия сигими, кВт	14


Чангланган ҳавони тозалаш самарасининг мазкур тизими юқори самарали ва ишончли. У пахта чангчи чиқиндиларини ҳисобланган нормаларгача етказиш имконини беради, чанг ва зарарли моддаларни тозалаш самараси – 98% бўлишига эришилди. Шундай қилиб, пахта тозалаш корхоналаридағи ҳаво муҳити ҳолатини яхшилашга имкон туғилди.

### **Қарама-қарши оқим – фильтр чанг тозалагичи.**

ҚҚО – фильтр қурилма пахта тозалаш саноатининг асосий технологик жараёнлари, пахтани қайта ишлаши, тозалаш ва толали материалларни ҳаво қувирлари орқали ташиш, қуритиш дастгоҳларида ҳосил бўладиган чангли ҳавони тозалашда ишлатилади.

Булардан ташқари пахта тозалаш корхоналарида технологик жараёнлар учун зарур бўлган аспирация қурилмаларидан сўрилган чангли ҳавони атмосферага чиқариб ташлашдан олдин тозалаш зарур бўлади. Ҳозирги кунда корхоналарда ишлатётган чангларни тозаловчи қурилмалар циклонлар, чанг ертўласи, ҚҚО -800 чанг тозалагичи ҳамда икки босқичли чанг тозалаш системалари йўл қўйса бўладиган концентрациялари (ЙҚБК) талабларига жавоб бермайди.

Шунинг учун чанг тозалагичларни самарадорлиги юқори ишлаб чиқиши, яъни биринчи босқичда чанг таркибидағи йирик заррачалардан тозалаб, сўнг майда заррачаларини – иккинчи босқичда фильтрдан фойдаланиб тозаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фильтр чанг таркибидағи толали чангларни ҳам тўлалигича



9-Расм. Икки поғонали чанг камераси - ККО-1200.

ушлаб қолиш хусусиятига эгадир, бу эса чанг тозалаш системасини янада самарадорлигини оширади, чунки фильтр юзасидаги толали чанглар майдада минерал чангларни ушлашга ёрдам беради.

Чанг тозалаш системасини яратишдан асосий мақсад пахта тозалаш корхоналарининг атроф-муҳитини ифлосликлардан ҳимоя қилишdir. Шунинг учун чанг ушлагични янги системаси пахта тозалаш корхоналаридағи барча технологик дастгоҳлардан, аспирация ва шамоллатиш системаларидан ҳосил бўлган чангни тозалашда ишлатиш кўзда тутилган.

Чанг тозалагич ускунаси биринчи маротаба ишлаб чиқилган.  
(10-расм).

### **Техник талаблар.**

Чанг тозалгич ускунаси қўйидаги асосий қисмлардан тузилган: марказдан қочма чанг тутгич, фильтр, чиқиндиларни тўплаш учун мослама ва ишлаш учун майдон.

Марказдан қочма тозалагич -1 дона

Фильтр -1 дона

Чиқиндиларни тўпловчи мослама -1 дона

Ишлаш учун майдон -1

Ҳаво тозалагичнинг ўлчамлари:

Баландлиги -8500 мм

Эни -2300 мм

Узуналиги -5500 мм

Фильтрнинг диаметри -1000-1500 мм


Унумдорлиги -3-6 м<sup>3</sup>/с

Каршилиги -1000+1400 Па

Ҳаво йўқланганлиги -1000 м<sup>3</sup>/соат\*м<sup>2</sup>

Самарадорлиги -99+99,5%

Фильтровчи мато -капрон сито-арт.25



10-Расм. Қарама-қарши оқим  
(КҚО) – фильтр чанг тозалагичи

Чанг тозалагич фильтрни технологик жараёнини тўхтатмасдан зарур бўлганда 20 дақиқа давомида йиғиши томонидан алмаштириш мумкин бўлади.

Фильтрнинг юзасидаги босим 1800 Па ошиб кетса, фильтр йиртилиб кетиши мумкин, шунинг учун фильтрнинг фильтрловчи юзасидан ҳосил бўладиган статик босимни ўлчаб туриш лозим. Асосий йиғиши бирлиги қуйидагиларни ташкил қиласи:

Марказдан қочма чанг туттич (циклон), тўқимали ҳаво қувири, ўтказгич.

Иш жойида, йўлаклар ҳавфсизлик қоидалари ва талабларига мос ҳолда бажарилиши керак.

Чанг тозалашни 1 сменада бир маротаба назорат қилиб туриш кесрак.

Бекобод пахтатозалаш корхонасида иш унумдорлиги  $4 \text{ м}^3/\text{с}$  га тенг бўлган чанг тозалагични битта чангли ҳаво чиқарувчи дастгоҳ учун тайёрланган. Чанг тозалаш бош бинодан тозалаш цехига келаётган толали чиқиндиларни ташувчи ҳаво қувурлари системасига ўрнатилган.

7 жадвалларда 3 – сорт пахта хом-ашёларига ишлов бериш жараёнида олинган ўлчов натижалари кўрсатилган. Чанг ушлагич мустахкам ишлашини бир сезонда кўрсатди. Самарадорлик доимо 99% ни ташкил қиласи, фильтрловчи юзадаги босим энг кўпин билан 500 Па дан ошмади, умуман қурилма қаршилиги 1400 Па.

ҚҚО-800 ва қўл фильтрларида тўпланган чиқиндилар маҳсус шнекли транспортёрлар орқали ташқарига чиқарилиб юборилади. Фильтрни тозалаш (регенерация) ҳаво транспортёр вентиляторни тўхтаттан ҳолда 1 сменада 2 маротаба бажарилади. Фильтр тозалаш (регенерация) ҳаво транспорти вентиляторни тўхтатган ҳолда 1 сменада 2 маротаба бажарилади. Фильтр тозалангандан 10-12 дақиқа давомида ўзининг юқори самарадорлигига эришади.

Зарурият түғилган ҳолда (агар фильтр ёниб кетса, шамолда йиртилиб кетса) 20 дақиқа давомида технологик жараённинг тұхтатмасдан фильтрни алмаштириш мүмкін.

Кузатишилар шуни күрасатдикі, марказдан қочма чанг тозалагичлардан туғаёттан чақнаган учкун ўчиб юрукчи чанглар биринчи босқыч тозалаганга (ҚҚО-800) қараганда фильтрга бир ма ротаба күп тушмайды агар 10 марта системадан ёнғин чиқса ҳам.

Ҳамма чанг тозалагич қурилмаларни йиғиши ва фильтр алмаштириш пахта тозалаш корхонасининг ишчилари орқали бажарилади.

Энг мұхим жойи шуки, чанг тозалаш қурилмаларини тайёрлаш, йиғиши, қайта таъмирлаш учун юқори самарали ишчи, хизматчилар талаб қилинмайды. Циклон – фильтр чангли ҳаво тозалагич қурилмасини текшириш натижалари 7-жадвалда келтирілген.

### Циклон-фильтр чанг тозалагичнинг күрсаткичлари

#### 7-Жадвал

№	Күрсаткичларни номи	Күрсаткичлар миқдори
1.	Қаршилик, Па	500
2.	Ҳаво сарифи, $\text{m}^3/\text{с}$	4,0
3.	Самарадорлик, %	99,5
4.	a) Циклонгача бұлған ҳаводаги чанг миқдори, $\text{мг}/\text{м}^3$ .	3241,0
	б) Циклондан сүңг ҳаводаги чанг миқдори, $\text{мг}/\text{м}^3$ .	226,3
	в) Фильтрдан сүңг ҳаводаги чанг миқдори, $\text{мг}/\text{м}^3$ .	14,8
5.	Фильтрловчи юзанинг майдони, $\text{м}^2$ .	16,0
6.	Фильтрланған матоси	Капрон-сито арт.25
7.	Фильтрни алмаштириш вақти, мин	20,0
8.	Үлчамлари, мм	5500x2300x8500

$$\eta_{\text{взл}} = \frac{3241 - 226,3}{3241} \cdot 100 = 93,0\%$$

$$\eta = \frac{3241 - 14,8}{3241} \cdot 100 = 99,5\%$$

Юқоридаги икки поғонали чанг тозаланган системаси юқори унумдорликка мұлжалланған бўлиб, бошлангич ҳаво таркибида чанг миқдори жуда кўп бўлишилиги инобатга олинган.

Ҳавони чангдан тозалашни хар хил усуllibарини кўриб чиқиб улардан пахта тозалаш корхоналарида фойдаланишини тавсия этилган.

Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, бир поғонали чанг тозалагич системаси атмосферага чиқариб юборилаётган ҳавони (ЙҚБК) талабларига жавоб берадиган ҳолда тозала олмайди. Айниқса бу ҳол пахта қуритиш - тозалаш цехларидага яққол намоён бўлади, чунки технология жараёнлардан чиқаётган ҳаво таркибидаги чанг миқдори  $5000\text{-}8000 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил қиласди.

Пахта тозалаш корхоналарининг ҳовлисидағи ва атрофидаги жойларни ўта чанг билан қопланғанлиги нафақат чанг тозалагичларни иш самарадорлигини етарли эмаслиги балки уларнинг пухталигини пастлигидадир. Паҳтани қуритиш-тозалаш цехларига, чанг заррачаларини ўтириб қолиш тушунчаларини инобатга олган ҳолда ҳар хил чанг ушлагичлардан фойдаланилган, О. Кудратов янги усул ҳисобланган икки поғонали, чанг ертўласи +ҚҚО-1200 ҳаво тозалаш системасини таклиф қилмоқдамиз. Ишлаб чиқарилган бу система юқори пухталиги ва самарадорлигини юқорилиги 98% пахта тозалаш корхоналарининг атрофини, майдонларини ҳамда ҳавосини тозалигини яхшилашга катта ёрдам беради, шу билан биргаликда ташқаридан паҳтани ҳаво қувирлари орқали ташиш системасини ишлашини кенгайтиради, тозалагичларни аспирация системасини самарадорлигини яхшилайди, ҳамда чанг

тозалагични ишлаш муддатини узайтиради. Пахта тозалаш цехларида ташлағувчи толали чиқиндилярни 100% ушлаб қолиш учун янги ҳаво тозалаш усулини, КҚО-800+ фильтр марказдан қочма чанг ушлагичдан чиқаёттандын конденсордаги толани ва линтни циклон+ фильтр схемасидан фойдаланилади. Фильтрни ўрнатиш учун қўшимча вентилятор талаб қилинмайди, чунки жуда қаршилиги кичкина (200-300 Па) самара дорлиги юқори 99%, тузилиши содда, назорат қилиш осон, энг асосийси шуки чанг чиқарувчи корхоналардан номақбул бўлган толали чанг заррачаларидан ҳолис қилган ҳолда атроф-муҳит ҳимоясини бутунлайин ҳал қиласи.

### **3.4. Заҳарли химикатлар ва пестицидлар**

Заҳарли химикатлар (ядохимикатлар) пахтани, шолини, маккажӯхори, буғдой ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларининг зараркунанда ҳашаротларига қарши курашишда ва уруғлик чигитни ҳимоялашда қўлланилади. Маълумки ҳашаротлар, ўргимчаклар, кемириувчилар, замбуруғ, вирусли ва бактериал, вилт касалликлар етказган зарар жуда катта, ялпи ҳосилнинг 10-20 фоизини йўқ қиласи. Дунёда ҳозирги пайтда қишлоқ ҳўжалигига зараркунандаларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар 100 мингдан ортиқ, шулардан 50 фоизи ядохимикатлар -пестицидларга тўғри келади. Ҳозирги пайтда дунёда йилига 4 млн т пестицид ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон Республикасида йилига 135-140 минг т заҳарли химикатлар ишлатилади.

Бутун дунё бўйича ҳар гектар қишлоқ ҳўжалик майдонига 1 кг пестицид тўғри келса, Европада 3 кг, Японияда 11 кг, Россияда 23 кг, Ўзбекистонда 35 кг ни ташкил этади. Республикасида ҳозирги пайтда дунёда йилига 4 млн т пестицид ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон Республикасида йилига 135-140 минг т заҳарли химикатлар ишлатилади.

ликамиз халқ хўжалигида заарли ҳашаротларга қарши кимёвий моддалар, Каналарга қарши - акарицидлар, замбуругларга қарши - фунтицидлар, ёввойи ўтларга қарши - гербицидлар, бактерияларга қарши - зооцидлар каби заҳарли кимёвий препаратлар ишлатилмоқда.

Кишлоқ хўжалигида ишлатиладиган заҳарли химикатлар тез парчаланмайди, ўз хусусиятини узоқ вақт сақлаб, биосферада моддалар алмашинувида қатнашади. Пестицидлар маълум миқдор тупроқда, сувда, ҳавода улар орқали ўсимлик, ҳайвон ва инсон организмида тўпланди.

Океан сувларидаги пестицидлар, хусусан ДДТ озуқа занжири туфайли планктонга, ундан балиқларга, сўнгра балиқлар билан овқатланувчи қушларга ўтиб, улар организмида кўп тўплана боради. Натижада, пестицидларнинг тарқаладиган майдони тобора кенгаяверади. Шунинг учун ДДТнинг маълум миқдоридаги концентрацияси Антарктидада яшовчи пингвинлар организмида борлиги аниқланди.

Заҳарли химикатлар тупроқ, сув, ҳаво орқали ўсимликларга, улар орқали ҳайвонларга, ундан гўшт, сут маҳсулотлари орқали одамларга ўтиб инсон организмида тўпланиб, ҳар хил касалликларга сабабчи бўлмоқда, наслдан-наслга ўтиб, наслга салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, Россияда гексохлорандан асалариларнинг 51 фоизи, ДДТдан 19 фоизи, фосфорорганик моддалардан 15 фоизи, гербицидлардан 6,7 фоизи заҳарланган. Ўзбекистон, Туркманистон, Молдова республикаларида пестицидлар миқдори нормадан бир неча марта кўп бўлиб, ҳайвонлар ва балиқларнинг камайиб кетишига сабабчи бўлмоқда.

Пестицидларни, масалан, хлорорганик ва фосфорорганик моддаларни тупроқ ҳам тўла ўзлаштира олмайди, натижада улар тупроқка тўпланиб, унинг табиий ва кимёвий таркибини бузади,

тупроқдаги фойдали микроорганизмларни ўлдириб, тупроқ унумдорлигини 20 фоизгача пасайтиради.

Россияда кейинги 20-25 йиллар ичидә заңарли химикатларни ишлатиш етти марта ошгани ҳолда, ғалла ҳосилдорлиги гектарига фақат 16 ц. га тушиб қолган. Бунга сабабчи бегона ўтлар, заңарли бактериялар, замбуруғлар, кемирувчиларнинг адаптациялашиб, чидамли бўлиб қолишидир.

Ўзбекистонда 1987 йилдан бошлаб биологик методни қўллаб, ҳар гектар пахта майдонига 200 минг донагача трихограмма ҳашаротини тарқатиб, кўсак қурти тухумининг 80-85 фоизи йўқ қилинмоқда. Пахта зааркунандаларига қарши биологик курашда габрабакон ва трихограмма каби 100дан ортиқ фойдали ҳашаротлар бор. Ўзбекистонда 1 млн. га пахтазор габрабакон ҳашароти ёрдамида, 2,5 млн. га трихограмма ҳашароти ёрдамида ҳар хил касалликлар тарқатувчи заарли ҳашаротлардан тозаланмоқда.

### **Ўзлаштириш саволлари:**

1. Чанг деб нимага айтилади.
2. Чанг заррачаларининг айланиб юриш тезлиги формуласини ёзинг (Стокс формуласи).
3. Заарли моддалар инсон организми учун заарлик даражасига кўра хавфлилик неча тоифага ажратилади.
4. Заңарли моддалар билан заңарланганда қандай дастлабки ёрдам кўрсатиш лозим.
5. Ҳаво муҳитининг санитария аҳволини назорат қилиш, ўлчаш усууларини айтинг.
6. Чангни дисперс таркиби деб нимага айтилади.
7. Ҳавони чангдан тозалашдан мақсад нима.

8. Чанг туткичларнинг самарадорлиги қайси кўрсаткичлар билан белгиланади.
9. Солиширма юкланиш, чанг сифими ва аэродинамик қаршилик нима.
10. Чанг тозалагичлар ва фильтрларнинг асосий турларини айтинг.
11. Чанг ўтирадиган камераларнинг ишлаш принципи нимага асосланган.
12. Циклонларда чангли ҳаво нимани таъсирида тозаланади.
13. Марказдан қочма кучни тенгламасини ёзинг.
14. Циклоннинг ташқи диаметрини қайси тенглама орқали топилади.
15. Енгли фильтрлар чангли ҳавони нима ҳисобида тозалайди.
16. Икки босқичли чанг тозалагичларини ишлаш принципи ёзиб беринг.
17. Икки босқичли чанг тозалагичларни самарадорлиги қанча?

## 4-БОБ

### СУВ РЕСУРСЛАРИ

#### **4.1. Сув ресурслари ва унинг жамиятдаги аҳамияти**

Сайёрамиздаги океан, денгиз, кўл, дарё, музлик, ботқоқлик ва 5 км чуқурликдаги бўлган ер ости сувлари гидросфера қобиқини ташкил этади. Океан ва денгиз сувлари ер юзасидаги сув миқдорининг 94 фоизни, ер ости сувлари 4 фоизни, музликлардаги сувлар 1,65 фоизни, кўл сувлари 0,026 фоизни ва чучук дарё сувлари 0,0001 фоизнигина ташкил этади.

Инсоният учун зарур бўлган чучук сувнинг миқдори 84 миллион 827 минг  $\text{km}^3$  ни ташкил қилади, бу бутун гидросферадаги умумий сув миқдорининг 6 фоизига teng. Шу чучук сувнинг 60 млн.  $\text{km}^3$  кўлларга, 75 минг  $\text{km}^3$  тупроқдаги сувларга, фақат 1,2 минг  $\text{km}^3$  чучук дарё сувларига тўғри келади. Дунёдаги барча дарёлар бир йилда океанларга 45 минг  $\text{km}^3$  сув олиб келади. Күёш нурининг таъсирида ер юзасидан ҳар йили 520 минг  $\text{km}^3$  сув буфлари атмосферага кўтарилади ва тўйиниб, мўътадиллашиб 520 минг  $\text{km}^3$  сув ёмғир тариқасида яна ер юзасига қайтиб тушади.


Ер куррасидаги сувнинг бетўхтов айланиш натижасида дунё океанларининг суви 3000 йилда, ер ости суви 5000 йилда, музликлар 8000 йилда, кўллар 7 йилда, дарё сувлари 31 суткада, тупроқдаги намлиқ эса бир йилда бир марта алмашиниб, янгиланиб туради. Сув - ер куррасида организмнинг яшаши учун зарур бўлган энг муҳим минерал ҳисобланиб, организмдаги бутун жараёнлар сув муҳитида содир бўлади. Бу сувнинг жуда муҳим бебаҳо табиий ресурс эканлигидан далолат беради. Сув ер юзидағи модда ва энергия айланишида қатнашади. Фотосинтез жараёнида йи-

лига  $4,6 \times 10^{11}$  т. кислород ажратиб чиқаришида  $2,25 \times 10^{11}$  т сувдан фойдаланилади.

Сув айниқса организмларнинг яшаши учун жуда муҳим аҳамиятта эга. Ер юзасидаги тирик организм сувсиз яшаши мумкин эмас. Ҳар қандай ҳайвон, ўсимлик ва кишиларнинг ҳужайра ва тўқималарида маълум миқдорда сув бор. Ўсимлик ва ҳайвонлар организмидаги сувнинг миқдорда 50дан 98 фоизгача бўлади. Гўшт таркибида сув 50 фоиз бўлса, сутда 87-89 фоиз, сабзавотда эса 80 - 95 фоизга етади. Бодрингда 95 фоиз, помидор ва сабзида 90 фоиз сув бор. Сув айниқса киши организмни учун зарур. Инсон вазнининг 70 фоизи сувдан иборат. Уч кунлик бола баданининг 97 фоизини сув ташкил этади. Агар инсон баданидаги сувнинг 12 фоизи йўқолса, у ҳалок бўлади. Сув инсон баданида маълум миқдорда доимо бўлиши зарур. Инсон овқатсиз бир ойгача яшаши мумкин, лекин сувсиз бир неча кун яшайди, холос. Бундан ташқари сув организм учун терморегулятор вазифасини ҳам бажаради. Паст ҳароратда бир киши ўртacha шахсий гигиенаси учун суткала 150-200 литр сув ишлатилади.

Саноатда сувнинг ишлаб чиқаришдаги роли жуда катта. Масалан: 1 т ип-газлама ишлаб чиқариш учун  $250 \text{ m}^3$ , 1 т никель эритиш учун  $4000 \text{ m}^3$ , 1 т синтетик тола ишлаб чиқариш учун  $250-500 \text{ m}^3$  сув сарфланади. Сув қишлоқ хўжалиги учун жуда зарур: 1 т буғдой етириштириш учун 1500 л, 1 т жўхори етириштириш учун 3 млн. л, 1 т шоли етириштириш учун 20 млн. л, 1 гектар пахта учун 12-20 минг  $\text{m}^3$  сув сарфланади.

11-расмда бир тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган сув миқдори келтирилган.



11- Расм. Бир тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган сув миқдори, куб.м

Ер курраси бўйича ҳар бир кишига йилига ўртача 11 минг  $m^3$  дарё суви тўғри келади. Лекин мамлакатлар бўйича сув ресурслари нотекис жойлашган. Ҳиндистонда жон бошига йилига 3,4 - 3,1 минг  $m^3$  ни ва Норвегияда - 108,8 минг  $m^3$  ни ташкил этади.

К.С. Лосев маълумотларига кўра, Ер курраси бўйича саноатда, иссиқлик электро станцияларида йилига 670  $km^3$  сув ишлатилиди, бунинг 320  $km^3$  иссиқлик электр станцияларига тўғри келади. Ҳозирги шайтда кўпгина саноат корхоналарида сувдан айланма фойдаланишга ўтилди, шунинг учун дарё, кўл, ер ости сувларини ишлатиш 50 фоизга қисқарди.

Тошкент шаҳрида жон бошига суткада майший хўжаликлар учун 300 литргача сув сарфланади, бунинг натижасида бир йилда  $0,2 \text{ км}^3$  дан кўп сув керак бўлади. Чирчиқ дарёси йиллик сув миқдорининг 3 фоизини ташкил этади. Чирчиқ-Бўзсувнинг тоза суви аҳоли зич яшайдиган пунктлар, саноат корхоналари, туманлардан ўтади. Ҳар куни унга  $2,1 \text{ млн. м}^3$  оқова сув ташланиб уни ифлосламоқда. Бўзсувни 250 дан ортиқ корхоналар, Чирчиқ дарёсини эса «Электрохимпром» каби корхоналар ифлос қилмоқда.

Дунёда ҳозирги пайтда 200 млн. гектар ерни сугориш учун йилига  $2800 \text{ км}^3$  сув дарёлардан ва ер остидан олинади. Бу дунёдаги дарёлар сувининг 7 фоизига тенг. Олинган  $2800 \text{ км}^3$  сувнинг 17 фоизи ёки  $470 \text{ км}^3$  қайтарма суви кўринишда дарёларга ва ер ости сувига қўшилади, қолган 83 фоизи ёки  $2330 \text{ км}^3$  эса бутунлай сарфланиб кетади. Республикамизда халқ хўжалигинииг турли соҳалари учун йилига  $71,69 \text{ км}^3$  сув сарфланади. Бу сувнинг  $60,39 \text{ км}^3$  сугоришга, қолган қисми  $11,30 \text{ км}^3$  саноат, майший-коммунал соҳаларга ишлатилиди.

Сугоришга олинган сувнинг  $10,07 \text{ км}^3$  қайтарма сувга айланади, қолган қисми бутунлай сарфланиб кетади. Саноатдаги ва майший-коммунал хўжалиги ва бошқа соҳалардаги  $11,30 \text{ км}^3$  сувнинг бир қисми тозаланиб, яна бир қисми бутунлай тозаланмасдан сув ҳавзаларига чиқариб ташланиб уларни ифлосламоқда.

Россия Федерациясида дарё ва кичик дарёларда йиллик ўртacha сув оқими  $4714 \text{ км}^3$  ни ташкил этади. 1 млн. аҳолига  $5,7 \text{ км}^3$  дарё суви тўғри келади. Бироқ ана шу сув ҳудудларда нотекис тақсимланган. Бутун аҳолининг 15 фоизи жойлашган шимоли-шарқий регионларда умумий дарё сувларининг 86 фоизи аҳолининг 35 фоизи жойлашган жанубий ва жанубий-ғарбий регионда эса чучук сув ресурсларининг атиги 14 фоизи мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг сув ресурслари ер усти ва ер ости сувларидан ташкил топган бўлиб, уларни миқдорий кўрсаткичлари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал.

№	Сув оқимининг номи	Ўртача	
		Дарёнинг сув саффи	Сувнинг хажми
		Qm <sup>3</sup>	W мл.м <sup>3</sup>
1.	Сурхандарё хавzasи	130,3	4108
	Шу жумладан:		
	Тожикистон	33,0	1041
	Ўзбекистон	97,3	3069
2.	Шеробод дарё хавzasи	7,24	0,228
3.	Зарафшондарё хавzasи	188,1	5910
	Шу жумладан:		
	Тожикистон	164	5150
	Ўзбекистон	24,1	0,760
4.	Қашқадарё дарё хавzasи	50,9	1606
	Бутун Амударё хавzasи бўйича	179,5	5563
5.	Чирчиқ дарёси хавzasи	45	1419
6.	Ангрен дарёси хавzasи	143	4511
7.	Сангзор дарёси хавzasи, Зомин дарё ва Туркистон тоғ тизмасидаги сойлар	11,7	0,368
8.	Фаргона водийси дарёлари хавзалари	54,1	1706
9.	Бутун Сирдарё хавzasи бўйича	253,8	8004
	<b>Ўзбекистон бўйича жами</b>	<b>433,3</b>	<b>13667</b>

Собиқ Иттифоқ умумий ер майдонининг 1/4 қисмини ташкил қиласидиган Ўрта Осиё, Қозогистон, Озарбайжон ва Молдавияда барча сув манбаларининг атиги 2 фоизи жойлашган. Сув озуқа

муҳитидир. У катга зичликка ва кучли босимга эга бўлиб, қуёш нурини ютиш хусусиятига эгадир. Сув муҳитида яшашга мослашган организмларни экологияси гидробиотлар, деб аталади.

Маълумки, ҳар хил чукурликда сув босими ҳар хил бўлади. Дистилланган сувнинг зичлиги  $-40^{\circ}\text{C}$  да  $1 \text{ г}/\text{см}^3$  га тенг, агарда эриган тузлар сув таркибида бўлса, унинг зичлиги  $1,35 \text{ г}/\text{см}^3$  га тенг. Балиқлар, моллюскалар, қисқичбақалар ва денгиз юлдузлари сувнинг энг чукур жойларида (у ерда босим  $4:10^7 \text{ Па} = 400 - 500$  атм) ҳаёт кечирадилар. Планктонлар бир ҳужайрали сув ўтлари, медузалар, моллюскалар, ҳар хил майда балиқчалардан иборат. Сувга кислород, асосан, сув ўтлари ва ҳаводан диффузияланиб ўтади. Ўзбекистон Республикасида олинган чучук сувнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида, б фоизи саноатда, 0,5 фоизи коммунал хўжалигида сарфланса, 1,5 фоизи бўлиниб кетади. Туркманистонда эса олинган чучук сувнинг 72 фоизи қишлоқ хўжалигида, 2 фоизи саноатда, 0,5 фоизи коммунал хўжаликда сарфланса, 25,5 фоизи буғланиб кетади.

Дунёдаги 50 дан ортиқ мамлакатларда чучук сув ҳозирги пайтда етаишмайди. Жазоир, Бельгия, Англия, Франция, Олмонияда, Голландия, Данияда, Жанубий Африка Республикасида, Мексикада, Японияда, Африканинг бир қатор мамлакатларида, яқин Шарқ мамлакатларида чучук сув танқислиги сезилмоқда.

#### **4.2. Ички сув ресурсларининг ифлосланиши ва бузилиши**

Ички сув ресурсларининг ифлосланиши ва бузилиши бу сувда ҳар хил органик, неорганик, механик, бактериологик ва бошқа моддалар тўпланиб, унинг ранги, тиниқлиги, ҳиди ва мазаси, органик ва минерал қўшимчалар миқдори ортиб, заарарли бирикмалар пайдо бўлиши, сувнинг таркибида

кислороднинг камайиб, ҳар хил бактериялар турининг кўпайиб, юкумли касалликларни тарқатувчи бактерияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Сувни ифлословчи манбалар орасида энг муҳим ўринни саноат ва майший коммунал хўжаликдан чиққан оқова сувлар эгаллайди. Саноат чиқинди сувларида тирик организм учун хавфли бўлган ҳар хил кислоталар, феноллар, водород сульфати, аммиак, мис, рух, симоб, ционид, мишъяқ, хром ва бошқа заҳарли моддалар ёғ, нефть маҳсулотлари мавжуд бўлиб, улар саноат корхоналарида ишлатилган оқова сувлар билан бирга дарё, кўл ва сув омборларига қўшилиб уларни ифлослади.

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналаридан чиққан ифлос сув таркибида ҳар хил бўёқларнинг қолдиқлари бўлиб, улар сувнинг рангига ва таъмига салбий таъсир этади. Дарё сувлари чорвачилик фермалари комплексларидан чиққан оқова сувлар билан ифлосланади. Чорвачилик фермаларидаги гўнг оқова сувлар туфайли эриб, улар дарё, сой ва жилға сувига қўшилади. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш натижасида ерларга жуда кўп минерал ўғитлар солинмоқда ва зараркунандаларга қарши заҳарли химикатлар ишлатилмоқда; буарнинг бир қисмини 15-20 фоизини ўсимликлар ўзлаштиради, қолган қисми тупроқда, сувда ва ҳавода тўпланишида сув ўтлари жуда тез ўсиб ривожланади. Сувда биомассанинг кўпайиши туфайли кислород кўплаб сарфланади. Бу эса балиқлар ва бошқа сув ҳайвонларининг яшаси учун шароитни ёмонлаштиради.

Термал ёки иссиқ ифлос сувларни вужудга келтирувчи асосий омиллар металлургия, кимё ва бошқа заводлар, иссиқлик ва атом электр станциялари ҳисобланади. Биргина қуввати 2,1 - 2,4 млн. квт/соат бўлган ГРЭС да агрегатларни совутиш учун секунд

дига  $60 \text{ м}^3$  сув сарфланади. АЭС да унга нисбатан 2 марта кўп сув талаб қилинади. Термал, иссиқ ифлос сувларнинг ҳароратидан  $8-10^0\text{C}$  юқори бўлганлиги сабабли улар дарё, кўл, сув омборлардаги сувларнинг ҳароратини қўтариб, иситиб юборади, бу органик ҳаётга салбий таъсир кўрсатади.

Радиоактив ифлосланишнинг асосий манбалари: термоядро қуролларини сув остида синаш; уран рудаларини қазиб олиш ва тозалаш; реакторлар учун ядро ёқилғиларини қайта ишлаш; атом электр станциялари; радиоактив чиқиндилаrinнинг ва радиоактив моддаларнинг идишларини ювиш ва бошқалардан чиқсан чиқиндилар инсоннинг соғлиғи учун энг заарлидир.

Дарё ва кўл сувларининг заарали моддалар ва заарали химикатлар билан ифлосланиши сувдаги органик ҳаётга таъсир этиб, балиқлар ва сув ўтларини заҳарлайди. Бу химикатлар ичидаги ДДТ, гексохлоран, антио ва бошқалар бўлиб, улар узоқ вақт парчаланади. Масалан: ДДТ<sub>моддасининг</sub> парчаланиши эллик йил.

Ўрта Осиёда дренаж-зовур, саноат ва майший коммунал ифлос чиқинди сувларининг дарёларга қўшилиши туфайли Амударё ва Сирдарёда заарали моддаларнинг, экин далаларидан чиқсан заарали химикатлар концентрациясининг миқдори меъёрдагидан 1,8-3,0 марта кўп.

Сув ресурсларини ифлосланишдан сақлашда ва уни қайта тиклашда қуйидаги тадбир-чоралар амалга оширилиши керак:

- дунёдаги барча мамлакатлар чучук сувнинг сифат нормативини, сувларда заарали моддаларнинг меъёрдаги концентрациясини ишлаб чиқишлари ва жорий этилишига қатъий риоя қилиш зарур.

- сув ресурсларининг сифати пасайиб кетишдан сақлаш, ифлос оқава сувлар миқдорини камайтиришга эришиш. Саноатда сувдан фойдаланишнинг айланма системасига ўтиш зарур. Шунда

чучук сув тежаб қолинади, ифлосланган сувнинг сув ҳавзаларига оқизилишига чек қўйилади, натижада дарё, кўл, сув омборлари, канал сувлари тоза сақланади;

- ифлос чиқинди сувлар миқдорини камайтириб, сув ресурсларининг тоза сақлашда режали равишда ҳар бир корхона қошида чиқинди сувларни тозаловчи иншоотлар куриш ва тозалаш усулларини такомиллаштириб бориш лозим;

- сув ресурсларини тоза сақлашда саноат корхоналарида совитиши ишларини сув ёрдамида эмас, ҳаво ёрдамида амалга ошириш усулларини қўллаш зарур. Бунда чучук сувнинг 60-70 фоизи тежалади;

- сув истъемол қилишнинг илгор фан-техника ютуқларига асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш корхоналарида «қуруқ» технологияни қўллаб, чучук сув ишлатмаслик. Масалан: 1 т қоғоз тайёрлаш учун 250 т сув сарфланади, АҚШ, Англия, Франция ва Японияда қоғоз қуруқ ишлов бериш технологияси орқали олинади;

. - сув ресурсларини тоза сақлаб, уларни муҳофаза қилишида чиқинди ифлос сувдан сугоришида фойдаланишга ўтиш зарур;

- сув ресурсларини ифлосланишдан сақлашда саноати ривожланган шаҳарларда иккита сув қувури системасига ўтиш керак. Биттасидан ичимлик сув, иккинчидан саноат ва коммунал хўжалик учун ишлатиладиган техник сув келиши керак. Масалан: Париж, Олмония шаҳарларида мавжуд.

Сув ресурсларини тоза сақлашда марказлашган канализациянинг аҳамияти катта. Ҳозирча Ўзбекистон Республикасининг иирик аҳоли турар жойларининг 40 фоизида коммунал канализация мавжуд. 23 шаҳарда эса марказлашган канализация бор холос. Натижада қолган туманлар, қишлоқлар, ёшлар лагерлари,

дам олиш уйларидан чиқадиган ифлос сувлар тўғридан-тўғри сув ҳавзаларига бориб қўшилмоқда.

Дарё сувларини ифлосланишдан сақлашда зовур-дренаж сувларидан фойдаланиш мумкин ва муҳим аҳамиятга эга. Бунда экин далаларидағи тузлар, экинга солинган химикатларининг бир қисми зовур-дренаж сувларига тушади. Бу сувларни тўғридан-тўғри дарё ва каналларга ташламасдан, Ўрта Осиё шароитида бир жойга тўплаб Оролга оқизишга эришиш зарур. Бунда дарё сувлари ифлосланмайди, Орол сув сатҳини маълум сатҳда ушлаб туради.

Чучук сувни тоза сақлаш ва уни иқтисод қилиб қолища шаҳар, ишчи посёлкалари ва қишлоқларидаги сув кранларини очиб, сув бекорга оқишига чек қўйиш лозим, чунки сув кранидан очиб қўйилганла 10 секундда 1 литр, 2 соатда  $1\text{m}^3$  чучук сув бекорга оқиб кетади.

Тошкентда «Водоканал» трестинииг маълумотига кўра, 29,4 фоиз хонадонлардаги сув кранларининг носозлиги туфайли 1986 йили 11 млн. 230 минг  $278 \text{ m}^3$  ичимлик суви исроф бўлган. Натижада бир суткада киши бошига 270 л ўрнига 467 л ичимлик чучук тоза сув сарф қилинган.

#### **4.3. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва уларнинг асосий омиллари**

Сув бойликларини миқдорий жиҳатдан муҳофаза қилишда унинг қайси йўллар билан сарфланишини билиш керак. Сув бойликлари икки йўл билан – табиий ва инсоннинг

хўжалик фаолиятига сарфланмоқда (йўқолмоқда). Табиий йўллар-булар қўйидаги 40 рўй беради: дарёлар ўзанидан, кўллар косасидан бўладиган шимилиш кўринишида, сув юзасидан буғланиш, ёввойи ўтлар танасидан транспирация йўли билан буғланиш,

дарёда сув тошган даврда сув бир қисмининг қирғоқда қолиши ва ҳоказолар. Давлат гидрология институти маълумотларига кўра дарё оқимининг табиий йўқолиши Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида иилига ўртача  $1,7 - 3,3 \text{ км}^3$  ни ташкил қилган.

Сув ресурслари инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида сарфланиши уларнинг ирригация, майший - коммунал ва саноат тармоқларида ишлатилишига боғлиқ. Афсуски, шу мақсадларда фойдаланилаётган сув ресурсларининг йўқотилиш жараёни яхши ўрганилмаётганлиги ва тегишли чоралар кўрилмаётганлиги туфайли Орол фожиаси рўй берди.

Ирригация мақсадларида сувдан фойдаланилганда унинг анчагина қисми йўқотилади. Бу йўқотиш экин майдонлари, сув омборлари, сугориш каналлари, коллектор-қувурлар юзасидан бўладиган бүгланишдан, янги ўзлаштирилган ерлардаги, янги қурилган сув омборларидағи, коллектор - зовурлардаги сувнинг аккумуляциясидан, табиий пастқамликларда қайтарма сувларнинг йиғилишидан ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Бүгланиш ҳисобига бўладиган йўқотишнинг барча турлари доимий жараёндир. Бүгланишнинг асосан энг катта миқдори экин майдонларига тўғри келади. Олимларнинг ўтказган текширишларига кўра, бүгланишнинг бу тури умумий йўқотилган қийматга нисбатан Сирдарё ҳавzasида 46-63 фоиз, Амударё ҳавzasида эса 30-36 фоиз атрофида. Сугоришнинг илфор усуллари: ёмғирлатиб сугориш, жўякларга маълум миқдорда сув бериш усулларини кўллаш билан ижобий натижага эришиш мумкин. Далаларни ихоталаш ҳам экин майдонларида бўладиган самарасиз бүгланиши камайтиради.

Сув омборлари юзасидан бўладиган бүгланиш ўлкамиз шароитида анча катта қийматларга эга. Сув омборлари юзасидан ўртача йиллик бүгланиш миқдори ундаги сув ҳажмига нисбатан 0,6

фоиздан (Косонсой), 13 фоизгача (Туямуйинда) ўзгаради. Бугла-нишнинг шу миқдорини камайтириш учун дамбалар қуриб, саёз жойларнинг юзаларини кичрайтириш керак.

Маълум миқдордаги сув суғориши каналлари юзасидан бугла-нали. Айрим олимларнинг (В. А. Духовний, С. А. Чиркин)лар-нинг ҳисоблашларича, ўлкамизда каналлар юзасидан бўладиган буғланиш умумий олинадиган сувга нисбатан 1 фоиздан ортмайди. Лекин йирик каналларда кўпроқ бўлади. Масалан: П.М. Луренинг кузатишича, Коракум каналида буғланишнинг бу тури умумий олинадиган сувга нисбатан 2,9 фоизни ташкил этади. Сув ресурсларининг жуда катта қисми дарёлар ва коллектор-зовур сувларининг табиий пастқамликларга оқизилиши туфайли йўқотилади. Масалан: Арнасой кўллар системаси 1969 йилда Сирдарё тошқин сувининг бир қисмини ( $20 \text{ км}^3$ ) шу жойдаги пастқамликка оқизиш натижасида йўқолган.

Сув омборлари қурилиши натижасида сувнинг бир қисми уни тўлдиришига ҳам сарф бўлади. Сув омборларининг фойдали - бошқариб туриладиган - ҳажмини тўлдиришга сарф вақтинча бўлса (яъни ундан исталган вақтда фойдаланиш имкони бор), фойдасиз (ўлик) ҳажмини тўлдиришга кетган сувлардан фойдаланиш мумкин эмас. Ўлкамиз сув бойликларидан самарали фойдаланишнинг жуда катта имкониятлари мавжудdir.

#### **4.4. Ишлатиладиган сувнинг асосий омиллари**

Сув асосан аҳолининг зарурий эҳтиёжи, саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт учун асосий манбадир. Сув исътемоли асосан

сув ҳавзаларидан ишлатиладиган сувнинг ҳажмига қараб вақт бирлигига сув сарфи  $Q_u$ ,  $\text{m}^3/\text{s}$ , ҳисобланади.

Сув таъминоти - ҳар ойда сув ҳавзаларидан ишлатиладиган 95 фоиз таъминотли сув сарфига тенг  $Q_t$ , м<sup>3</sup>/с;

Сув етишмаслик коэффициенти маълум районда қўйидагича аниқланади,  $d=Q_e/Q_t$ ;

Сув ҳавзасидан олинадиган сув миқдори стандарт талабларига асосланган бўлиши керак. Очиқ сув ҳавзаларига - дарё, кўл ва сув омборларидаги сувлар киради. Ёпиқ сув ҳавзаларига - 10 метр чуқурликдаги ер ости сувлари ва 200 метрдаги артезиан сувлари киради.

**Ичимлик сувлари** - аҳоли истемоли ва корхоналарга бериладиган сув стандарт талабларига жавоб бериши керак.

Сув таъминоти асосан учта системага бўлинади: ичимлик ва хўжалик учун ишлатиладиган ҳамда ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги учун ишлатиладиган сувлар. Оқава сувларга аҳоли томонидан ва саноатда ишлатилган сувлар киради; Енгил, тўқимачилик ва пахта тозалаш саноатида сув истемоли қўйидаги оқава сувларнинг ҳосил бўлиши билан характерланади: иссиқ (термал) ва паст ҳароратли; юқори ва паст концентрацияли; заҳарли ва суст (инерт); барқарор ва бекарор сувлар. Булардан ташқари ёғингарчилик натижасида ҳам оқава сувлар ҳосил бўлади. Оқава ва ёмғир сувларини тозалашда энергия сарфини камайтириш учун, ҳамда бу сувларни қайта ишлатишда ва қаттиқ чиқиндиларни саноатда йиғишида (жамғаришла) ишлатиладиган сувларни ўзининг сув таъминоти системаси бўйича ишлатиш маъқул. Оқава сув таркибининг меъёри, унда бор бирламчи элементларни, уларнинг концентрациясини техник меъёр билан стандарт талабларига асосан аниқланади.

Тоза оқава меъёри ўзининг таркиби ва турида сув ҳавзаларага ёки шаҳар оқава сув системасига тозаланмасдан қўшилиши мумкин.

Зақарли оқава сувларни сув ҳавзаларига ёки шаҳар оқава сув таъминотига қўшишдан одди уни тозалаш зарур. Қайтарилимайдиган сув истемоли: ичимлик ва хўжалик ишларида 36 фоизга, саноатда 14 фоизга ва қишлоқ хўжалигида 83 фоизга тўғри келади.

Техник сув - енгил саноат, тўқимачилик саноати технологик жараёнида ишлатиладиган, таркиби жудаям тоза бўлмаган сувдир, лекин матони бўяш жараёнида техник сув ишлатилганда унинг таркибидага темир мoddаси 0,1 мг/л дан ошмаслиги зарур.

Саноат суви - жунни ювганда, қайта ишлагандаги ишлатиладиган сувдир; оқава сув таркибида - жун мойи бўлади.

Минерал сув - саноатда, ишлаб чиқаришда ишлатилмайдиган, одамларни даволаш учун (маъданли) ишлатиладиган сув.

Техник сувни ҳалқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлатса бўлади, фақат ичимлиқда, технологик жараёнда ва минерал сув сифатида ишлатилмайди. Ёпиқ сув истемоли системаси ташқи муҳитни ҳимоялашда катта роль ўйнайди, унда оқава сувлар шаҳар сувига қўшилмайди.

#### **4.5. Ишлатиладиган сувнинг тури ва меъёри**

Сув меъёри бу - ишлатишга максимал рухсат этилган сув ҳажми (керакли, сифатли ва ишларда ишлатиладиган бирликдаги сув). Ичишда ва хўжаликда ишлатиладиган сув меъёри бир одам учун I суткада куйидагича:

Водопровод крани ва канализация учун (ваннасиз) 120л/суткада

Газ таъминоти учун 150 л/суткада

Водопровод, канализация, ванна

(иссиқ сув ва души билан). 130 л/суткада

Ичимлик сувининг енгил, тўқимачилик ва пахтачилик саноати учун мёъёри:

I одам учун бир сменада, совуқ цехлар учун 25 л/сменада  
иссиқ цехлар учун - 45 л/сменада.

Ичимлик ва хўжалик сувларининг бир суткада ва бир соатда сарфи қўйидаги формула орқали топилади:

$$Q_i = n \cdot P / 1000, \text{ m}^3 / \text{сут.}$$

$$q_i = n \cdot P / 24 \cdot 1000 /, \text{ m}^3 / \text{соат}$$

бунда:  $n$  - I одам учун ўртacha ишлатиладигай сув мёъёри I суткада ёки I соатда, литрда;  $P$  - одамларнинг умумий сони;

$$Q_{max} = K_c \cdot Q_i \cdot \text{m}^3 / \text{сут.}$$

$$Q_m = K_{yz} \cdot q_i \cdot \text{m}^3 / \text{соат.}$$

$K_c$  ва  $K_{yz}$  - суткали ва умумий сув таъминотининг ўзгарувчанлик коэффициенти.

Хўжалик сув истемоли енгил, тўқимачилик ва пахтачилик саноатида ҳар смена учун ишчиларнинг максимал сонига қараб ҳисобланади.

$$Q_i = /25 P_1 + 45 P_2 / 1000, \text{ m}^3 / \text{сугка};$$

$$q_{max} = K_{yz} / 25 P_3 + 45 P_4 // T \cdot 1000 \text{ m}^3 / \text{соат};$$

бунда:  $P_1$ ;  $P_2$  - иссиқ ва совуқ цехларда бир суткада ишлайдиган одамлар сони;

$P_3$ ;  $P_4$  - иссиқ ва совуқ цехлардаги бир сменадаги максимал ишчилар сони;

$K_{yz}$  - соатлик ўзгарувчанлик коэффициенти;

$T$  - сменани ўзариш вақти ва соати;

Душ учун сув истеъмол мёъёри 1 одам учун совуқ цехларда - 40 л ва иссиқ цехлар учун - 60 литр.

Сув сарфи душ учун қўйидагилар билап аниқланади:

$$Q_i = /40 P_5 + 60 P_6 / / 1000, \text{ m}^3 / \text{суткада}.$$

$$Q_1 = /40 P_7 + 60 P_8 / / 45 \cdot 60/, \text{л/ сменада}$$

$P_5, P_6$  - бир суткада иссиқ ва совуқ цехлардаги душ қабул қила-  
диган одамлар сони;

$P_7, P_8$  - бир сменада иссиқ ва совуқ цехлардаги душ қабул қи-  
лувчи одамлар сони, одам. Душ қабул қилиш вақти 45 мин. смена  
охирида.

Ишлаб чиқариш жараёнида сув истеъмолини қўйидаги фор-  
мула орқали топамиз:

$$Q_{\text{и}} = N \cdot Q, \text{м}^3 \text{ соат}$$

$$q_{\text{смена}} = 1000 \cdot K_{\text{ж}} \cdot N \cdot Q_{\text{из}} / (T \cdot 3600), \text{л/с}$$

бунда:  $N$  - ишлаб чиқадиган асосий хом ашё учун сув истеъмол  
меъёри,  $\text{м}^3$ ;

$Q$  - корхонанинг 1 суткада маҳсулот ишлаб чиқариш хом ашё  
куввати;

$Q_{\text{i}}$  - бир сменада максимал ишлаб чиқилган маҳсулот;

$T$  - ускуналарнинг ишлаш вақти - соатда.

#### 4.6. Оқова сувларни тозалаш усуллари

Оқава сувларни тозалашнинг  
қўйидаги усуллари мавжуд: Меха-  
ник, кимёвий, физик-кимёвий, те-  
рмик ва биологик. Механик йўл

билан тозалаш беш хил бўлади: сузиш, тиндириш, фильтрлаш,  
 марказдан қочма кучлардан фойдаланиш ва қаттиқ жисмларни  
 ажратиб олиш.

а) Сузиш - бу усул билан канал ва қувурлардаги оқава сув юзаси-  
даги қаттиқ ва бошقا жисмларни панжаралар, тўрлар орқали ўт-  
казиб тутиб қолдирилади.

б) Тиндириш. Бу усулда оқава сув таркибидаги қаттиқ, йирик  
 заррача ва моддалар ўз оғирлиги ҳисобига маҳсус тиндиргич ор-

қали чўқтириш йўли билан амалга оширилади. Сувнинг тиндиригич ичидаги тезлиги  $v=0,01$  м/с дан ошмаслиги даркор. Тиндириш вақти 1-3 соат;

в) фильтрлаш. Бунда оқава сувлар ўта аралашган ва тиндириш усули билан тозалаб бўлмайдиган майда суюқ ва қаттиқ заррачалардан тозаланади. Агарда оқава сувдаги заррачаларнинг концентрацияси  $C= 25$  мг/л, бўлса унда фильтрлаш тезлиги  $v=0,2 - 0,3$  м/с бўлади. Агар  $C=25+50$  мг/л бўлса, унда фильтрлаш тезлиги  $v=0,1 : 0,2$  м/с бўлади. Бу усулнинг афзалиги тозалаш самара-дорлигининг жуда ҳам юқорилигига. Камчилиги эса ўлчамлари катта ва қимматлигига. Фильтрлаш тешик тўсиқларда суюқлик-нинг катта статик босими ҳисобига бўлади. Тўсиқгача юқори босим, тўсиқдан кейин паст (вакуум) босим ҳисобида бўлади. Тўсиқлар ўрнида: тешик металл листлари; кислотага чидамли тўрлар, алюминий, латун, мис, никел ва ҳар хил матоли тўсиқлар ишлатилади.

г) марказдан қочма кучлардан фойдаланиш. Оқава сувларни тозалашда циклондан фойдаланилади. Сув тозалаш унумдорлиги 70 фоиз. Сув циклонининг асосий диаметри  $\varnothing=10$  дан 700 мм гача тайёрланади.

II. Физик - кимёвий усул билан оқава сувларни тозалашнинг беш хил усули мавжуд: флотация, адсорбция, ион алмашув, экстракция ва дезодорация.

а) флотация усули - оқава сувлар таркибидаги эримайлигиган ва чўкиши қийин бўлгай дисперсия ҳолатидаги моддаларни ажратиб олишдир.

б) адсорбция - бунда оқава сув таркибидаги эриган органик моддалар ажратиб олинади. Самарадорлиги 80:95 фоиз бўлиб, адсорбентларнинг кимёвий таркиби боғлиқ. Адсорбент вазифасини

активлаштирилган қўмир, синтетик сорбентлар, кул, қириндилар ва бошқалар бажаради.

в) Ион алмашув усули - оқава сувлар таркибидаги металларни ажратиб олишда кенг қўлланилади (рух, мис, хром, никел, симоб, кадмий, ванадий).

г) Экстракция усули - оқава сув таркибидаги фенол, мой, органик кислотларни ажратиб олишда ишлатилади.

д) Дезодорация усули - оқава сув таркибидаги аммиак, унинг бирикмалари, олтингутурт оксиди, альдегидлар, углеводород ва уларнинг газсимон бирикмаларидан тозалашда ишлатилади, яъни сувдаги ҳидларни дезодорантлар ёрдамида тозалаш демакдир.


**III. Кимёвий ва электрокимёвий усуллар билан оқава сувларни тозалаш тўрт хил бўлади: нейтрализация, электроаогуляция, озонлаштириш ва сувларни хлорлаш усули:**

а) Нейтрализация усули - машинасозлик корхоналарида оқава сувлар таркибидаги кислоталар, ишқорлар ( $H_2SO_4$ ,  $HC_1$ ,  $HNO_3$  ва  $NaOH$ ,  $KOH$ ) ва металлар тузларини бир-бирига қўшиб, яъни кислотани унинг ишқорига ёки тескарисини бажариш йўли билан таъмини реогентлар қўшиш орқали нормаллашга қаратилгандир. Асосан бу усул сув таркибидаги  $H^+$  ионларини ҳамда гидроксид  $OH^-$  молекулани бириктиришга асосланган. Сувнинг нейтраллашиши  $PH=9$ , тенг бўлгандагина нормал ҳисобланади.

б) Электроаогуляция усули - оқава сувлар таркибидаги галваник элементлар хром, никель ва оғир металларнииг бирикмаларини ҳамда цианидларни тозалашда кенг миёсда қўлланилади.

в) Озонлаштириш - деб оқава сувлар таркибидаги оғир металлар, цианидлар, сульфидлар, уларнинг эритмаларини  $O_3$  билан ишлов бериб оксидлаб тозалашга айтилади.

Мисол:  $CN^- + O_3 = CNO^- + O_2$  ёки



**г) Сувларни хлорлаш.**

**IV. Биологик үсүл.** Оқава сувларни органик бирикмалардан тозалашда асосан биологик усул қўлланилади. Бу усулни табиий ёки сунъий сув ҳавзаларида амалга ошириш мумкин. Табиий ҳавзаларда сувларни биологик тозалаш фильтрлаш майдонларида ёки суғориш каналларида амалга оширилади. Биологик тозалашдан асосий мақсад шуки, оқава сувларни майдонларда фильтрлаганда, сув бир неча тупроқ қатламларидан ўтиб, ундаги эримаган оғир ва каллоид ҳолдаги моддалар тўпланиб қолади, булар эса вақт ўтиши билан тупроқда микробиологик юпқа қатлам ҳосил қиласиди. Бу юпқа қатлам органик моддаларни ушлаб қолиб, уларни оксидлайди ва минерал бирикмаларга айлантиради. (12-Расмда табиий биологик тозалаш усули).

Сунъий биологик тозалаш маҳсус қурилган сув иншоотларида биологик фильтрлар, аэротенклар ва окситенларда амалга оширилади (13-Расмда сунъий биологик тозалаш усули).

**4.7. Орол муаммоси**


Йил сайин сугориладиган ерлар майдонининг ўсиши, саноатнинг тез ривожланиши ва аҳолининг кўпайиши туфайли сувга талаб йилдан-йилга кўпаймоқда. Сувнинг сарфи кўп бўлгани туфайли Орол ҳавzasига кам сув қўйилмоқда. Натижада Оролнинг сув сатҳи йил сайин пасайиб, туз ва минерал моддалар миқдори ошиб бормоқда. Орол сув сатҳи тезлик билан пасаяёттан, аксинча шўрлиги ортиб бораётган берк ҳавзадир. Унинг майдони бундан 25 йил илгари (1960) 66,5 минг  $\text{km}^2$  энг чуқур ери 68 м, шўрлиги 9,8 фоиз, сув сатҳи денгиз юзидан 55 м баландда эди. Лекин унинг ҳавzasида сугориладиган ерлар майдонининг йил сайин ортиб бориши, янги-янги шаҳар, саноат обьектларининг вужудга келиши ва аҳолининг кўпайиши

натижасида Амударё ва Сирдарё сувига бўлган талаб ортиб, ҳозир дengизга деярли сув қўймаяпти. Оқибатда Орол дengизининг сув сатҳи 14 м пасайиб, майдони 16 минг км<sup>2</sup> га қисқариб, шўрлиги 22-23 фоизга кўтарилди, сув ҳажми 290 км<sup>3</sup> қисқарди. Орол дengизининг саёз шарқий, жанубий ва шимолий қирғоқларидан дengиз суви 60 - 120 км чекиниб шўрхок ерларга айланиб қолди.

Келажакда ҳавза сувларидан тежамкорлик билан фойдаланилмаса, Сирдарё ва Амударё сувлари халқ ҳўжалигида бутунлай сарфланиши натижасида Орол дengизининг суви янада пасайиб, шўрлиги кўтарилиб 41-42 фоизга етади, оқибатда экологик шароит бузилиб, балиқлар қирилиб кетади, дengиз ўрнида шўр ва саёз кичик кўл вужудга келади.


Ҳозирда Орол дengизига Амударё ва Сирдарёнинг суви деяр-ли (зовур - қайтарма, сизот сувларини ҳисобга олмаганд) қўйилмаяпти. Аксинча, йилига 40,0 км<sup>3</sup> атрофида сув буғланиб кетмоқда. Демак, Орол дengизида сув баланси киримига нисбатан сарфи ортиқдир. Агар тез орада Орол дengизига қўшимча сув ташланмаса, 2000 йилдан сўнг сув сатҳи ҳозиргига нисбатан 12-13 м, 1961 йилдаги ҳолатига нисбатан 19-20 м пасайиб кетади. Оқибатда кўлда 170 км<sup>3</sup> сув қолиб, шўрлиги 77 фоизга, майдони қисқариб 23 минг км<sup>2</sup> га тушиб қолади. Орол сув сатҳининг пасайиши регионда табиий график шароитнинг ўзгаришига ва у орқали халқ ҳўжалигида жуда катта иқтисодий, маънавий ва экологик зарар келтириб чиқармоқда.

Дengиз сув сатҳининг пасайиши туфайли унинг атрофида 2 млн. га ер шўрхокка айланиб, кучли шамол у ердаги туз, қум ва чангларни учирив, атрофидаги суфориладиган ерларга бориб тушмоқда. Маълумотларга кўра, қуи Амударёдаги ерларнинг ҳар гектарига 0,8-1 т туз келиб тушмоқда. Натижада суфориладиган ерлар шўрлашиб, мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, пахта ва бошқа



12-Расм. Табийи биологик усул.

1-бошланғич тиндиргич; 2-аэратор; 3-аэротенник;  
4-регенератор; 5-иккиламчи тиндиргич.



13-Расм. Сунъий биологик тозалаш.

1-оқовасув келадиган қувур; 2-фильтр камера; 3-қисилған ҳаво беруви  
қувур; 4-сув пуркагич; 5-фильтр тұлдиргич; 6-тур; 7-тоза сув қувури.

Экинлар ҳосилдорлиги кескин камайиб кетмоқда; дентиз сув сатхининг пасайиши туфайли Амударё ва Сирдарё дельтасидаги түқайзорлар, яйловлар, ўтлоқлар қуриб қайта чўлга айланмоқда; дентиз атрофидаги районлар ер ости сув сатҳи пасайиб, чорвачилик учун озуқа бўладиган ўсимликлар қуриб, кўчма қумлар майдони ортмоқда.

Агар Орол тақдири тезда ҳал қилинмаса келажакда унинг ўрнида Орол чўли вужудга келади. Бунинг учун келажак авлод бизнинг ношудлигимиздан, табиатни муҳофаза қилишдаги саводсизлигимиздан, экологик тарбиямизнинг пастлигидан нафратланади. Шу сабабли табиатнинг бизга инъом этган ажойиб объекти - Оролни энг камида ҳозирги ҳолатида сақлаш учун курашиш ҳар бир инсон боласининг муқаддас бурчидир. Бунинг учун эса дентизга йилига қўшимча  $40 \text{ km}^3$  сув келтириш керак. Ҳозирча реал имконият, бу Орол ҳавзасидаги йигилган зовур (қайтарма) сувларини тўплаб, дентизга оқизишидир. Агар бу вазифа амалга оширилса, йилига қўшимча  $20 \text{ km}^3$  сув Орол дентизига келиб қуилиши мумкин. Лекин бу билан Орол дентизининг сув сатҳини пасайишдан сақлаб қолиш мумкин эмас. Орол дентизи сув сатҳи оптимал, баландликда сақланиши учун халқ хўжалигига дарё сувларидан тежаб фойдаланишга эришиш керак. Бунинг учун, биринчидан, сугориш шоҳобчаларининг фойдали иш коэффициентини ошириш (каналлар тубини бетонлаш, ҳар хил материаллар, қоплаб, фильтрация ва самарасиз буғланишни камайтириш орқали), иккинчидан, сугоришнинг энг илғор усулларни (ёмғирлар, тупроқ остидан сугориш, тановлар ёрдамида сугориш) экинларнинг сугориш меъёрини пасайтириб, сувни иқтисод қилиш, учинчидан, мавжуд сугориладиган майдонларда илғор агротехникани қўллаб ҳосилдорликни ошириш ҳисобига экин майдонини кенгайтирмасликка эшириш керак.

## Ўзлаштириш саволлари:

1. Гидросфера нима?
2. Гидросферада чучук сувнинг микдори неча фоизга тўғри келади.
3. Сув мұхитида нималар содир бўлади.
4. Фотосинтез жараёнида сувнинг аҳамияти.
5. Тирик организмларда сувнинг микдори неча фоиз?
6. Саноатда сувнинг ишлаб чиқаришдаги ролини тушунтириб беринг.
7. Жон бошига (Тошкент шаҳри) 1 суткада майший-хўжаликлар учун неча литр сув керак бўлади.
8. Ички сув ресурсларининг ифлосланиши ва бузилиши нималарга боғлиқ.
9. Дарё сувларининг табиий йўқолишига нималар сабаб бўлади.
10. Ишлатиладиган сувнинг асосий омилларига нималардан иборат.
11. Сув таъминоти неча системага бўлинади.
12. Ичишда ва хўжаликда ишлатиладиган сув меъёри бир одам учун бир суткада қанча?
13. Оқова сувларни тозалаш усууларини айтинг.
14. Биологик сув тозалаш усуулини тушунтириб беринг.
15. Орол муаммоси нимадан иборат.

## 5 - БОБ

# ЕРНИ, ЎСИМЛИКЛАРНИ ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

### 5.1. Ерни муҳофаза қилиш

Ер - одамзотнинг ҳаёт манбаидир. У шундай бир саҳоватли нарсаки, ўз бағрида инсон учун зарур бўлган жами неъматларни яратишга қодир.

Ерга меҳр билан муносабатда бўлинса бас, у ҳам ўз ҳиматини аямайди. Жаъмики бойликлар, жумладан барча озиқ-овқат, кийим-кечак, фойдали қазилмалар ҳам ердан олинади. Демак, ернинг иқтисодий, ҳаётий ва экологик аҳамияти бениҳоя каттадир.

Дунёда бирор нарса йўқки, унинг яшаш шароити, ҳаёти ёки ҳолатини ер ресурсларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, барча табиат бойликлари қатори ер ресурслари ҳам экологик ҳолатини муқобиллаштириб туриш, турли экологик фалокатларнинг олдини олишда ҳамиша инсоннинг меҳрига, ёрдамига муҳтож.

Ота-боболаримиз «Ер - хазина, сув олтин», «Ер тўқ - сен тўқ», «Ери бойнинг - эли бой», - деб бежиз айтмаганлар. Бутун бойликлар манбаи бўлган она ердан илм - фан тавсиялари асосида самарали фойдаланиши, унинг ҳуқуқий, экологик муҳофазасини тўғри йўлга қўйини, бозор иқтисодиёти шароитида қийинчиликлардан чиқиб кестишимизнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44,9 млн гектар бўлиб, фойдаланилайдиган қишлоқ хўжалиги майдони 26,5 млн. га, ҳайдаладиган экинзорлар салкам 4,5 млн. га, олтин фон-

димиз бўлган сугориладиган ерлар эса 4,2 млн. га ни ташкил этади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг аграр имконияти жуда катта. Республикаизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 98 фоиздан кўпи сугориладиган ерлардан олинади. Кейинги пайтда республикамиздаги демографик муҳит сугориладиган ерларни бир оз бўлсада камайиши ҳамда экологик ҳолатининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Агар 1970 йилда аҳоли жон бошига 0,20 га, 1980 йилда 0,18 га бўлган бўлса, 1995 йилда эса ушбу ҳолат 0,17 га ни ташкил этди. Сугориладиган ерлар 40 фоизининг тупроқ унумдорлиги жуда паст, 50,2 минг гектар ерлар рекультивация қилинишини талаб этади, 18 минг га ердан иккинчи шўрланиш ва 600 минг га ердан эса ҳар хил касалланиш сабабли фойдаланиш қийин бўлмоқда.

Республикамиздаги ерларнинг 70 фоизи эса сув ва шамол эррозиясига учраган. Фан тараққиёт ва ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, ер ресурслари, жумладан сугориладиган ерлардан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилмоқда. Бўлар-бўлмас турли объектлар, корхона, муассаса, ташкилотларга сугориладиган энг самарали ерлар бериб юборилмоқда. Яъни Ўзбекистои Республикаси «Ер тўғрисида»ги қонунининг 3 - моддасида кўрсатилган қуйидаги тартибдаги:

1. Қишлоқ хўжалик ерлари;
2. Аҳоли яшайдиган пунктларининг ерлари;
3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ерлари;
4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, дам олиш ва тарих-маданият мақсадларига мўлжалланган срлар;
5. Ўрмон фонди ерлари;
6. Сув фонди ерлари;

## 7. Заҳира ерлар.

Ерлар ўзаро бир мақсаддан иккинчи мақсадга ўтиб туриши мумкин, яъни улар белгиланган тоифада туриб қолмайди. Юқорида кўрсатилган ҳар бир тоифадаги ер фондлари тартиби ҳамда фойдаланиш мақсади, асосан ер бериш ҳуқуқига эга бўлган ташкilotлар томонидан амалга оширилади. Демак, санаб ўтилган тоифадаги ерлар, биринчидан, фойдаланиш мақсади нуқтаи назаридан ўз хусусиятига эга бўлса, иккинчидан, улар экологик муҳофаза қилиниши билан ўз фойдаланиш хусусиятига эга бўлади. Масалан: тарихий ёки археологик ёдгорликлар мавжуд ерларга сув қуйилганда, аксинча унинг аҳамияти йўқолиб, ушбу тарихий манбаларнинг йўқ бўлишигача олиб келади ва маълум бир экологик зарар етказилиши мумкин.

Сугориладиган ерларни ҳуқуқий - экологик муҳофаза қилиш жараёнида қуидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- сугориладиган ерлар асосан сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлганлиги учун, ушбу ерларнинг ҳосилдорлиги ва экологик хусусияти сув билан боғлиқ. Демак сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда унинг тозалигини таъминлаш;
- сугориладиган ерларни сув ва шамол эррозиясидан сақлаш ва уни ҳимоя қилувчи турли дарахтлар билан ихоталаш қондарига амал қилиш;
- сугориладиган ерларнинг ҳосилдорлигини таъминлаш мақсадида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб боришга алоҳида эътибор бериш;
- ерларнинг биологик ҳолатини сақлаш, яъни турли кимёвий моддалар таъсиридан сақлаш, улардан нормал фойдаланиш, чувалчангларни кўпайтириш;

- сугориладиган ерларни техника зарби ёки унинг ўта оғирлиги асосида етказиладиган заардан ҳамда оғир техниканинг чиқараёттан турли газ ва чиқиндилиридан сақлаш;
- сугориладиган ерларда уларнинг хусусиятларини ҳисботга олган ҳолда сугориш қоидаларига эътибор бериш, санитария қоидаларига қаттиқ риоя қилиш;
- сугориладиган ерларда турли ботқоқликлар, кўллар, сув йиғилишлари, натижада қатқалоқ олдини олиш;
- сугориладиган ерлардан ҳар бир вилоят ёки жойлар географик иқлимий хусусиятини ҳисобга олиб фойдаланиш;
- сугориладиган ерларнинг физикавий хоссасига (унинг ҳарорати, зичлиги, ички қисмидаги босимига) эътибор бериш;
- сугориладиган ерлардан оқилона фойдаланишда кўпаядиган, ернинг экологик ҳолатини бузадиган ва ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатадиган ўтлар босищдан сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий мұхитта эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», - деб кўрсатилган. Агар ушбу мажбуриятни табиат ва унинг бойликларига нисбатан оладиган бўлсак, ҳар бир фуқаро табиий бойликлардан оқилона фойдаланиши, яъни, «Ер тўғрисида» ги Қонуннинг 53 - моддасида кўрсатилган талабларни бажариш мақсадга мувофиқдир.

Сугориладиган ерлар бебаҳо ерлар бўлиб, улардан фойдаланишда барча ердан фойдаланувчи субъектлар ердан фойдаланганиклиари учун ер солиги ва ижара ҳақи кўринишида ҳақ тўлайдилар. Масалан: 1 га сугориладиган 70 баллик ер давлат нархида 306 минг сўмга баҳоланади (2). Агарда ушбу ерлар «Ер солиги» эвазида тўланадиган бўлса, ушбу ердан олинадиган даромад ҳисоби-

дан пул шаклида тўланади. Яъни ердан фойдаланганлик учун солик ҳар бир сотих учун унинг ҳосилдорлигига биноан белгиланган суммада тўланади. Суфориладиган ерларда ижара ҳақи эса таравфларнинг келишувига асосан белгиланади. Ижара ҳақининг миқдори шартномада кўрсатилиб, ҳар гектар ерга унинг ҳосилдорлиги, сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг XXIV «Сувни муҳофаза қилиш» 97-98-99-100 - моддаларига риоя қилишлари катта аҳамиятга эга. Чунки сувдан фойдаланиш кўп ҳолатларда суфориладиган ерларнинг асосини белгилайди. Баъзи ҳолатларда суфориладиган ерлар таркибини ифлос чиқинди, оқава сувлар бузиши ва натижада олинаётган маҳсулотга катта зарар етказилиши мумкин. Демак сувнинг хусусияти суфориладиган ер билан, суфориладиган ернинг хусусияти эса сув билан боғлиқдир.

Донишмандлардан бири айтганидек, «Табиатда ҳамма нарса бебаҳо, бироқ сув бутун табиат гўзаллигидир». Суфориладиган ерлар ушбу гўзалликни, бойлик манбани вужудга келтирадиган бекиёс даражадаги, қолаверса барча табиат бойликларининг манбайдир. Ушбу манбанинг ҳолати ҳамиша ер, сув, ҳаво ва бошқа табиат бойликларида тўғри фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Олимлар ўртасида ерларни хусусий мулк қилиб бериш ҳақида турли фикрлар келиб чиқмоқда. Ушбу муаммони ҳуқуқий ҳал қилиш ва хусусий мулк қилиб берилмайдиган ерлар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 июль Қарорининг 2-иловасила аниқ кўрсатилган.

Ер табиатнинг инсон учун яратилган буюк эҳсони, ҳаёт манбайдир. Албатта, у мулкнинг бошқа шаклларидан фарқли ўла-

роқ инсон меҳнатининг маҳсулни эмас. Шунинг учун ҳам у баъзи қонунда кўрсатилган ҳолатларда хусусий мулк бўла олади. Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг 3 - бандида асосан хусусий мулк қилиб бериладиган ерлар тоифаси аниқ кўрсатилган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга асосан ер майдони устига савдо ва хизмат кўрсатиш обьектлари билан бирга турар жойлар ва маъмурий бинолар жойлашган бўлса, улар жойлашган ер майдони хусусий мулк сифатида қонунга мувофиқ ҳолатларда хусусийлаштиришга йўл қўйилади. «Ер тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Мулк тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон Республикасида умуман сугориладиган ерларни хусусий мулк қилиб бериш ва бермаслик ҳолатларини аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: яъни ушбу соҳадаги қонунларни такомиллаштириш лозим. Республикаизиз қишлоқ ҳўжалиги тармоғида фойдаланилаётган сугориладиган ерларни хусусийлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Аммо у тоифадаги ерлар «Ер» ва «Ижара» тўғрисидаги қонунларга асосан маълум маънода қонунда кўрсатилган муддатда ижарага берилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаизининг келажагини янада барқарорлаштириш, обод ва бой бўлиши сугориладиган ер ресурсларидан қанчалик оқилона. унумли фойдаланиш билан боғлиқ экан, сугорилалигидан ерларни ҳуқуқий - экологик муҳофаза қилишга ёрдам беради.

## 5.2. Ўсимликлар дунёси

Ўсимликлар атмосферани тоза сақлашда, тупроқ ҳосилдорлигини оширишда, дарёларнинг гидрологик режимини тартибга солиб туришда, инсон ва ҳайвонот дунёси учун озуқа моддалар етказиб беради ва инсон ҳёти учун нормал шароит яратиш вазифасини бажаради.

Ўсимликлар туфайли фотосинтез жараёни рўй беради. Атмосферадан, сув юзасидан ва тупроқдан чиқаётган карбонат ангидрид газини, ўсимликлар юттани ва фотосинтез жараёни натижасида яшил ўсимликлар атроф-муҳитта кислород чиқариб туради.

Ўсимликлар дунёси йилига 380 млрд. тонна органик модда ҳосил қиласиди, унинг 325 млрд. т. денгиз ва океан ўсимликларига, 38 млрд. т. ўрмонларга, 6 млрд. т ўтлоқларга тўғри келади.

Ўсимликлар шаҳар ҳавосини тозалаб, уни кислород билан бойитиб - санитарлик вазифасини бажаради. Ўсимликлар жамият учун беҳисоб хом ашё ресурсидир (озиқ-овқат манбаи, техника хом ашёси, медицинала дори тайёрлаш).

Ер шарида 300 минг ўсимлик турлари мавжуд. Шулардан 6000 туридан инсон ўз ҳётида фойдаланади ва 1500 тури доривор сифатида ишлатилади. Инсон ўсимликлар дунёсига ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Янги ўрмонзорлар ташкил этиш, маданий ўсимликларни кўпайтириш, яйлов ва ўтлоқлар сифатини яхшилаш, ўсимликлар майдонини кўпайтириш, тупроқ шўрини ювиш, ерларни сугориш, ўсимликларга минерал ва органик ўғитлар солиш, ўсимлик зааркунандаларига ва касалликларига қарши курашиш бу ижобий таъсирдир.

Ўсимликлардан режасиз фойдаланиш, ёнғинларни келтириб чиқариш, ҳар хил қурилишлар натижасида ўсимликлар майдо-

нини қисқартириш, турли хил ядохимикатлар ишлатиш (мөъридан ошиқча) ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади. Масалан: бундан 3,5 минг йил олдин Ер юзасининг 47 фоизини ўрмонлар қоплаган бўлса, ҳозир унинг майдони 27 фоиз, холос. Ер юзидағи ялов ва ўтлоқлар майдони 2600 млн га. Шундан 24 млн. га Ўзбекистон Республикализга тўғри келади.

Ўрмонлар дунё бўйича бир хил жойлашмаган. 4060 млн. га ўрмонлар майдонининг дунё бўйича: 140 млн. га Европада, 824 млн. га Шимолий ва Марказий Америкада, 904 млн. га Жанубий Америкада, 635 млн. га Африкада, 510 млн. га Осиёда, 82 млн. га Австралия ва Океанияда, 910 млн. га Россияда, Ўзбекистон Республикаизда 5,3 млн. га бўлиб, унинг 283,7 минг гектари тоғларга тўғри келади.

Ҳозирги пайтда Ер шаридаги ўрмонлар умумий майдонининг 33 фоизидан фойдаланилмоқда, бу ёғочнинг умумий заҳираси 133,6 млрд  $m^3$  бўлиб, ҳозир йилига 1,5-1,6 млрд  $m^3$  ёғоч тайёрланади. Ёғочдан озиқ-овқат етиштиришда, кимё ва ёқилғи саноатида, мудофаз, маданий - оқартув ишларида, дорилар тайёрлашда кенг фойдаланилмоқда, ундан ҳозирги пайтда 20 минг хил нарса ишланмоқда. Кимёвий йўл билан ёғочдан қофоз, сунъий шойи ва жун, портловчи модда порох, целялюз, фотокиноплёнкалар, нитролак, сунъий чарм, пластмассалар, этил ва метил спирти, сирка кислотаси, глюкоза, ёнувчи газ, сунъий каучук ва бошқа нарсалар олинади. 1  $m^3$  ёғоч кимёвий йўл билан қайта ишланганда 200 кг целялюз ёки 200 кг қофоз ёки 6000  $m^3$  целлофан ёки 5-6 л ёғоч спирти, ёки 160 км сунъий тола олиш мумкин.

Дарахтлар озиқ-овқат манбай ҳам ҳисобланади. Масалан: мевали дарахтлар грек ва пекан ёнғори, нон дарахти, кедр дарах-

ти, ёввойи олма, олча, дўлана, бодом, писта ва бошқалар мева беради.

Кейинги пайтда 1т ёғочдан гидролизлаш йўли билан 550-650 кг қанд олинади. Ер шарида жуда кўп доривор ўсимликлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаизда энг муҳим доривор ўсимликлар мавжуд: етмак, эрмон, шалфей, ит жумрут, газаганда, сувқалампир, қоқи ўт, момақаймоқ, наъматак, итбурун, чучукмия, исириқ, коврак, равоч, янтоқ, қовул, сувпиёз, сариқчой, откулоқ, қирқ бўғин, ёввойи пиёз, зира ва бошқалар.

Республикаизда пистазорлар майдони 14 минг гектарни, ёнғоқзорлар 5 минг гектарни ташкил этади.

Атмосфера ҳавосини тозалашда ўрмонлар жуда катта аҳамиятга эга. Бир гектар ўрмон 18 млн.  $m^3$  ҳавони тозалаб туради. Ўрмон ҳавоси шаҳарлар ҳавосидан 200 марта тозадир.

Ўзбекистон Республикаси ўрмонларининг майдони 5,3 млн. га бўлиб, республикамиз ер майдонининг 5 фоизини ташкил қиласди ва улар нотекис жойлашган. Ўзбекистон тоғларидаги ўрмоннинг умумий фонди 1,4 млн. гектарга teng. Улар Угом, Писком, Чотқол, Ҳисор, Туркистон, Зарафнюн тоғ тизмаларига жойлашган; Ўзбекистон чўлларининг 1,86 млн. га ери ўрмон билан қопланган ва унда қора, оқ саксовул, қандим, жузғун, акация ва буталар ўсади.

Республика водийларида ўрмон майдони 210 минг гектар. Унда жийда, туронғи, акация, тол, терак, зараг, қайрағоч ва чинор дараҳтлари ўсади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш учун қўйидаги тадбирларни билиш ва бажариш зарур:

- ёш ниҳоллар нобуд бўлишининг олдини олиш;
- ўрмон ресурсларини қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш;

- ўрмонларни ёнгиндан сақлаш;
- ўрмонларни ҳар хил заарқунандалардан ва касалланишдан сақлаш;
- ўрмонларни заҳарли ва кимёвий моддалар билан ифлосланишдан сақлаш.

Республикамизда 1981-85 йилларда ёнгин натижасида 778 гектар ўрмон ёниб, 385 гектарида ўрмонлар бутунлай ёнган ва нобуд бўлган. Республикаиздага ўсимликларнинг 577 туридан дори тайёрланади, 103 туридан бўёқ, 560 туридан эфир мойи оли-нади.

### **5.3. Ҳайвонот дунёси**

Табиатда моддалар ва энергия алмашинувида ҳайвонлар муҳим роль ўйнайди. Дунёдаги яшил ўсимликлар, қуёш энергиясининг 1 фоизинигина ўзлаштириб, йилига 150-120 млрд т органик модда ҳосил қиласи.

Шу қуёшдан олаётган энергиянинг 50 фоизини ўсимликлар нафас олиш жараёнида, қолган энергияни ўзлаштириб, органик модда сифатида организмда тўплайди. Тўпланган органик модда ўтхўр ҳайвонларга ўтади. Ўтхўр ва этхўр ҳайвонларга ютилган озуқа энергияси тўла ўзлаштирилмайди, унинг бир қисми ташқи муҳитга нажас сифатида чиқарилади, уни бошқа организмлар ўзлаштиради. Ҳайвонлар организми ўзлаштириб олган озуқа ва энергия заҳирасининг асосий қисмини тўқималарнинг иш фаолиятини нормал сақлашга оз қисмини нафас олиши учун ва ривожланиши, ўсиши учун сарфлайди. Ўтхўр ва этхўр ҳайвонларнинг ўлиши ва чириши туфайли органик қолдиқлар вужудга келади, уларни бактериялар, замбурууглар ва бошқалар парчалаб, анерганик моддаларга айлантиради.

Тупроқ таркибини яхшилашда ва унинг ҳосилдорлигини оширишда ҳайвонларнинг аҳамияти жуда катта, (ёмғир чувалчанги, чумоли, термитлар, умуртқали ер қазувчилар) булар тупроқни юмшатади, аралаштиради, нажас ва ўсимлик қолдиқлари билан ўғитлайди. Бундан ташқари ҳайвонлар ўсимликларни чанглатади, уруғ ва меваларни бошқа жойларга олиб бориб тарқатади (арилар, капалаклар ва қушлар туфайли ўсимликлар чангланади).

Йиртқич қушлар зааркунанда кемирувчиларни қириб, ўсимлик ҳосилдорлигини оширади ва касалликдан сақладайди. Масалан: бойқуш бир йилда мингта сичқонни йўқ қилиб, ярим тонна донни сақлаб қолади, чумолилар эса ўрмонларни касалликдан сақладайди.

Ҳайвонлар инсон учун зарур бўлган озиқ-овқат ресурсидир (бу-гўшт, ёғ, мой, сут, тухум, балиқ).

Ер шаридаги инсонлар бир йилда ҳайвонлардан 180 млн. тоқсил моддасига бой бўлган озиқ-овқат олади, ишлатиладиган мойнинг 40 фоизи ҳайвонларга тўғри келади. Японияда озиқ-овқат маҳсулотларининг қўп қисми денгиз ҳайвонлари ва балиқлардан олинади. Дунё бўйича озиқ-овқат учун 70-100 млн. т денгиз ҳайвонлари ва балиқлар тўғри келади.

Ҳайвонлардан инсонлар мўйна тайёрлашда ҳам фойдаланадилар (мўйна, сувсар, тулки, норка териси ва оқ сичқонлар).

Ҳайвонлардан илмий - тадқиқот ишларида, транспортда ва тиббиётда тажрибалар ўтказишда фойдаланилади.

Жамиятмиз тарақкий этган сари инсоннинг ҳайвонларга кўрсатган таъсири кенгайиб ошиб бораяпти. Масалан: феодализмдан капитализмгача бўлган давр ичida, ҳозирги кунга келиб, дунё бўйича ҳайвонларнинг 600га яқин тури, сут эмизувчиларнинг 120 тури, қушларнинг 150 тури йўқ қилинган.

Республикамиз чўлларида қадим жайрон, сайғоқ, қулон, Бухоро бугуси, тўқайзорларда қирғовуллар жуда кўп яшар эди. Чўлларнинг кўп қисмини ўзлаштириш натижасида уларнинг миқдори кескин камайиб кетди; уларнинг касалланишига пестицидларнинг ишлатилиши сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвон турларини муҳофаза қилиш, уларнинг яшашиб шароитини яхшилаш ва кўпайиши учун қулай имкониятлар яратиш зарур. Бунинг учун, йўқолиб кетаётган ва ноёб ҳайвон турларини қатъий назорат остига олиш, ов қилишга йўл қўймаслик, ўша ҳайвонлар яшайдиган муҳитларни табиий ҳолича сақлаб, қўриқхоналарга айлантириш лозим.

Сайғоқ - туёкли ҳайвон ҳисобланиб, илгари Қозогистонда, Россиянинг дашт зонасида, Мўғалистонда ва Хитойнинг ғарбида кўплаб яшаган. Чор Россияси даврида сайғоқларни кўплаб овлаб ва саҳроларни ўзлаштириш натижасида XX аср бошларида бу жонивор кескин камайиб кетди.

Бухоро бугуси - илгари Амударё ва Сирдарё соҳилларида ва Афғонистоннинг шимолидаги тўқайзорларда ниҳоятда кўп бўлган. Бу жонивор кейинги вақтларда бу тўқайзорларни ўзлаштириб ва ов қилиш натижасида Сирдарё водийсида бутунлай йўқ бўлган; Амударё соҳилларида жуда ҳам камайиб кетган. Шунинг учун қолганларни (ҳайвонларни) сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадида Амударё водийсида «Пайғамбаророл» қўриқхонаси ташкил этилиб, Бухоро бугуси кўпайтирилмоқда ва муҳофаза қилинмоқда.

Жайрон оху - илгари Ўзбекистонда, Қозогистоннинг жанубида, Кавказда жуда кўп яшаган. Уларни тинимсиз ов қилиш, ерларни ўзлаштириш натижасида бу жониворларнинг сони кама-

йиб кетган. Ҳозирги пайтда жайрон муҳофазага олинган, уни Қизилқум жанубидаги Бухоро қўриқхонасида кўпайтиришмоқда.

Дунёда ва Ўзбекистон Республикаизда йўқолиб кетаётган, ноёб ҳисобланган бир неча ҳайвон турларини сақлаб қолиш мақсадида «Қизил китоб» га киритилган. 1972 йил 1 январда Ҳалқаро «Қизил китоб» ташкил этилганда, унга 292 тур сут эмизувчилар, 341 тур қушлар, судралиб юрувчилар, 36 тур ерда ва сувда яшовчи ҳайвонлар киритилган.

Ўзбекистонда «Қизил китоб» 1983 йили чоп этилган, унга 22 тур сут эмизувчи, 31 тур қушлар, 5 тур судралиб юрувчи ва 5 хил балиқлар киритилган. Уларнинг энг асосийлари: жайрон, қоплон, Бухоро бугуси - хонгул, ирбис, Устюорт қўйи, архар, оқ ва қора лайлак, бургут, қирғий, болтаютар, лочин, итолғи, ов турна, туvalоқ, бизғалдоқ, қум чумчуги, эчкиэмар, Осиё кобраси, баҳри ба-лиқ, мўйлов балиқ, Сирдарё куракбуруни, шомшапалак, шалпан қулоқ, кўршапалак, оқ сувсар ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи эчкиэмарлар қиммат-баҳо териси учун, заҳарли илонларни тиббиётда ишлатиладиган дорилар учун кўплаб тутиш оқибатида, уларниг сони камайиб. ноёб ҳайвонларга қўшилди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаизда яшовчи заҳарли илонларни - кобра, чўл ҷарҳ илони, кўлвор илон - ўлдириш таъқиқланган, муҳофазага олиниб маҳсус қўриқхоналарда кўпайтирилмоқда.

Дунёда ҳашаротларнинг бир миллионга яқин тури бор, уларнинг кўпчилиги заарлидир, инсон уларни ов қилмайди, лекин айrim яхшилари инсонга фойда келтиради. Масалан: асалари. ипак, лак ва бўёқ берадиган ҳамда даволаш мақсадида ишлатиладиган, фойда келтирадиган ҳашаротлар. Булар ўсимликларни чанглатадиган, бегона ўтлардан тозалайдиган ҳашаротлар, тупроқ таркибини яхшилайдиган ҳашаротлардир.

Ҳайвонларни муҳофаза қилиш, уларнинг табиатдаги мувоза-натини сақлаб қолиш, тури ва миқдори камайиб кетаётган ҳайвонларни кўпайтириш учун қуидаги чораларни амалга ошириш лозим:

- овчилик ва балиқ овлашни энг аввало қанча ва қачон овлаш тартибини қонун асосида бажариш;
- тури ва сони камайиб кетаётган ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида қўриқхоналарни тиклаш ва янгидан барпо этиш лозим.

**Ҳозир Республика изда 9 та қўриқхона мавжуд:**

- ҳайвонлар яшайдиган жойларнинг экологик шароитини яратиш (булар ҳайвонлар учун озуқа майдончалари, уялар қуриш, табиий овқатлар билан таъминлаш, заҳарли химикатлардан сақлаш, сунъий оролчалар ва ҳовузлар яратиш ва бошқалар);
- тўқайзорлар, ўтлоқлар яратиш, зовурлар, жарлар, канал ва ариқ, атрофида ўрмон йўлкалари яратиш;
- ҳайвонларни фойдали ва зарарли турларга ажратиш ва уларни муҳофаза қилиш зарур;
- ҳайвонларни табиий офатлардан (сув тошқини, жала, бўрон, курсоқчилик ва қаттиқ совуқдан) сақлаш;
- ҳайвонларни иқлимлаштириш, яъни янги ҳаёт шароитига мослаштириш;
- ҳайвонларни пестицидлар (заҳарли химикатлардан) билан заҳарланишдан сақлаш чоралари;
- ҳайвонларни муҳофаза қилишда халқаро (БМТ, ЮНЕСКО) ташкилотлари билан биргаликда иш олиб бориш зарур.

Ҳайвонларни муҳофаза қилишдаги илмий - шароитлар Республика из ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиб, қўриқхоналар ташкил этиб, ноёб ҳайвон турларининг биологиясини, яшаш ша-

ротини, табиат билан алоқаларини илмий равишда чукур ўрганиб, уларнинг яшаси ва кўпайиши учун оптимал экологик мұхит яратиш орқали уларни келажак авлодлар учун қолдириш имконияти яратилди.

Ҳайвонларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, уларни боқиши, кўпайиши учун тинмай курашиш болаларга ёшликтан бошлаб ўргатилади, натижада табиат билан тўғри муносабатда бўлиш ёшлар онгини ҳар томонлама ривожлантириб, уларнинг кузатувчанлигини ўстиради, юксак аҳлоқий ҳиссиётини ва ҳайвонларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳиссини пайдо қиласди.

#### **5.4. Табиатни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик**

Табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорликни шакллари икки хил бўлади: иккни ва кўп томонлама шартномалар, конвенциялар, келишувлар ва декларациялар тузиш; Табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар тузиш ва халқаро ва миллий дастурлар бўйича ишлаш.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш айрим кишилар, колективлар, мамлакатлар, халқлар ва ниҳоят бутун инсоният томонидан биргаликда олиб борилган тақдирдагина самарали бўлади.

Асримизнинг бошларида табиатни муҳофаза қилиш Халқаро жамиятини тузиш зарурияти равшан бўлиб қолди. 1907 йили VIII Халқаро қишлоқ хўжалик конгрессида табиат гўзалликларини муҳофаза қилиш тўғрисида тавсияномалар қабул қилинган. 1910 йили Халқаро зоология конгрессида табиатни муҳофаза қилиш

тўғрисида «Халқаро мұваққат комитети» тузиш тўғрисида қарор қилинган. Бу комитет биринчى Халқаро конференция ўтказиш учун тайёргарлик ишлари олиб борган. 1911 йилда Россия, АҚШ, Англия ва Япония ўртасида денгиз мұшкүларини муҳофаза қилиш тўғрисида конвенция тузилган; 1913 йилда қушларни муҳофаза қилиш тўғрисида кенгаш ўтказилди; ўша йили Берн шаҳрида 18 мамлакат ўртасида Халқаро табиатни муҳофаза қилиш комиссияси тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган. 1923 йили Парижда Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро жамият иш бошлади (бу ташкилот 2-чи жаҳон уруши бошларигача ишлади). 1946-47 йилларда Голландияда Табиатни ҳимоя қилиш халқаро жамияти қайтадан тузилиб, бу жамиятнинг 1948 йили Фонтенбло (Франция)да ўтказилган Бош Ассамблеясида мазкур жамият «Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқига» айлантирилган эди. 1956 йил бу союз «Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш халқаро иттифоқи»га айлантирилди. Унинг раҳбарлик идораси Швейцариянинг Морж шаҳрида жойлашган.

1956 йилдан бошлаб иттифоқ ишларида фаол иштирок эта бошлади. Иттифоқ халқаро миқёсда табиий ресурсларни ардоқлаб муҳофаза қилиш, бу соҳадаги илмий техника мұваффақиятларини жорий этиш ва тарқатиш, халқаро миқёсдаги табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги шартномаларни тузища бевосита иштирок этади.

Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро иттифоқининг олий органды 3 йилда бир марта чақириладиган Бош Ассамблеядир.

Ассамблея қарорларыда ҳукуматлар ўртасида конференциялар ўтказиш ва биосферанинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, заарли кимёвий ўғитлардан оқилона фойдаланиш, нодир,

камайиб бораёттан ҳайвон ва ўсимликларни сақлаб қолиш ишлари тўғрисида конкрет чоралар белгиланди. 1978 йили Иттифоқ Баш Ассамблеясининг XIV конгресси Ашҳабод шаҳрида ўтказилиб, табиат муҳофазаси соҳасида бир қанча муҳим масалаларни кўриб чиқди. Бу йиғилишда табиат муҳофазаси тўғрисидаги билимларни кенг тарқатишни, табиатни муҳофаза қилиш курсини мактабгача тарбия ёшидан бошлаб, олий мактабларгача ўтказишни тавсия этди.

Бундан ташқари табиий ресурсларни ҳимоя қилиш масалаларини кўрадиган бир қанча халқаро бирлашмалар тузилган. 1965 йилда сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш Халқаро Кенгаши ташкил этилди. 1922 йилдан бошлаб қушларни муҳофаза қилиш Халқаро Кенгаши иш олиб бормоқда. Овланадиган ҳайвонлар тўғрисидаги масалаларни ўзаро мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ишлари билан Халқаро овчилик координация Кенгаши шуғулланади.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан фойдаланиш Халқаро Иттифоқининг пропаганда ва маориф ишлари комиссияси, унинг регионал комитетлари кенг кўламдаги ишларни олиб бормоқдалар. Фарбий ва Шарқий Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Ҳиндистон Регионал комитетлари табиатни муҳофаза қилиш билимларини тарқатиш ишларини олиб бориш билан бирга табиатни муҳофаза қилиш курсининг мактаблар ва олий ўқув юртларида ўқитилишини яхшилаш устидан назорат ҳам олиб бораяпти.

Балиқчилик хўжалиги вазирлигига балиқчиликни тартибга солиш, балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш топширилди.

Ана шу барча бошқариш органлари мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш ишини 1988 йилгача бажардилар.

БМТнинг маориф, фан ва маданият масалари бўйича комиссияси (ЮНЕСКО) томонидан табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМХИ) таъсис этилди.

Ҳозирги вақтда бу иттифоқда 100дан ортиқ мамлакат, жумладан 11 та социалистик мамлакат кирган. Шунингдек унинг ишида 22 та халқаро ташкилотлар чунончи ЮНЕСКО, ФАО, ЮНЕП иштирок этади.

ТМХИни олий органи Ассамблея бўлиб, 3 йилда бир марта ийғилади. 1978 йил октябр ойида Туркманистанда табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқининг XIV Бош Ассамблеяси бўлиб ўтди.

### **Ўзлаштириш саволлари:**

1. Ерни инсон учун зарурлиги нимадан иборат.
2. Ота-боболаримизнинг Ер тўғрисидаги доно фикрлари нимадан иборат.
3. Ўзбекистон Республикасида умумий ер майдони неча гектар.
4. Ўзбекистон Республикаси «Ер тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида қайси тартибдаги ерлар келтирилган.
5. Суғориладиган ерларни ҳуқуқий-экологик муҳофаза қилиш учун қайси тадбирларни амалга ошириш зарур.
6. «Сувни муҳофаза қилиш» 97-98-99-100-моддаларда нималарга аҳамият берилган (1993 йил 6 май Ўз.Р. қонуни).
7. Биосфера ўсимлик дунёсининг роли нимадан иборат?
8. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш.
9. Ўрмонлар – сайёрамиз ўпкаси.
10. Табиатда энергия алмашувида ҳайвонларнинг роли қандай?
11. Тупроқ таркибини яхшилашда ҳайвонларнинг аҳамияти.
12. Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси ҳақида нима айтиоласиз?

13. Ўзбекистонда ҳайвонларни муҳофаза қилиш қандай йўлга қўйилган?
14. Табиатни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорликни зарурияти нимадан иборат?
15. Табиатни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорликни қандай шакллари мавжуд?
16. Табиатни муҳофаза қилишни амалга оширадиган қанақангি халқаро ташкилотларни биласиз?
17. Ўзбекистоннинг табиатни муҳофаза қилишни халқаро ташкилотлардаги фаолияти ҳақида нима биласиз?
18. Табиатни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорликдан мақсад нима?

## 6 - БОБ ШОВҚИН, ТИТРАШ ВА УЛЬТРА-ИНФРАТОВУШ

### **6.1. Пахтачилик, тўқимачилик ва енгил саноатдаги шовқин ҳақида умумий маълумотлар**

Иборат. Уч хил турдаги механик тебранишлар мавжуд: инфратовуши, товушли ва ультратовуши.

Йўл қўйиладиган чегаравий санитария нормаларидан юқори бўлган ишлаб чиқариш шовқинлари ва вибрациялар одам организмига заарли таъсир кўрсатиб, оқибатда оғир касалликларига олаб келиши мумкин.

Товуш тебранувчи жисм пайдо қиласидиган ҳавонинг тебранишининг тўлқинсимон тарқалишидан иборат.

Тўлқин узунлиги бир хил фазаларда тебранувчи нуқталар ўртасидаги минимал масофадир.

Товуш частотаси деб 1 с даги тўлиқ тебранишлар миқдорига айтилади. Частота бирлиги қилиб герц (Гц) қабул қилинган бўлиб, бу шундай тебраниш жараёники, бунда 1 с давомида фақат битта тебраниш содир бўлади. Одамнинг эшлиши органлари 16 дан 20000 Гц гача товушларни- товуш тебранишларини қабул қиласиди, 1000 дан 3000 Гц гача частотали товушларга жуда сезгир. Частотаси 16 Гц дан паст тебранишлар инфратовушга, 20000 Гц дан юқориси - ультратовушга киради.

Одамнинг қулоги унинг учта характеристикасини баландлигини, тембрини ва кучини фарқлайди.

Товуш баландлиги тебранишлар характеристи билан аниқланали.

Турли машиналар, механизмлар ва бошқа манбалардан пайдо бўладигна шовқин ва вибрация қаттиқ жисмлар, газ ва суюқликнинг механик тебранишларидан

Товуш тўлқинининг энергиясини ифлодаловчи товуш кучи ёки интенсивлиги тўлқин тарқаладиган йўналишга перпендикуляр жойлашган юзанинг 1 м дан 1 с да товуш тўлқини орқали олиб ўтиладиган товуш энергияси миқдори билан белгиланади ва у ёки бу одамнинг эшитиш аппарати хоссаларига боғлиқ эмас. Товуш кучи бирилиги товуш энергияси оқими қабул қилинган бўлиб, у 1 Вт/м га tengdir. Тебраниш энергияси юқори бўлган товуш баланд товуш, паст - паст товуш сифатида қабул қилинади.

Товуш тебранишлари ҳаво муҳитида товуш чиқмайдиган муҳитда атмосферага нисбатан босимнинг навбатма-навбат кўтарилиши ва туширилишини пайдо қиласди. Бу босимлар ва атмосфера босими ўртасидаги тафовут товуш босими деб аталиб, паскалда (Па) ифодаланади.

Эшитиш остонаси - бу товушнинг минимал кучи бўлиб, одам уни товуш деб ҳис қиласди (инфратовуш билан оғриқ остонаси ўртасидаги оралиқ билан характерланади ва тахминан 140 дБ га teng деб қабул қилинади). Бу ҳолда товуш босими жуда паст эшитиладиган товуш каби қабул қилинади. Турли частоталарда эшитиш остонаси бир хил эмас. Эшитиши нормал бўлган одамларда эшитиш остонасининг тўғри келадиган товуш интенсивлиги стандарт тип учун 1000 Гц қабул қилинган. Бунда эшитиш остонаси товуш кучига teng  $P_0=10^{-12}$  Вт/м<sup>2</sup>, товуш босими бирликларида  $P_0=2 \cdot 10^{-5}$ , Па.

Кўрсатиб ўтилган қийматлар таққослашнинг нуль даражаси бўлиб хизмат қиласди. Товуш тўлқинининг энергияси кескин ошганда оғриқ ҳис қилинади. Бу ҳолда тебранишлар товуш сифатида қабул қилинмайди. Масалан,  $10^2$  Вт/м<sup>2</sup> ( $2 \cdot 10^2$  Па) дан ортиқ товуш кучи оғриқ ҳисига остонасига tengdir. Оғриқ остонаси юқори бўлганида бош айланади, кўнгил айнайди, қулоқдан қон

оқади, энг оғир ҳолатда қулоқ пардаси тешилади. Одам қабул қиласидиган товуш босими диапазони  $2 \cdot 10^{-5}$  дан  $2 \cdot 10^2$  гача Па чегарасида.

Шовқин деб шу пайтда одамнинг эшиттиси келмайдиган, тинчликни бузадиган ёки фойдали товушни эшитишга халақит берадиган товушга айтилади. «Шовқин, Умумий хавфсизлик талаблари» ва СанПиН-0065-96 «Шовқиндан ҳимоялаш воситалари ва усуллари, таснифлаш» бўйича механик, аэродинамик (ёки гидравлик), электромагнит, ҳаво ва структуравийга бўлинади.

Ички қулоқнинг нерв аппаратига таъсир этиш характеристига кўра шовқин қуидагича фарқланади:

кенг полосали - частоталарнинг кенг диапазонидаги шовқин, бунда алоҳида тон ташкил этувчиликлар (масалан, вентилятор, кондиционер ва машиналар шовқини) эшитилмайди;

импульсли - бирин-кетин эшитиладиган зарбалар (пресс, буг болғаси) сифатида қабул қилинадиган шовқин;

тонал - маълум бир частотадаги аниқ эшитиладиган (автомобиль, паровоз гудоги, сирена ва х.к.) шовқин.

Тонал ва импульсли шовқинларкенг полосалиги нисбатан одамда нохуш ҳислар пайдо қиласиди ва нормалар билан ҳисобга олинади.

Барча шовқинлар товуш тўлқинларининг частота таркиби (спектри) кўра учта синфга бўлинади: паст частотали – тебранишлар частотаси 350 Гц гача (вентиляцион қурилмалар), ўртача частотали – 800 Гц гача(зарбасиз ишлайдиган агрегатлар); юқори частотали – 800 Гц дан юқори (зарба билан ишлайдиган агрегатлар, катта тезликдаги ҳаво оқимлари).

Ишлаб чиқариш шароитларида шовқин интенсивлиги жуда кенг чегараларда ўзгаради, шунинг учун уларни абсолют эмас,

балки нисбий логарифмик бирликларда - децибелларда (дБ) ифодаланади.

Ишлаб чиқариш шовқинларининг диапазони ўртача геометрик частоталарнинг 8 октавали полосасига бўлинади: 63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000 ва 8000 Гц. Октава полосаси деганда частоталар интервали тушунилади, унинг юқори частотаси пасткисидан икки марта юқори бўлиши керак.

Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнида пахтанинг пневмотранспорт қурилмаси, вентиляторлари шовқин манбай ҳисобланади. Бир метр масофада шундай вентиляторнинг (100 кВт кувватли) товуш босими даражаси 105 дБА га етиши мумкин. Пахта тозалаш корхонасидан 800-1000 м масофада этишиладиган бу вентиляторларнинг шовқини шу корхонада ишловчиларга ва заводга яқин яшовчи одамларга зарар келтиради. Жин ва линтерларда асосий шовқин манбай - аррали цилиндрлар.

Интенсив, кескин ва узоқ давом этадиган шовқин (турли частотали) ишловчиларга салбий таъсир кўрсатади: улар тез чарчайди, асад ва юрак қон томир системаси фаолияти бузилади, бунинг оқибатида қон босими ўзгаради, ошқозон-ичак трактининг фаолияти бузилади, қисман ёки тўлиқ эшлиши қобилиятининг йўқотилиши кузатилади, иш унумдорлиги пасаяди ва эътибор сусаяди. Бундан ташқари, пилталаш машиналари ва электрдвигателларнинг кескин шовқини ишчиларга огоҳлантирувчи сигналларни эшлишига халақит беради, бу баҳтсиз ҳодисаларда олиб келиши мумкин.

Вибрация - механик тебраниш бўлиб, одамга салбий таъсир қилиши мумкин, айниқса паст товуш ва инфратовуш частоталар. Вибрациянинг оддий тури бўлиб айлана частотаси (Гц). тебраниш амплитудаси (мм), тебраниш тезлиги (м/с) ва тезланиш ( $\text{м}/\text{s}^2$ ) би-

лан характерланадиган гармоник (синусоидал) тебранишлар бўла-ди.

Иш жойларидаги вибрациянинг йўл қўйиладиган даражаси СанПиН-0060-93 да келтирилган. Айниқса одам организмининг ўз тебранишлар частотасига тенг бўлган 6-9 Гц частотали вибрация айниқса заарлидир.

Ультратовуш таранг муҳитда 11200 дан  $10^9$  Гц диапазонда механик тебранишларда юз беради.

Саноатда деталларни тозалаш ва ёғсизлантириш, металларга механик ишлов бериш учун 18000 дан 30000 Гц частотагача бўлган тебранишли ультратовуш қурилмалар кенг қўлланилади.

Одамга ультратовуш ҳаво муҳити орқали таъсир қиласи. Ультратовуш қурилмаларда ишловчиларда бошоғриқ ва шовқин пайдо бўлади, тез чарчайди, уйқуси бузилади, оғзи қурийди ва қорнида оғриқ пайдо бўлади, кўриш қобилияти сусаяди, тана ва тери ҳарорати кўтарилади, пульс частотаси камаяди, босим (қон) пасаяди ва терморегуляция бузилади.

Ишлаб чиқаришда ва транспортда вентиляторлар (йирик), компрессорлар, ички ёниш двигателлари ишлаганида, автомобиллар юрганида инфратовуш пайдо бўлади, бу товуш эшитиш ва тактил ҳис қилиш орқали сезилади. У вестибуляр аппаратига зарарли таъсир қиласи, эшитиш остонасини пасайтиради ва юқори даражадаги (110-120 дБА) босимли ишлаб чиқариш муҳитида салбий факторлардан бири ҳисобланади. Инфратовушнинг йўл қўйиладиган чегаравий даражалари СанПиН-0063-96 «Иш жойларидаги инфратовушнинг гигиеник нормалари» билан нормаланади.

## 6.2. Шовқинни ўлчаш ва анализ учун асбоблар

Шовқинни ўлчаш ва анализ қилиш учун турли конструкциядаги шовқин ўлчагичлар, анализаторлар, ўзи ёзгичлар, магнитофонлар ва осциллографлардан фойдаланилади. Ўлчов трактидаги асбобларнинг сони шовқиннинг текшириладиган характеристикаларига, ўлчовларни ўтказиш шароитига, шунингдек олинадиган натижаларни қайд қилиш усулига боғлиқ.

Ўлчов трактлари бўйича шовқинни ўлчаш усувлари инспекторлик ва муҳандислик усувларига бўлинади. Инспекторлик усули асосан ишлаб чиқариш, транспорт, маиший шовқинларнинг санитария нормаларига мувофиқлигини текшириш учун хизмат қиласди. Бу ўлчаш усулида шовқин ўлчагич ва октава частота полосалари бор анализатордан фойдаланилади. Муҳандислик усули - бунда шовқин манбалари текширилади, пайдо бўлиш сабаблари анализ қилинади ва шовқин сўндириш воситалари ишлаб чиқиласди. Бу ўлчаш усули учун зарур бўлган асбоблар - бу уч актавали энсиз полосали анализаторлар, ёруғлик нурли регистраторлар ва бошқа шу каби асбоблардир.

Анализаторсиз фақат шовқин ўлчагич билан товуш босими-нинг умумий даражасини ўлчаш мумкин. Шовқин частотаси октавалар ва учта октавали фильтрлар тўплами билан ўтказилади.

Кейинги йилларда Ш-ЗМ шовқин ўлчагичи ва АШ-ЗМ анализатори кенг тарқалди, бироқ уларнинг камчиликлари бор: бу асбобларнинг алоҳида-алоҳида таъминлиниши (шовқин ўлчагич - батареяли, анализатор-нурли) акустик текширишда уларни жойдан-жойга олиб юришни мураккаблаштиради, товуш босими-нинг ҳақиқий қийматини олиш учун маҳсус методика бўйича қайта ҳисоблашга тўғри келади.

«RFT» ва «Брюль» ва «Къер» фирмаларининг приборлари аникроқ ва виброакустик ўлчовларнинг кенг диапазонига эга.

Барча акустик приборларни даражалаш зарур ва бир йилда камида бир марта стандартлар, ўлчовлар ва ўлчаш асбоблари Давлат қўмитасининг ташкилотларида текшириш лозим.

### **6.3. Шовқиндан ҳимоялаш**

Машиналар, ишлаб чиқариш биноалри ва иншоатларини лойиха-лаш ва ишлатишида, шунингдек иш жойларини ташкил этишида шовқиндан, вибрациядан ва ультратовушдан ҳимоялаш учун зарур чоралар кўриш зарур:

- товушни сўндирувчи ва товушдан изоляцияловчи материаллардан ва конструкциялардан фойдаланиш;
- цехда машина-ускуналарни рационал жойлаштириш;
- шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;
- меҳнат қилиш ва дам олиш режимларини рационал танлаш, шовқин шароитида бўлиш вақтини қисқартириш;
- корхоналар худудларини кўкаlamзорлаштириш ва сув ҳавзаларини куриш;
- шовқин пайдо бўлиш манбаида машиналар шовқинини камайтириш;
- шовқин тарқалишини чеклаш;
- товушдан изоляцияловчи кожухлар воситасида шовқинни локализациялаш;
- шовқинни экранлаштирувчи шовқин сўндиргичларни кўлланиши.

Масалан, ҳаво қувурлари бўйича тарқаладиган аэродинамик шовқин турли конструкциядаги сўндиргичлар ёрдамида сўндирилади.

Кувурсимон шовқин сўндиригичлар квадрат ва тўғри бурчак кесимли ишлаб чиқарилади. Товуш сўндириш қатламининг қалинлиги 100 мм, шовқин сўндиригичнииг узунлиги 700 мм. Шовқин сўндиригич типи ҳаво сарфига, йўл қўйиладиган тезлик ва тежамкорлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб танланади.

Товуш сўндирувчи материал сифатида зичлиги  $30\text{-}40 \text{ кг}/\text{м}^3$  ли шиша толадан тайёрланган ярим қаттиқ плиталар ёки зичлиги  $50\text{-}65 \text{ кг}/\text{м}^3$  ли минерал пахта плиталардан фойдаланиш тавсия этилади.

Деворлар ва тўсиқларнинг товуш изоляциясини ошириш ёки уларнинг массасини камайтириш учун улар ўртасида ҳаво оралиқли турли тўсиқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай конструкциялар бир қаватли шу массадагиларга нисбатан яхшироқ товуш изоляцияси хоссасига эга.

Герметизацияловчи материаллар сифатида юмшоқ сортдаги резина, асбест шнур, битум шимдирилган каноп лоси, рубероиддан фойдаланиш мумкин.

Товуш энергиясини ютиш типи бўйича барча материаллар ва конструкциялар учта гуруҳга ажralади:  
fovak-fovak, rezonans va donador.

Фовак-fovак сўндиригичларга ёғоч толали, минерал пахта, шиша тола плиталар, цемент фибролит, фторопластлар, капрон ва минерал толали маталар, шиша толалар киради. Бу материаллар товушни қўйидагича сўндиради: тирқишилардаги товуш энергияси ички ишқаланишни енгиш оқибатида иссиқлик энергиясига ўтади. Товуш сўндириш коэффициенти товуш сўндириш материалларининг хоссаларига, қалинлигига ва жойлаштириш усулига боғлиқ.

Резонанс товуш сўндиригичлар икки томонидан мато ёпиштирилган перфорацияланган экрандан иборат бўлиб, шовқин

манбаидан маълум бир масофада жойлашади. Экран сифатида металл тахталар, ёғоч-қиринди ва асбоцемент плиталар ва фанералардан фойдаланилади.

Донадор товуш сўндиргичлар - ҳажмли товуш сўндириш жисмлари бўлиб, бинода бир-бирдан 1500-2000 мм масофада осиб қўйилади. Улар асосан ғовак-ғовак материаллардан тайёрланади. Донадор товуш сўндиргичларнинг афзалиги - уни бевосита шовқин манбаларига ўрнатиш мумкинлиги.

Айрим бўгин ва машиналарнинг шовқинини локализациялаш учун турли конструкциядаги шовқин сўндиргичлар қўлланилади. Кожухларнинг ишлаши қаров ойналари, эшиклар, ўтувчи кувурларнинг люкларини, вентиляцион тирқишлиарни яхшилаб герметизациялаш ҳисобига таъминланади. Шовқин манбани ёпганда товуш босимиининг даражаси кожух остида ошади, шунинг учун шовқин сўндириш самарадорлигини оширишга айрим бўғинларнинг ички юзаларини товуш ва вирос сўндириш материаллари ёки маҳкамлаш жойларини виброизоляция билан қоплаш ҳисобига эришилади.

Ишчини шовқиннинг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳимояловчи экранлар шовқиннинг юқори частотали ташкил этувчиларини камайтиради. Экран ортидаги товуш сояси яратилиши натижасида пасаяди, товуш сояси товуш тўлқини узунлигининг экраннинг кўндаланг ўлчамига нисбатига боғлиқ.

Паст ва ўртача частотали шовқинлар исталган типдаги экрандан ўтади. Экран шовқин манбаидан 0,5-1,0 м юқорида жойлашган бўлиши керак.

Пахта тозалаш заводлариги вентилятордаги шовқинни пасайтириш учун қўйидаги чораларни кўриш зарур:

- вентиляторлар ғилдиракларини балансировкалаш;

б) шарикли подшипнилари ишдан чиқсан вентиляторларни ишга туширишга йўл қўймаслик;

в) вентилятор балансировкасининг бўзилишига олиб кела-диган фиддирак деталлари - курак, диск, тегарчакларнинг ейили-шига йўл қўймаслик;

г) ФИК 50 % дан паст бўлган вентиляторларни ишлатмас-лик, чунки бунда шовқин пасаяди;

д) тозалаш, қуритиш-тозалаш, жин, линтер ва пресслаш биноларидаги технологик машина-ускуналарга хизмат кўрсатади-ган марказдан қочма вентиляторларни очиқ жойда ёки ишчи цехлардан узоқроқда маҳсус биноларда ўрнатиш зарур. Жин ва линтер цехларидаги тола ва линтни олиш учун ҳаво бино ташқа-рисида ўрнатилган ҳаво қувурлари орқали узатилиши зарур.

Пахта учун тозалаш машиналарининг ички юзалари, шнек-ли тозалагичдан ташқари, жин, линтерлаш ва тозалаш цехлар-нинг деворларини акустик плиталар билан қоплаш мақсадга мувофиқдир.

Агар техник усуслар билан шовқинни санитария нормалари-гача пасайтириш имконияти бўлмаса, ундан (шовқинга қарши) ҳимояланиш шахсий воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади, бундай воситалар қаторига қулоқ қўймалари, наушниклар ва шлемлар киради.

Қулоқ қўймалари - ўта ингичка толали юмшоқ тампонлар бўлиб, эшитиш каналига қўйиладиган конуссимон шаклдаги баъ- зан воск ва парафин аралашмаси шимдирилган бўлади, ёки қат-тиқ қўймалар (эбонит, резина). Бу шовқиндан ҳимоялашнинг энг арzon ва компакт воситасидир, лекин етарли даражада самарали эмас (шовқинни 5-20 дБга пасайтиради) ва бир қатор ҳолларда но-қулай ва эшитиш каналининг гашини келтиради.

Саноатда Мәжнат мұхофазаси илмий текшириш институти ишлаб чиқарған наушниклар кенг ишлатилади, үлар қулоқ чаноғига зич кириб ёйсімон пружинани ушлаб туради. Бу наушниклар юқори частоталарда (20-38 дБ) яхши самара беради. Буни улардан фойдаланиша ҳисобға олиш зарур.

Товуш құвваты юқори (120 дБ) бўлган шовқинда кўймалар ва наушниклар ёрдам бермаслиги мумкин, бундай шароитда шовқин бевосита одамнинг миясига таъсир қилғанлиги учун шлемлар ишлатилади.

#### 6.4. Титраш

Технологик машина-ускуналар тезлигининг ошиши билан бир вактда унинг материал сифимининг пасайиши титрашнинг кучайишига олиб келади. Титрашнинг узоқ таъсир этиши ишловчиларнинг соғлиғига ва мәжнат унумдорлигига таъсир қиласы, бу оғир қасб касаллигига — титраш касалликка олиб келиши мумкин. «Титраш, Умумий хавфсизлик талаблари» - СанПиН-0063-96да келтирилган.

Одам организмига таъсир қилиш характеристи бўйича титрашлар маҳаллий (бунда одам танасининг титратувчи юзага бевосита тегиб турган қисми дучор бўлади, масалан, ҳовоасбоби билан ишлашда титраш фақат қўлга берилади) ва умумий (навбатманавбат бутун организмга ўтади, масалан, титратувчи юзада ишлаганида) га бўлинади. шунинг учун уларга турли йўл қўйиладиган чегаравий тебранишлар амплитудаси, титраш тезликлар ва титраш тезланишлар белгиланади.

Одам организмига титрашнинг заарли таъсирини олдини олиш учун амортизаторлар (войлок, резина, пўлат пружина титраш изоляторлари ва ҳ.к.) ва шахсий ҳимоя воситалари (титрашни сўндирувчи қўлқоплар ва пойабзал) қўлланилади.

Двигателлар ва машиналардан биноларнинг конструктив элементларига узатиладиган титрашни камайтириш учун титрашдан ҳимоя қўлланилади. Шу сабабли машиналар, двигателларнинг пойдевори остига қўймалар (резина, ёшиша тола билан кучайтирилган полихлорвинил смола) қўйилади. Пойдевор орқали узатиладиган тебранишлардан тупроқни ҳимоялаш учун тупроқка битимлаштирилган войлок, шлак ва бошқалар қўйилади.

Пахта тозалаш корхоналарида вентиляторлар ишлаганида, аррали, қозикли-планкали ва чўткали барабанлар дисбалансида титраш пайдо бўлади. Титрашни камайтириш учун титрашдан ҳимоя қўлланилади (вентилятор рамаси асосига таранг материаллардан қўймалар ёки пружина-резина амортизаторлар қўйилади).

Тебранадиган машина-ускунада ишлагандаги эпитеши органларини ҳимоялаш учун шовқинга қарши воситалардан (қўймаберушлар, кулоқ тиқинлари, шовқиндан ҳимоялаш шлемлари) фойдаланиш, титрайдиган машина-ускуналарда ва асбобларда ишлаш вақтини қисқартириш тавсия қилинади. Мазкур ишларга 18 ёшдан кичик шахслар, ҳомиладор аёллар, шунингдек ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликлари бор шахслар йўл қўйилмайди.

Титраш шароитида ишловчи барча ишловчилар тиббий кўрикдан (бир йилда бир марта) ўтишлари зарур.

## 6.5. Ультра ва инфратовушдан ҳимояланиш

Ультратовуш билан ишлашда шахсий ҳимоя воситалари сифатида шовқинга қаршилагичлар ва қўлқоплардан фойдаланилади. Бундан ташқари, барча ультратовуш қурилмалар ишчи бинолардан ҳавога ажralиб чиқадиган заарли газларни йўқотиш учун вентиляцион сўргичли ёпиқ жойлар билан жиҳозланиши зарур.

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

Инфратовушнинг интенсивлигини машина-ускуналарни реконструкциялаш, уни ишлаш режимини (тез юришини ошириш) ўзгартириш, яъни бунда куч импульсларининг асосий частотаси инфратовуш диапазоннинг чегарасидан ташқарида бўлиши керак, транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини камайтириш, манбани товушдан изоляциялаш йўли билан пасайтириш мумкин.

### **Ўзлаштириш саволлари:**

1. Шовқин нима?
2. Механик тебранишлар неча хил бўлади.
3. Товуш частотаси нима?
4. Одамнинг эшлиши органлари товушларни неча герцда қабул қиласи.
5. Инфратовуш нима?
6. Ультратовуш нима?
7. Эшлиши чегараси (остонаси) нима?
8. Оғриқ чегараси нима?
9. «Шовқин, Умумий хавфсизлик талаблари» қайси ҳужжат асосида белгиланади.
10. Шовқинлар частота таркибига кўра неча синфга бўлинади.
11. Шовқинни нима билан ўлчанади.
12. Вибрация нима?
13. Шовқиндан қандай қилиб ҳимояланилади.
14. Ультра ва инфратовушлардан шахсий ҳимоя воситаларига нималар киради.

## 7 - БОБ

### ТАШҚИ МУҲИТНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.

**7.1. Асосий  
түшунчалар,  
терминлар ва уларни  
аниқлаш**

Инвентаризация ўтказишида  
куйидаги ҳужжатлардан  
фойдаланилади:

РД. 118. 0027714. 14-92 – Та-

биятнинг муҳофазаси. Йўл қўйса бўладиган, ташлаб юбориш ло-  
йиҳаларини (ЙҚБТЮ) экспертиза қилиш тартиби;

РД. 118. 0027714 - 94 - Атмосферадаги ифлослантирувчи мод-  
даларни йўл қўйса бўладиган ташлаб юбориш (ЙҚБТЮ) катта-  
ликларини белгиловчи меъёрий лойиҳалар тартибини белгилаш  
учун корхоналар таклифларини аниқлаш бўйича услубий кўрсат-  
ма.

Инвентаризация қилишнинг умумий талаблари корхонадан  
атмосфера ҳавосига чиқаётган ифлослантирувчи манбаларнинг  
инвентаризация қилиши ўз ичидаги катталликларини аниқлаш,  
сифат ва миқдор таркибини, ахборотни йиғишни системалаш-  
тириш ишларини қамраб олади.

Инвентаризация қўйидаги мақсадларни кўзлайди:

- корхоналарнинг ифлослантирувчи моддаларини давлат на-  
зоратини ташкил қилиш;
- ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини  
баҳолаш;
- атмосфера ҳавосининг ифлосланишини олдидан айтиб  
бериш;

- ифлосликларини атмосферага йўл қўйса бўладиган чиқариб юбориш катталикларини белгилаш ва уларнинг бажарилиши учтидан давлат назорати ўрнатиш;
- атмосферани ифлослантирганлиги учун тўлов ҳажмини белгилаш;
- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши;
- чангли ва газли ҳавони тозалаш ва шу мақсад учун ишлатиладиган ускуналар ишини ва тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш;
- хом ашё, ёқилғи ва материалларнинг ишлатилиш самарадорлигини баҳолаш ва чиқиндиларини утилизациялаш;
- корхонада қўлланадиган технологик жараёнларнинг экологик характеристикасини баҳолаш;
- чиқарилаётган маҳсулотнинг мақсади ва турига қараб корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнларини асосий, ёрдамчи, кўмакчи ва қўшимчаларга бўлинади.

**АСОСИЙ ЖАРАЁН** - ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми бўлиб, унда хомашё тайёр маҳсулот таркибида асосий роль ўйнайди.

**ЁРДАМЧИ ЖАРАЁН** - асосий жараён учун хизмат қилувчи ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми.

**КЎМАКЧИ ЖАРАЁН** - бу ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми бўлиб, унинг маҳсулоти ёрдамчи жараёнда ёки капитал қурилишида ишлатилади.

**ҚЎШИМЧА ЖАРАЁН** - бу чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан халқ эҳтиёжи ёки умумтехник мақсаллардаги моллар ишлаб чиқариш жараёнларидир.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба - қаттиқ, суюқ, газ ёки аэрозоль ҳолатида, ҳамда унинг аралашмаси ҳолатида иф-

лослантирувчи моддалар ишлаб чиқарувчи ва атмосфера ҳавосига тарқатувчи антропоген ёки табий объектлардир. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи антропоген манбалар муқим (корхона, муассаса, цех, бўлим, технологик тизим, иссиқлик электр станциялари ва ҳоказо) ва кўчма (авиация, темир йўл, сув, автомобиль транспорти воситалари ва бошқалар) турларига бўлинади. Авиация заводларининг учиш-синов станциялари, тепловоз ва кемасозлик заводларининг синов станциялари, автомобиль заводларининг двигателларини дастлабки синов станциялари муқим манбаларга киради.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ўз таркиби бўйича ажратиб чиқарувчи ва тарқатувчи манбаларга бўлинади.

Ифлослантирувчи моддаларнинг ажралиб чиқарувчи манбалар технологик агрегат, ускуна, аппарат, мослама, электрюритгич ва ҳоказолар бўлиши мумкин; буларда технологик ёки бошқа қўшимча жараёнларнинг бориши ифлослантирувчи модда ҳосил қиласди.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқариб юбориш манбаси леб бевосита ҳавога ифлослантирувчи моддаларни чиқариб юборувчи мосламалар (ҳаво қувури, аэрация ва цех фонарлари, ҳаво алмаштириш шахтаси, дефлектор, сўрувчи вентилятор ва бошқалар) га айтилади.

Манба оғзи конструкциясининг тузилишига ва бирлаштириш характеристига қараб манбалар қуидагиларга бўлинади:

- якка (нуқтали) бўлиб уларнинг оғзи доира, тўртбурчак ва бошқа формалардаги кесимга эга;
- гуруҳли - бир - бирига яқин ва бир умумий майдонда ёки томла мунтазам жойлашган нуқтали манбалар мажмуаси;

-майдонли - бир нечта гурухли манбаларнинг ёки катта майдонларни эгаллаган якка манбалар (бислогик ҳовузлар, тинлиргичлар юзалари) мажмуаси;

- чизиқли - аэрация ва цех фонарлари ҳаво алмашиш шахтлари, дефлекторлар, ҳаво қувурлари системаси, автомобиль йўллари системаси ва шу каби чўзилган манбалар.

Ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариб ташлайдиган манба оғзининг сатхидан баландлигига қараб, бу манбалар қуйидагиларга бўлинади:

- ўта юқори (баландлиги 100 м дан юқори);
- юқори (баландлиги 50 м дан 100 м гача);
- ўрта (баландлиги 10м дан 50м гача);
- паст (баландлиги 2м дан 10м гача);
- ер устида (баландлиги 2м гача).

Саноат чиқиндилари қуйидаги туркумларга бўлинади:

- ҳосил бўлиш соҳаси бўйича - асосий, кўмакчи за ёрдамчи корхона ишлаб чиқариш ускуналаридан;

- тармоқ белгиси бўйича - технологик, шамоллатиш, маҳаллий сўриш, чанг-газлардан тозалангандан ва зарарсизлантирилгандан сўнги қолдиқлар;

- иш тартиби бўйича - ялпи чиқиндиларни бир текис узлуксиз чиқариш, чиқиндиларни маълум қонунга мувофиқ, вақти-вақти билан чиқарувчи ва авария ҳолати, бу ҳолатда ҳавога қисқа муддатда катта миқдорда ифлосланган моддалар чиқарилади ва бу бирлаҳзада чиқариладиган чиқиндиларга яқинлашади;

- чиқариш усули бўйича-уюшган ва тартибсиз.

Чиқиндиларни ҳосил бўлган жойидан газ узатиш системаси орқали ажратиш уюшган усулга киради, бундай усул чиқиндиларни ушлаб қолиш ва зарарсизлантириш учун маҳсус қурилмаларни қўллаш имкониятини беради.

Тартибсиз чиқариш усулига технологик ускуналар, аспирация ва газ тозалаш системаларида герметизация ёки тўсиқларнинг йўқлиги, шунингдек маҳаллий сўргичлар системаси ёки зонтлар билан жиҳозланмаган аппаратлардан, агрегатлардан, ускуналар, транспортлардан ажралиб чиқадиган очиқ ҳолдаги суюқлик сақланадиган ховуз, резурвуарлардаги буғланиш, қазиш-портлаш, юклаш-тушириш ишларидағи, сочиладиган ва инерт материалларни сақлаш, жилдириш ва шу кабилар киради. Тизимли ва майдонли манбалардаги чиқиндилар ҳам шунга киради.

- марказлаштирилган тартиби бўйича - марказлаштирилган, бунда бир неча манбалардан чиқсан ифлослантирувчи моддалар бир-икки ёки битта кўп тармоқли трубага йигилади;
- агрегат ҳолати бўйича - қаттиқ суюқ, газ ҳолатидаги, аралаш чиқиндилар;
- ҳарорати бўйича - ўта қизиган чиқиндилар (атроф-муҳит ҳавосининг ҳароратлари орасидаги фарқ  $t=100^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлса), қизиган ( $20^{\circ}$ дан  $100^{\circ}\text{C}$  гача), унча қизимаган ( $t=50$ дан  $20^{\circ}\text{C}$  гача), изотермик ( $T=0^{\circ}\text{C}$ ) ва совитилган ( $t=0^{\circ}\text{C}$  дан кам).

Ишлаб чиқариш корхонасидан атмосфера ҳавосига олдин чиқарилган ва корхона ҳовлисида ҳамда ундан ташқарида ўтириб қолган, шунингдек атмосфера диффузияси қайта-қайта жалб қилинган ифлослантирувчи моддалар инвентаризация вақтида ҳисобга олинмайди.

Ультра товуш майдонларини киритиш ва сиқиши даражаларининг таъсирини кўрсатиш каби йўллар билан технологик жараённи такомиллаштириш зарур.

Ўз таркибида биргина тартибсиз чиқинди манбасига эга бўлган хўжалик обьекти бир вақтда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ажратувчи манба бўлади. Чанг-газ тоза-

ловчи ускуналар, агар улардан қолдиқ чанг-газ аралашмаси бевосита цехга кирса, ифлослантирувчи манба ҳисобланади.

Чанг-газ тозаловчи аппарат-газ тозалаш қурилмасининг элементи бўлиб, унда ажralиб чиқаётган газли оқимдаги қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолатидаги ифлослантирувчи моддаларни бартараф этишнинг аниқ ишланган жараёни амалга оширилади.

Лойиҳадаги тозалаш даражасининг камайишига олиб келувчи механик, электрик ёки бошқа узеллари бузилган чанг-газ тозалагич қурилмалари носоз ҳисобланади. Газ ва чангларни лойиҳада, техник шарт ёки регламентда кўзда тутилган концентрациягача тозалаш таъминланмаган чанг-газ тозалаш қурилмалари самарасиз ҳисобланади.

Тозалаш даражаси – чанг-газ аралашмасидан ифлослантирувчи моддалар таъсиридан ажратиб олинган массани тозалашгача бўлган шу аралашма таркибидаги модда массасининг нисбатидир ёки чанг-газ тозалаш ва заарсизлантирувчи ускуналарнинг ишлаган вақтининг тегишли технологик ускуналар иш вақтига нисбатидир.

Ушлаб қолинган ифлослантирувчи заарли модда – чапг-газли оқим чиқаётган манбадан ажратиб олинган ифлослантирувчи моддалардир. Йиллик ташландиқлар – ифлослантирувчи моддаларнинг ташқи муҳит ҳавосига ташландиқ йифиндисидир.

Ифлослантирувчи моддаларнинг солиштирма ташландиқлари иш жараёнида ишлаб чиқилаётган маҳсулотни тайёрлаш жараёнида чиқадиган атмосфера ҳавоси ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг сонига тенгдир.

## 7.2. Инвентаризация ташкил қилиш ва ўтказиш

Республика ҳудудида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар инвентаризациясини ўтказиш ишларини ташкил қилиш ва унга

услубий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси ташқи муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари амалга оширадилар.

Инвентаризацияни мулк формаси, расмий идорага мансублиги ва жойлашиш ўрнидан қатъий назар, мустақил балансда турувчи корхона ўз молиявий маблағи ҳисобидан ўтказади.

Ўз балансида шаҳарнинг турли ҳудудларида жойлашган ишлаб чиқариш территориялари ёки бошқа шаҳарлардаги филиаллари бўлган ишлаб чиқариш территориялари ёки бошқа шаҳарлардаги филиаллари бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида инвентаризация ҳар бир ишлаб чиқариш бирлигига алоҳида ўтказилади ва кейинчалик маълумотлар бирлашма бўйича умумластирилади.

Ўзи мустақил балансда турган, бироқ бирор корхона ҳудудида жойлашган қўшма, ижара, кооператив, кичик ва бошқа корхона-лар инвентаризацияни ўз молияи маблағи ҳисобидан ўтказишлари керак. Корхоналар инвентаризацияни ўз кучлари билан ёки бунинг учун ихтисослаштирилган ташкилотни жалб қилиб ўтказа-дилар. Ҳар икки ҳолда ҳам бундай ишларни бажаришга ҳуқуқ берувчи маҳсус ҳужжатта эга бўлишлари керак.

Инвентаризация ўтказишга гувоҳномани аттестация комиссиясининг ижобий холосасига асосан Ўзбекистон Республикаси ташқи муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси шу корхонанинг иш фаолияти даврида бир марта ўтка-

зилади. Корхона кенгайган пайтда, қайта қурилганда, ихтисосий ўзгарганда, усқуналарни, цехларни капитал ва жорий таъмирлаш вақтида, корхона усқуналарини демонтаж қилиш муносабати билан тармоқ, цехлар ёпилганда, аввал ўтказилган инвентаризация маълумотлари қайтадан аниқланади.

Инвентаризация ишлари қуйидагича: тайёрлаш ишлари, ўлчаш ва ҳисоблаш ишлари, инвентаризация натижаларини аниқлаш ва олинган материалларни ёзиш ва тасдиқлаш тарзида ўтказилади.

Биринчи босқичда техник лойиҳалаш нормаларига мувофиқ корхонанинг манзилгоҳи, инвентаризация қилинадиган корхона структураси тўғрисида маълумот тўпланади, технология ўрганилади ҳамда асосий ва ёрдамчи, корхоналарнинг баланс схемалари тузилади.

Материаллар, ёқилғи сифати ва миқдор таркиби, чиқариладиган маҳсулот номенклатураси ва ҳажми, технологик усқуналарнинг иш режими, чанг - газни тозалаш, ифлослантирувчи моддаларни зарарсизлантириш системалари ҳақидаги маълумотларни корхона томонидан расмий маълумот тарзида тақдим этилади.

Иккиласмчи босқичда ифлослантирувчи моддалар чиқариладиган ва ташланадиган манбалар, аспирация, чанг-газ тозалаш системалари текширилади. Уларнинг жойланиш ўрни ва параметрлари аниқланади.

Учинчи босқичда тегишли ҳисоблаш ишлари ва олинган маълумотларни тартибга солиш, шунингдек инвентаризация бланкаларини тўлдириш ишлари бажарилади.

Тўртгинчи босқичда инвентаризация натижалари расмийлаштирилади, мувофиқлаштирилади ва тасдиқланади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи, чиқинди манбаларини, шунингдек чанг-газ тозалаш ва заарсизлантириш ускуналарини текшириш ишлари маълум тартибда, технологик жараён бўйича асосийдан бошланиб, кўшимча корхонада тугалланади.

Ифлослантирувчи ва чиқинди манбаларининг номлари техно-ишчи лойиҳасига тўғри келиши лозим, чиқариш манбалари эса ускуналар махсуслигига, шунингдек чанг-газдан тозалаш ва заарсизлантириш қурилмалари ва уларнинг паспортларига мос келиши керак.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи шу корхона технологик ва регламентида (технологик схема, технологик ва режим картаси) кўрсатилган номига тўғри келиши керак.

Ифлослантирувчи моддаларнинг номлари уларнинг йўл қўйса бўладиган концентрацияси (ЙҚБК) миқдорига, аҳоли яшайдиган жойлардаги атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг ЙҚБК тасдиқланган рўйхатига тўғри келиши керак.

Ифлослантирувчи моддалар ажратувчи манбаларнинг иш вақти ускуналарнинг лойиҳа ҳужжатларидаги иш вақтига тўғри келиши шарт. Ифлослантирувчи манбалар, шунингдек, ифлослантирувчи моддаларнинг тартибли ва тартибсиз чиқариш манбалари корхона карта-схемасига киритилади.

Инвентаризация ўtkазиш тартиби бўйича ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбаларга тўғридан-тўғри ўсиб борувчи нумерациялар киритилади. Инвентаризацияни аниқлаш вақтида туғатилган чиқариш манбаларининг тартиб рақамлари тушириб қолдирилади, янги киритилганларига эса наъбатдаги янги тартиб рақамлари берилади.

Ҳар бир чиқариш манбайнинг ўрни саноат майдонининг шартли координат системасида, координат ўқларининг биринчи чорагида (мусбат), «у» ўқи билан шимол йўналиши қўшилган

ҳолда аниқланади. Тартибли чиқариш манбаларининг параметрлари (баландлиги, диаметри ёки чиқариш жойининг кўндалантиксими ўлчами, техно-ишчи лойиҳа чанг-газдан тозалаш қурилмалари паспортида) да кўрсатилган миқдорига ёки тўғридан-тўғри ўлчаш натижасида олинган миқдорларга тўғри келиши керак.

### **7.3. Инвентаризация таркиби ва уни тахт қилиши**

Инвентаризация материаллари китоб кўринишида 4 нусхада расмийлаштирилади. Инвентаризация китобининг бетлари умумий тартибда алоҳида бетларда бажарилган иллюстрация, схема, графикларни ўз ичига олган ҳолда рақамланади.

Инвентаризацияни ўтказишида қатнашганлар ҳаммасининг фамилияси ва исми-шарифлари ижрочилар рўйхатида кўрсатилади. Аннотацияда бажарилган ишларнинг асосий натижалари баён этилади. «Корхона ҳақида умумий маълумотлар» бўлимида корхона жойлашган ўрнининг физик географик шароити ва иқлими тўғрисида маълумот берилади.

Корхонанинг таъсир доирасида ўрнашган аҳоли яшайдиган массивлар билан бирга, шунингдек корхона, шаҳар плани (аҳоли яшайдиган пункт) билан боғловчи моддалар киритилган ҳолатдаги жойлашиш плани келтирилади.

Ифлослантирувчи моддалар ажратувчи манбалар характеристикиси бўлимида ҳар бир чиқарувчи манба учун қўйидагилар келтирилади:

- чиқариладиган маҳсулотнинг технологик жараён тури;
- бир йил ва бир суткадаги иш вақти;
- чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини аниқловчи зарур ўлчаш натижалари;
- дастлабки маълумотлар;

- тўлиқ ҳисоб, шулар қаторида ингредиентлар бўйича чиқарувчи манбалардан келадиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини ҳақиқий ўлчаш натижалари.

Ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбалар характеристикиси бўлимида ҳар бир чиқарувчи манба учун қўйидаги маълумотлар келтирилади:

- маълум тартиб номеридаги чиқариш манбасига тушадиган ифлослантирувчи модда ажратувчи манбалар сони ва номи;
- чиқариш манбалари ва атрофга чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг тегишли ҳисоблари ва изоҳлари билан берилган параметрлари;
- чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори ва таркиби қўлланилган усул ва формулаларга асосан ҳисобланган йўл қўйса бўладиган концентрация (ЙҚБК) миқдори тегишли ҳисоб ва изоҳи билан.

Чанг-газдан тозалаш ва заарсизлантириш қурилмаларининг ишлаш характеристикиси бўлимида ҳар бир чиқариш манбаига келтирилади:

- тозалаш лозим бўлган ифлослантирувчи моддаларнинг номлари;
- тозалашга тушувчи ва тозалашдан сўнг ташланадиган ифлослантирувчи моддалар концентрациясини ўлчаш маълумотлари;
- чанг-газдан тозалаш ва заарсизлантириш қурилмаларининг фойдали ҳаракат коэффициенти ( $\Phi_{ХК}$ ) ҳисоби ва лойиҳадаги  $\Phi_{ХК}$  тўғрисида маълумотлар;
- чанг-газдан тозалаш қурилмаси билан таъминланиш ҳақиқий коэффициентининг ҳисоби, чанг-газдан тозалаш норматив таъминоти маълумотлари;
- бутун корхона бўйича чанг-газдан тозалаш ва заарсизлантириш манбалари ҳолатининг қисқача таҳлили.

Атмосферага ифлослантирувчи моддалар жами чиқарилиши бўлимида тозаламай чиқарилаётган, тозалашга тушаётган (улардан утилизацияланган), ҳар бир модда учун шунингдек атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар, бутун корхонанинг жами чиқиндилирининг ҳисоби ва изоҳи берилади.

Ўтказилган инвентаризация натижалари ифлослантирувчи моддалар манбаларининг инвентаризация варақаларидаги тегишли бўлимларига киритилади, ҳеч қандай қисқартириб ёзишга ижозат берилмайди.

Корхонанинг хавфсизлик даражасини аниқлаш бўлимида – корхонанинг экологик хавфсизлик даражасининг ҳисобланиши РД 118.00.27714. 17-94га мувофиқ келтирилади. Ҳисоблаш ишларининг ЭҲМда бажариш Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси руҳсат берган дастурлар ёрдамида ўтказилади.

«Хулоса»да қилинган ишларнинг қисқача таҳлили ва вақтинча йўл қўйса бўладиган (ВИҚБ) нормативлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки уни тозалаш учун таклифлар берилади.

Фойдаланилаган адабиётлар, қўлланма, норматив ва бошқа адабий манбаларнинг тўлиқ номи, муаллифларининг исми, фамилиялари, нашриёт номи ва чиқарилган йили қайд қилиниши лозим.

#### **7.4. Инвентаризацияни мувофиқлаш ва тасдиқлаш тартиби**

Инвентаризацияни мувофиқлаш леганда унинг натижалари мазкур ҳужжатнинг талабларига мос келишини текшириш тушунилади.

Инвентаризация етказишида Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, табиатни муҳофоза

қилиш вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўмиталари, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари билан келишилади ва инвентаризацияланаётган корхонанинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Экологик хавфсизлик жиҳатидан биринчи, иккинчи ва учинчи категорияларга кирувчи корхоналар лойиҳаси билан ҳам келишишга тақдим этилади. Инвентаризацияси ва экологик хавфнинг биринчи категориясига кирувчи вақтингчалик йўл қўйса бўладиган нормативлари лойиҳасини тақдим этилган кундан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари кўриб чиқишлари учун 20 иш куни муддат берилади. Улар шу муддат ўтгандан сўнг ишлаб чиқувчиларга, улар тақдим этган материалларига келишилган ёки келишилмаганлик ҳақида ёзма холоса берадилар, бунда келишилмаганлик сабаблари аниқ баён қилинади ва у материалларни табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига экспертизага юборадилар.

Экологик хавфлилик жиҳатидан иккинчи ва учинчи категорияга кирувчи корхоналар инвентаризацияси ва ВИҚБ нормативлари лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этилган кундан бошлаб 15 иш куни, тўртинчи категорияга кирувчиларга эса 10 иш куни берилади. Шу муддат ўтгандан сўнг табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари томонидан инвентаризация китоби биринчи варагида келишилганлик ҳақида белги, ВИҚБ нормативлар лойиҳасининг биринчи варагида эса унинг тасдиқланганлиги ҳақида белги қўйилади ёки келишилмаганлик ё тасдиқланмаганлигининг сабаблари аниқ баён этилган ёзма холоса берадилар. Кўрсатилган камчиликлар тузатилгандан сўнг инвентаризация материаллари ва ВИҚБ норматив лойиҳалари тегишлича келишилади ва қайта кўриб чиқиш учун топширилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида тасдиқланади.

Агарда ишлаб чиқувчилар ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари ўртасида асосли келишмовчилик бўлса, қайта кўриб чиқишга тақдим этилган инвентаризация ва ВИҚБ нормативлар лойиҳаларини табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига РД 118.00.27714. 14-92га мувофиқ мустақил экспертиза қилишга юборилади.

Мустақил экспертиза ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари хулосаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тақдим этган инвентаризация материаллари ва ВИҚБ нормативлари лойиҳалари тегишилича келишилади ва уларни тасдиқлайди, акс ҳолда келажакда кўриб чиқиши ради қилиш сабаблари аниқ баён этилган ёзма хулоса беради.

## Ўзлаштириш саволлари:

1. Инвентаризация ўтказишида қайси хужжатлардан фойдаланилади.
2. Инвентаризация қайси мақсадларни кўзлайди.
3. Асосий, ёрдамчи, кўмакчи жараёнлар нима.
4. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ўз таркиби бўйича қайси манбаларга бўлинади.
5. Ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариб ташлайдиган манбаларнинг баландлиги неча метр.
6. Тозалаш даражаси нима?
7. Инвентаризацияни ким ташкил қилади.
8. Инвентаризация ўтказишига гувоҳномани ким беради.
9. Инвентаризация қандай ўтказилади.
10. Инвентаризация таркиби нимадан иборат.
11. Корхонанинг экологик хавфсизлик даражаси қандай ҳисобланади?
12. Инвентаризацияни мувофиқлаш ва тасдиқлаш тартиби.
13. Мустақил экспертиза ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ташкилотлари ўртасида асосли келишмовчилик бўлса ким ҳал қиласи.

**8-БОБ****ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.**

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 4.05-93йилдаги № 8-ТК қарори билан экологик экспертизани ўтказиш тартиби тасдиқланган.

Кўлланилиш соҳасини мазкур ҳужжат билан белгилайди:

- Халқ хўжалиги обьектлари ва комплексларини қуриш лойиҳалари ва техника-иқтисодий (ҳисоблар) асосларни Давлат экологик экспертизасидан (ДЭЭ) ўтказишнинг бир хил тартибини;

- ДЭЭ дан ўтказишида томонларнинг вазифалари ва жавобгарликларини белгилайди.

Ҳужжат қўйидагилар учун мажбурийдир:

- Ўз фаолиятида салбий экологик оқибатларни йўқотиши (енгиллатиш)га жамият олдида кафиллик берувчи лойиҳа-хужжатга буюртма берувчи ташкилотлар учун ;

- Лойиҳа-хужжатни ишлаб чиқувчи ва буюртма берувчига экологик ҳавфсизликни таъминлашга кафиллик берувчи ташкилот учун;

- Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни назорат қилувчи давлат ташкилотлари учун.

Меъёрий манбалар учун мазкур ҳужжатда қўйидаги ҳужжатлардаги манбалардан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитасининг 1992 йилда тасдиқланган ва халқ хўжалиги обьектлари ва комплексларини қуриш учун майдон танлашда, техника-иқтисодий асослар ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида (реконструкциялашда), кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлашда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тартиби тўғрисидаги (инструкция) йўриқнома;

- Корхоналарни, бинолар ва иншоотларни куриш учун лоийха-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги 1.02.01-85даги СНиП йўриқнома;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йилдаги 9 декабрь Қарори билан қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

### **8.1. Экологик экспертизанинг асосий тушунчалари**

Мазкур инструкция Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси тизимидағи эксперт ташкilotлар, буюртмачи ва ҳужжатни

ишлаб чиқувчилар учун мўлжалланган ва бинобарин, у қўйида гиларни белгилайди:

- ДЭЭнинг мақсади, принциплар ва устиворлиги, вазифалари, объектлари, ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини;

- Ҳужжатнинг таркиби ва мазмунига бўлган умумий талаблар, шунингдек МДХдаги Давлат табиат қўмиталари тизимидағи эксперт органларга тавсия қилиш тартибларини;

- Эксперт гурӯҳи (комиссияси)нинг жамлама хulosаси ва ДЭЭнинг хulosаси мазмунини.

Давлат экологик экспертизасининг мақсади ҳўжалик қарори қабул қилишга олиб келувчи, атроф табиат муҳитни муҳофаза қилишнинг мажбурий мезонидир. ДЭЭнинг мақсадларига - ҳўжалик ёки бошқа фаолиятда мўлжалланган амалга оширилаётган экологик хавф даражасини аниқлаш, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш қонуниятлари талабларига мос келишини баҳолаш, лойиҳаларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган чораларнинг асосланганлиги ва етарлилигини аниқлаш киради.

Давлат экологик экспертизасининг объектлари Давлат экологик экспертизасидан ўтишлари лозим:

- ишлаб чиқарувчи кучлар ва халқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва кенгайтиришнинг схемалари ва асосий йўналишлари, концепциялари, давлат режалари лойиҳалари;
- барча турдаги қурилишлар учун майдон танлаш материаллари, режадан олдинги ва лойиҳа хужжатлари;
- табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик ҳолатни баҳолаш билан боғлиқ бўлган илмий изланиш ишларининг дастурлари;
- табиий ресурслардан фойдаланиш ва хўжалик фаолиятини белгиловчи инструктив-услубий лойиҳалар ва меъёрий-техник хужжатлари;
- янги материаллар ва моддаларнинг технологияси ва техникасини яратиш бўйича ҳужжатлар, шу жумладан чет элдан сотиб келтириладиганлар, шунингдек бошқа техника ва ҳужжатлар, маҳсулот стандартлари;
- Ўзбекистон Республикасига келтириладиган ва ундан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотлар;
- Кимёвий моддалар;
- айрим регионлар, ҳудудлар, жойлар ва объектларнинг экологик вазияти;
- атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар.

Лойиҳаларни ДЭЭнинг ижобий хulosасисиз амалга ошириш таъкиқланади.

Махсус аҳамиятта молик бўлган халқ хўжалиги муаммолари ни ечишга мўлжалланган ҳужжатлар, халқ хўжалигининг ривожланиши тармоқ схемалари, катта шаҳарларнинг бош режаси, давлат дастурлари, янги техника, технология, материаллар ва моддалар, катта ва мураккаб объектлар, комплексларнинг лойиҳалари ва техника-иқтисодий асослари Давлат экологик экспертизаси-

дан, Бош космос экспертиза эксперлари томонидан ҳам мустақил равишида ҳамда табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмиталари бўлимларининг эксперлари томонидан ўтказилиши лозим.

## **8.2. Экологик экспертизасига топшириш тартиби ҳамда янги техника ва технология материаллари буюмлар экспертизаси**

Давлат экологик экспертизасига буюртмачи томонидан хужжатнинг «қарор қабул қилиш» босқичидаги (халқ хужалигининг ривожланиш тармоқ схемалари, бош режалар, саноат ва бошқа объектларни қуришга майдон танлаш, техника-иқтисодий асослар, техник-иқтисодий хужжатлар (ТИХ) ва бошқалар). Ҳўжалик объектлари ва комплекслар қурилиши (реконструкцияси, кенгайтириш, техниковий қайта жиҳозлаш) лойиҳаларини, ТИХ ишлаб чиқишида, майдон танлашда атроф-муҳитта таъсирни баҳолаш (АМТБ) тартиби тўғрисидаги йўр-иқномага мос ишлаб чиқилган ҳолда АМТБ бўлимига топширилади.

Атроф-муҳитта таъсирни баҳолаш (АМТБ) қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: мақсадни билдириш, лойиҳани ишлаб чиқиш, атроф-муҳитта таъсирни хабарлаш, жамоатчилик орасида муҳокама қилиш, кейинги тадбирларни ўтказиш мақсадга муовифиқ маслиги тўғрисида қарор режалаштирилаётган пайтда атроф-муҳитга таъсирнинг аҳамиятга эга эмаслиги аниқлангач қабул қилинади.

Курилиш учун майдон танлаш тўғрисидаги актга имзо қўйиш учун АМТБнинг биринчи тўрт босқич вазифалари бажарилиши керак.

«Лойиҳа», «ишчи лойиҳа» босқичида ДЭЭга АМТБнинг «Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш» бўлимига топширилади. У

«Лойиҳа»нинг ёки «ишчи лойиҳа»нинг «Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш» бўлимини тузиш бўйича услубий қўлланмага асосан ишлаб чиқилиши керак.

АМТБ таркибидаги экологик хавфли ҳўжалик фаолиятининг турларини ривожлантириш лойиҳаларини режалаштиришнинг бутун даври мобайнида фаолиятнинг экологик хавфсизлиги таъминланишига кафолат берувчи тадбирни бажаришта, ҳатто фаолиятни тутатишта ҳам қаратилган «Экологик оқибатлар тўғрисида билдириш»ни ўз ичига олиши керак.

Янги техника, технология, материаллар ва моддаларнинг экспертизасидан ўтиши лозим: Янги маҳсулотнинг истиқболли техник савиясини белгиловчи ҳужжатлар, ҳужжат лойиҳалари, шу жумладан: норматив техник ҳужжатлар; меъёрий-хукуқий лойиҳалар, шу жумладан янги маҳсулотни ишлаб чиқишида қўйиладиган табиат муҳофазаси меъёрлари ва талабларига риоя қилишининг назоратини аниқлайдиган, регламентлайдиган тармоқ меъёрий техник ҳужжатлари; Маълум (конкрет) янги маҳсулотга техник ҳужжатларнинг лойиҳалари, конструкторлик ва технологик ҳужжатлар, тажриба (текшириш) натижалари ва шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг дастлабки ҳужжатларга мос келишини ва унинг техник савиясини таъкидловчи бошқа ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикасида ва чет элда ўхшаши (аналоги) бўлмаган, принципиал янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқилганда; Раҳбар органларнинг топшириғига асосан; Тармоқда янги маҳсулот ишлаб чиқилаётганда табиатни муҳофаза қилиш меъёrlарига риоя қилинишини режага асосан ва танлов асосида назорат қилиш тартибига биноан; Янги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида вазирликлар, бошқармалар, корхоналар, буюртмачи ва ҳужжатни тайёрловчи ташкилотлар ўртасида экологик масалалар бўйича сезиларли келишмовчилик келиб чиқсанда; Ўзбекистон

Республикасига, шунингдек республика ҳудудида пурат асосида ёки ҳамкорликда қурилаётган корхоналарга техника, технология, материаллар ва моддаларнинг айрим турлари келтирилганда экспертиза ўтказилиши зарур.

Юқорида қайд қилинган ҳужжатларни ДЭЭдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Баш Давлат экологик экспертизаси топшириғига биноан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари бўлимларининг эксперталари томонидан масъул ташкилотларни жалб қилиш билан амалга оширилади.

Янги техника, технология, материаллар ва моддаларни яратиш бўйича ҳужжатлар қўйидагилардан иборат бўлиши керак: Техник вазифа; техник шартлар лойиҳаси; техник савия ва сифат картаси; эксплуатация қилиш бўйича йўриқнома лойиҳаси; янги маҳсулотнинг техник вазифаси; стандарт; санитар-гигиеник ва табиат муҳофазаси меъёр ва қоидаларга мос келиши тўғрисидаги маълумотнома; режалаштирилаётган ишлаб чиқариш дастури тўғрисида маълумотнома; эксплуатация даврида атроф-муҳитни ифлослантирувчи ташландиқлар ва бошқа таъсир турларининг солиштирма (режалаштирилган) миқдори, уларни нейтраллаш, ушлаб олиш, қайта ишлаш ёки йўқотиш усуллари ва манбалар ҳақида маълумотнома; ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган янги маҳсулотнинг эксплуатацияси давридаги экологик оқибатлар (атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш натижаси сифатида) тўғрисидаги маълумотнома; Янги маҳсулотни ишлаб чиқаётганда табиат муҳофазаси меъёrlари ва талабларига риоя қилинишини назорат натижалари тўғрисида тармоқ хulosаси; ДЭЭ талабига биноан бошқа материаллар; Экологик экспертизага топшириладиган ҳужжатлар қўйидаги тавсифномалардан иборат бўлиши керак; Янги техника ва технология техноген тавсифномалари (характеристикалар):

а) Чиқиндилар, ташландиқлар, оқиндиларнинг турлари бўйича физикавий ва кимёвий тарқиби, уларни масса ва ҳажми бўйича, хавфлилик синфи, заҳарлилик даражаси, биологик чидамлилик, портлаш хавфи бўйича бўлинниб ҳисобланган ва меъёрий параметрларга нисбатан таққосланган йириклаштирилган моддий ва энергетик баланс ҳисоблари;

б) Ҳавога ва сувга чиқит ташловчи манбаларнинг (газ-ҳаво аралашмаси, ифлосланган оқава сувлар ҳажми, аралашмаларнинг температураси, ўтиш тезлиги, концентрацияси, массаси, ифлослантирувчи манбаларнинг конфигурацияси ва бошқалар) ҳисоблаш ва экспериментал тавсифлари;

в) Меъёрий параметрларга таққосланган шовқин, вибрация (тебранишлар), электромагнит, ионизацияланувчи ва иссиқлик нурланишларининг тупроқ қатламига таъсиrlар, санитариявий ҳимоя зоналари ва санитариявий бузилиш ўлчамларининг ҳисобланган ва экспериментал даражалари.

#### Экологик - техноген тавсифномалар:

а) кам ва чиқитсиз, ресурс ва энергия тежовчи технологик ечимларнинг, ҳаво ва сувга ташланган чиқитларни тозалаш тизимларининг, ташлаш усули ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, эксплуатация муддати билан энг янги техникани йўқотиш принциплари ва схемалари;

б) ҳар хил бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатлари (улар зарарли моддаларни чиқариб ташлаш билан боғлиқ бўлса) вақт, масса ва ҳажмни инобатга олган ҳисоблар ва моделлар, шунингдек авария ҳолатларини ва унинг оқибатини тутатиш усуллари ва схемалари;

в) чиқиндилар ташланувчи зарарли моддаларнинг ҳажми ва концентрациялари, иссиқлик ва электр юкламаларининг, бирбирлик маҳсулотга сарфланган табиий ресурснинг солиширма ўлча-

ми ёки нарх тавсифи, металл-материал, энергия сарфлаш ҳажми, бирбирлик йўлга кетган ёқилғи сарфи, юк кўтариш қобилиятини меъёрий параметрлар билан таққосланган ҳисобларидан иборатдир.

### **Янги материал ва моддалар:**

Техноген тавсифномалар. ҳисобланган физикавий тавсифномалар, биологик факторларнинг тавсифномалари, заҳарлилик даржаси, биочидамлилик, портлаш хавфи, хавфлилик синфининг ҳисобланган катталиклари ва уларнинг меъёрий параметрлар билан таққосланиши, янги материалларни эксплуатация қилиш ёки сақлашнинг ҳисобланган муддати, экологик-технологик тавсифномалар, янги материалларни олишдаги кам ва чиқитсиз, ресурс ва энергия тежовчи технологик ечимларнинг принциплари ва схемалари, янги материалларни қайта ишлаш ёки фойдаланиш муддати тугагач йўқ қилиш ёки сақлаш усуслари; транспортировка қилиш, сақлаш, қўлланиш ва қайта ишлаш ёки йўқ қилишдаги экологик хавфсизлик чораларидир.

### **Экологик-иқтисодий тавсифномалар:**

а) янги материалларни ишлаб чиқишини таъминловчи янги техника ва технологиянинг атроф-муҳитга бўлган салбий таъсиринг олдини олувчи тадбирларга ҳисобланган сарф-ҳаражатлар, шунингдек материалларнинг антропоген таъсирини камайтиришнинг экологик тадбирлари ва уларни иқтисодий зарар билан таққослаш;

б) янги материалларнинг табиатни муҳофазалаш меъёри ва қоидалари инобатга олинган ҳисобланган баҳо белгилаш тавсифномаларидир.

### **8.3. Давлат экологик экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш**

Кучи билан ёки олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик вакилларидан ташкил топган (илюва 4) эксперт комиссиялари (гурухлари) ёрдамида ўтказилиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш муддати, қоидага биноан материалларнинг тўлиқ комплекти топширилган кундан бошлаб 3 ойдан ошмаслиги керак.

ДЭЭ ўтказиш жараёни уч босқичдан иборат: тайёрлов, асосий ва якунловчи босқичлар:

а) тайёргарлик (тайёрлов) босқичида Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси тизимининг штатдаги эксперtlари томонидан:

- тавсия қилинган ҳужжатлар таркиби мазкур ҳужжатнинг талабларига мос келиш келмаслиги текширилади;

- экспертизанинг вазифалари, чегараси ва йўналиши търифланади; унинг формаси (шакли) ва ўтказиш усули аниқланади;

- экспертизанинг асосий йўналишлари бўйича мутахассислардан штатдан ташқари эксперт комиссияси-гурухи тузилади, унинг аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланади, иш графиги тузилади ва ҳоказо, керакли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

б) асосий босқич давомида экспертизага тавсия қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилади, ва текширилади, унда:

- мазкур хўжалик фаолияти турини амалга оширишга эҳтиёжнинг асосланиши, уни реализация қилиш усулини танлаш, тавсия қилинаётган техник-муҳандислик ва архитектура-режавий ечимларнинг прогрессивлиги, материал, хом-ашё ва энергетик

Давлат экологик экспертизаси (ДЭЭ) Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат комитети тизимидағи эксперт органлар мутахассислари

ресурслардан ва бошқалардан фойдаланишининг комплектлиги ва рационаллиги;

- аниқланган таъсир факторларининг тўлиқлигиги ва уларнинг экологик хавфи даражаси, атроф-муҳитга хўжалик фаолиятининг таъсири эҳтимоли масштаблари;

- табиат муҳофазаси қонуниятлари талабларини таъминлашга, шунингдек авария вазиятларининг олдини олиш (оғоҳлантириш) ва уларнинг мумкин бўлган оқибатларини тутатишга қаратилган чора-тадбирларнинг етарлилиги;

- мазкур хўжалик фаолиятининг экологик хавфсизлиги ва атроф-муҳитнинг сифат меъёри таъминланишининг фойдаланишга тавсия қилинган оператив ва бошқа хил назорат усуллари;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ва ҳосил бўлган чиқиндилиарнинг экологик хавфи даражасини баҳолаш, шунингдек уларни қайта ишлашда ҳудудий кооперацияланиш имкониятлари;

- экспертизани амалга оширишда экологик, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар тўғрисида маълумотларнинг борлиги инобатга олинади.

Экспертиза ишлари жараёнида олдиндан таърифланган экспертиза йўналишлари бўйича индивидуал эксперт хулоса ва эксперт гурӯҳи хулосаси тайёрланади.

Агар янги вазифалар ёки кўриб чиқиш йўналишлари аниқланса, эксперт комиссияси (гурӯҳи) ДЭЭни тайинланган орган олдига, экспертиза ўtkазиш муддатини ўзгартириш, кўтарилиган масалалар бўйича қўшимча эксперталар жалб қилиш масаласини қўйиши мумкин.

Экспертиза давомида, ҳужжатни тайёрловчилар томонидан инобатга олинмаган потенциал хавфли таъсирлар аниқланган тақдирда, лойиҳа ушбу таъсирнинг хавфлилик даражаси ва унинг оқибатлари баҳоланмаган ҳолда қайта ишлашга қайтарилади;

в) якунловчи босқич давомида эксперт комиссия томонидан кўрилаётган ҳужжат бўйича жамлама хulosса лойиҳаси тайёрланниб, у буюртмачи, лойиҳани ишлаб чиқсан ташкилот вакиллари, жамоатчилик қатнашган эксперт комиссияси мажлисида мұхокама қилинади. Жамлама хulosса эксперт комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва уларнинг розилигисиз ўзгарилилмайди;

г) эксперт комиссияси (гурухи)нинг жамлама хulosаси қуидагилардан иборат бўлиши керак:

- амалга оширишга тавсия қилинаётган хўжалик фаолияти-нинг қисқача тавсифи;

- тавсия қилинаётган хўжалик ечимининг экспертик баҳолари;

- лойиҳа бўйича принципиал мулоҳазалар;

- хulosалар;

- лойиҳани амалга ошириш имкониятлари ва шартлари (режа схемаси, дастурлар);

- уни қайта ишлашга ёки қайта кўришга эҳтиёж;

- амалга оширишга мувофиқ келмайдиган четта чиқишлар.

Хulosса ва таклифлар аниқ ва тушунарли таърифланиши керак.

Жамлама хulosага эксперт комиссияси аъзолари томонидан билдирилган алоҳида фикрлар илова қилинади.

#### **8.4. Давлат экологик экспертизасининг хulosаси**

Давлат экологик экспертизасини (ДЭЭ) ўтказаётган эксперт органи лойиҳани ва хўжалик фаолияти лойиҳаси бўйича эксперт комиссиясининг жамлама хulosасини кўриб чиқади ва «ДЭЭ хulosаси»ни тайёрлайди. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

- экологик оқибатлар ва лойиҳани амалга ошириш шарт-шароитлари тӯғрисида хулосалар;
- қизиқувчи томонларнинг фикр ва таклифларини кўриб чиқиши давомида пайдо бўлган мулоҳазалар;
- кўрилаётган хўжалик фаолияти лойиҳасини амалга ошириш шарт-шароитлари бўйича буюртмачи ва қизиқувчи ташкилот ва муассасалар учун тавсиялардан иборат бўлади.

«ДЭЭнинг хулосаси» Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси эксперт кенгаши мажлисига муҳокамага чиқарилиши мумкин.

«ДЭЭ хулосаси» лойиҳа буюртмачисига ва бошқа қизиқувчи ташкилотларга юборилади.

Хўжалик фаолияти лойиҳасини амалга ошириш учун маблағ фақат «ДЭЭ хулосаси» ижобий бўлсагина ажратилади.

Экспертиза тугагач, ҳужжатларнинг тўлиқ комплекти буюртмачиларга қайтарилади.

Ҳужжатларнинг нусхаси экспертиза ўтказган орган архивида олиб қолинади, расмийлаштирилади ва белгиланган иш юритиш тартибига асосан сақланади.

ДЭЭни ўтказища томонларнинг вазифалари ва жавобгарлиги хўжалик фаолияти лойиҳасининг ва бошқа ҳужжатнинг буюртмачиси ва ишлаб чиқувчи қуидагиларни таъминлаши шарт:

- мазкур ҳужжатнинг бўлимларига мос равища ДЭЭга бериладиган ҳужжатларнинг тўла комплектини;
- ДЭЭни ўтказиша ишларига Республикада белгиланган тартибда ҳақ тўлашни;
- экспертиза ўтказилаётган орган талабига биноан, эксперт комиссияси (гуруҳи, эксперт)нинг ишлаши учун зарур қўшимча ахборот беришни таъминлайди.

Эксперт комиссияси (гуруҳ, эксперт) жавоб беради:

- экспертизага берилган ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишига, жамлама хулосани тайёрлаш, хулоса ва таклифларнинг асослигига;

- экологик экспертизани ўтказиш меъёр ва қоидаларига риоя қилинишига масъул ҳисобланади.

ДЭЭни ўтказувчи эксперт орган жавоб беради:

- эксперт комиссиясини (гурухини) тузиш, экспертларни танлаш, уларнинг меҳнатини тўғри ташкил қилишга;

- кўриб чиқилаётган хўжалик фаолияти лойиҳаси амалга оширилиши мўлжалланаётган (ёки амалга оширилаётган) худуднинг атроф-муҳити ҳолати тўғрисидаги мълумотлар билан экспертларни таъминлашда ёрдам беришга;

- экспертиза ўтказишнинг ошкоралигини таъминлашга, кўрилаётган фаолият лойиҳасини экспертлар томонидан объектив равишда баҳолаш учун шарт-шароит яратишга;

- ДЭЭни ўтказишида меъёрлар ва қоидаларга риоя қилинишига;

- эксперталар ишига ўз вақтида ҳақ тўлашга масъуллир.

## 8.5. Иловалар:

**1. Ўзбекистон Республикаси  
Давлат табиат қўмитаси Бош Давлат экзоэкспертизаси эксперт бўлимларининг рўйхати.**

№	Бош давлат экзоэкспертизасининг эксперт бўлинмалари	Эксперт бўлинмаларнинг адреси
	2	3
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат Бош давлат экзоэкспертизаси	700000. Ташкент пр. А. Кодирий 5а

2	Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик эксперти за бўлими (ЭЭБ)	700143. Тошкент шаҳри Буюк ипак йўли, 235 - уй
3	Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (ТМҚҚ) ЭЭБ	700000. Тошкент шаҳри Халиқлар дўстлиги, 7-уй
4	Қорақалпоғистон Республикаси ТМҚҚ ЭЭБ	720000. Нукус шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 25 -уй
5	Андижон вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	710005. Андижон шаҳри Кўнчилик кўчаси 76-уй
6	Наманган вилояти (ТМҚҚ) ЭЭБ	716002. Наманган шаҳри, Хива кўчаси, 1-уй
7	Фарғона вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	712006. Фарғона шаҳри Ю.Саккокий кўчаси, 39/41-уй
8	Қашқадарё вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	730013. Қарши шаҳри, Левобережная кўчаси-уй
9	Сурхондарё вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	732004 Термиз шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 16-уй
10.	Хоразм вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	740009 Урганч шаҳри, Ёшлик кўчаси, 1 – уй
11.	Бухоро вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	706800 Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 33- уй
12.	Навоий вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	706800 Навоий шаҳри, Кольцевая кўчаси, 2а-уй
13.	Самарқанд вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	703017 Самарқанд шаҳри, Набиев кўчаси, 10 – уй
14.	Жizzах вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	708000 Жizzах шаҳри, Рашидов кўчаси, 3 – уй
15.	Сирдарё вилояти ТМҚҚ ЭЭБ	70000 Гулистон шаҳри, Н.Махмудов кўчаси, 10 - уй

## 2. Экологик хавфли хўжалик фаолияти турларининг рўйхати:

1. Атом саноати ва энергетика.
2. Биохимик, биотехник ва фармацевтика ишлаб чиқариши.
3. Хавфли саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, транспортировка қилиш, сақлаш ва кўмид ташлаш.
4. Нефтехимия ва нефтни қайта ишлаш.
5. Табиий газни чиқариб олиш ва қайта ишлаш.
6. Кимё саноати.
7. Металлургия.
8. Минерал ўғитлар, пестицидлар ва заҳарли химикатларни ишлаб чиқиш ва ишлатиш.
9. Ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва ракета ёқилғисини ишлаб чиқиш, сақлаш, транспортировка қилиш ва йўқотиш.
10. Органик ёқилғи базасида электроэнергия ишлаб чиқариш.
11. Асбест, шиша, цемент ишлаб чиқариш.
12. Целлюза ишлаб чиқариш.
13. Ёнувчи, заҳарли, портловчи моддаларни, шулар жумласидан ёнганда заҳарли маҳсулотлар ва чангли портлашлар ҳосил қилувчиларни сақлаш ва транспортировка қилиш.
14. Илмий изланиш жарёнида катта миқдорда заҳарли (токсик) моддалар, табиий ва сунъий синтезланган организмлар, бактериялар, вируслар ишлатадиган илмий муассасалар.
15. Микроэлектроника саноати.

## 3. Экологик оқибат тўғрисида билдириш

- а) Экологик оқибат тўғрисидаги билдириш ҳужжатида қўйидагилар акс этдирилиши керак;

- атроф-муҳитта экологик хавф хатарни ҳисобга олган таъсирни баҳолаш учун ўтказилган изланишларнинг асосий натижалари ва у бўйича қилинган хуносалар;

- тавсия қилинаётган вариантни амалга оширганда атроф-муҳитга кўрсатилган энг аҳамиятли таъсирнинг оқибатлари;

- атроф-муҳитни сақлаш талабларини бажаришга қаратилган фаолият тўғрисида буюртмачининг мажбуриятлари ва мазкур турдаги хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг бутун даврида бу мажбуриятнинг бажарилиши кафолати.

б) «Экологик оқибат тўғрисидаги билдириш»ни расмийлаштириш ва мазмуни:

- титул вараги;

- мақсад ва тавсия қилинаётган хўжалик фаолиятининг зарурлиги;

- мўлжалланган хўжалик фаолиятидаги потенциал экологик хавф савиасининг миқдорий баҳолари;

- мазкур турдаги фаолиятни амалга оширадиган бутун давр мобайнида табиат муҳофазаси меъёрлари ва қоидаларига мос ҳолда бажаришни кафолатловчи тадбирлар рўйхати;

- хўжалик фаолиятини экологик талабларга мос керакли манбалар (техникавий, хом-ашёвий, молиявий, ташкилий) ни кўрсаттан ҳолда бажариш мажбурияти ва уни бажаришга масъул шахсларнинг мажбуриятлари;

